

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИ

МАКТАБГАЧАТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ РЕСПУБ-  
ЛИКА ЎҚУВ МЕТОДИКА МАРКАЗИ

ЗУЛХУМОР АБДУЛЛАЕВНА РАҲМОНҚУЛОВА  
УЛУҒБЕК РАҲМОНҚУЛОВ,  
НАСИБА ҚУРБОНОВА

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ  
БОЛАЛАРДА  
МАТЕМАТИК ТАСАВВУРЛАРНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ

*(ТАЙЁРЛОВ ГУРУҲИ УЧУН МАШҒУЛОТЛАР  
ИШЛАНМАСИ)*

“Bekinmashoq-plyus”  
2012

УДК: 51-053.4

КБК: 74.102 - *Мактабгача тарбия*

Р 33

**Раҳмонқулова, Зулхумор**

Мактабгача ёшдаги болаларда математик тасавурларни шакллантириш: тайёрлов гуруҳи машғулотлар ишланмаси/ З.Раҳмонқулова, У.Раҳмонқулов, Н.Қурбонова. – Тошкент: Bekinmashoq-plyus. 2012. – 204 б.

Ушбу методик қўлланма “Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари” ва “Болажон” таянч дастури асосида мактабгача ёшдаги болаларнинг илк математик тасавурларини шакллантиришда тарбиячилар ва ота-оналарга ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилди. Қўлланмада тайёрлов гуруҳи учун намунавий машғулот ишланмалари тўлиқ ёритиб берилган. Методик қўлланмадан мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари, ота-оналар, педагогика институтлари ва коллежаларнинг мактабгача таълим йўналиши талабалари, малака ошириш тингловчилари ижодий ёндашган ҳолда фойдаланишлари мумкин.

УДК: 51-053.4

КБК: 74.102

**Муаллифлар:**

**З.А.РАҲМОНҚУЛОВА,**

Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика ўқув методика Маркази Методик ишлар, мактабгача таълим сифат ва самарадорлиги бўлими бошлиғи.

**У.РАҲМОНҚУЛОВ,**

ЎзМУ “Журналистика” факультети талабаси.

**Н.ҚУРБОНОВА,**

Андижон вилояти, Пахтаобод тумани 13-МТМ тарбиячиси.

**Тақризчилар:**

Г.САДУЛЛАЕВА, МТМХҚТМОРЎМ Марказ директори ўринбосари.


М.М.НУРИДДИНОВА, ММХҚТМОРЎМ Марказ услубчиси.

С.МАЖИДОВА, Тошкент шаҳар, Учтепа туман, 550-МТМ услубчиси.

Т.ТЕШАҚЎЗИЕВА, Фарғона вилояти, 32-МТМ тарбиячиси.

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, МТМХҚМОРЎ-ММ Илмий-методик кенгашининг 2011 йил 27-декабрдаги 4-сонли баённомаси қарори билан ширга тавсия этилди.*

ISBN 978-9943-324-54-1



2 ID 40721 2

## КИРИШ

Инсон тафаккури ниҳоятда кучли бўлиб, бу кучнинг беқийёслиги унинг ёшлигидан билимларни қандай ва қанча ўзлаштиришига жуда боғлиқдир. Педагог ва психологлари-миз фикрича бола 5 ёшгача инсоният тажрибасининг 50-60% ўзлаштирар экан, демак мана шу ёшгача болага энг керакли билимларни ёшига мос равишда бериш боланинг келажакда қандай инсон бўлишига жуда катта туртки бўлади. Мактабгача ёшдан болаларда математик билимларнинг етарли бўлишига катта аҳамият бериш муҳимдир. Чунки, инсон ҳаёти давомида математик ҳисоб-китобларга тез-тез дуч келади, яъни математик билимлар ҳар қадамда керак бўлади. Агар биз мактабгача ёшдан болаларни математика оламига турли қизиқарли интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда олиб кира олсак, математик билимлар билан етарли даражада қуроллантирсак, улар мактабда аъло баҳоларга ўқиб, юқори натижаларга эришадилар, ҳаёти давомида халқимиз учун фойдали касбни танлаш ва чуқур эгаллашда қийналмайдилар. Чунки қайси касбни олмайлик уни маҳорат билан бажаришга албатта математик билимлар керак бўлади. Шу сабабли мактабгача ёшдан болаларга турли интерфаол усуллар, масалан, қисқа ҳикоя, кичик гуруҳларда ишлаш, муаммоли топшириқлар, амалий иш, жуфтликда ишлаш, арифметик масалалар бўйича ўйинлар ва бошқалар орқали болаларнинг ёшига мос математик билимлар бериб боришга катта аҳамият бериш муҳимдир.

Бизга маълумки, “Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари” ва “Болажон” таянч дастурида назарда тутилганидек илк математик тасаввурларни шакллантириш машғулотларида мактабгача ёшдаги болалар сон ва саноқ, геометрик шакллар, миқдор ва кат-

талиқ, вақт ва фазо ҳақида бошланғич билимларни оладилар, яъни:

– геометрик шакллар ва предметларнинг шакли бўйича тасаввурлар шакллантирилади;

– сон ва саноқ, биринчи ва иккинчи ўнлик ичида миқдорий муносабатлар бўйича билимлар берилиб, содда арифметик масалаларни тузиш ва ечишга ўргатилади;

– фазовий муносабатларни тушуниш ва фазода мўлжал олиш кўникмаси ҳосил қилинади;

– миқдор, катталиқ ҳақида тасаввурлар шакллантирилиб, шартли ўлчовлар билан ўлчаш, сочилувчи ва суyoқ жисмларнинг ҳажмини аниқлаш, кўз билан чамалаш, нарсаларни тенг қисмларга бўлиш малакалари ривожлантирилади;

– вақт бўйича – соат ва унинг турлари, сония, дақиқа, соат, сутка ва унинг қисмлари, ҳафта, ой, фасллар, йил тақвими бўйича тасаввурлар ҳосил қилинади.

Бу билимлар ёрдамида болалар идрок қилинадиган объектларнинг хусусиятларини анализ ва синтез қилиш, таққослаш ва умумлаштиришнинг энг содда боғланишларини ҳамда улар орасидаги муносабатларни тушуниб оладилар. Илк математик тушунчаларнинг қанчалик аниқ ва мукамал бўлиши, болалар тафаккурининг – анализ ва синтез, мантиқий фикрлаш, хулоса чиқариш жараёнларининг кучли бўлишини таъминлайди. Яъни математика болаларни мантиқий фикрлашга – тўғри фикрлаш, тўғри фикрлардан тўғри хулосалар чиқаришга ўргатади, шу билан бирга нутқнинг такомиллашувига катта ёрдам беради.

Ушбу методик қўлланма “Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари” ва “Болажон” таянч дастури асосида ишлаб чиқилган бўлиб, 6-7 ёшли болаларнинг математик тасаввурларини шакллантиришда тарбиячи ва ота-оналарга ёрдам бериш мақсадида тайёрланган. Қўлланмада тайёрлов гуруҳида йил давомида ўтказиладиган 72 та машғулот ишланмалари батафсил ёритиб берилган. Машғулотлар мавзуси, мақсади, кутилаётган натижалар, керакли жиҳозлар, машғулотнинг бориши тўлиқ ёзилган. Машғулот давомида мавзулар болаларга содда

ҳолда тушунтирилиб, амалий ишлар ва турли интерфаол ўйинлар ёрдамида мустаҳкамланади. Ҳар бир машғулотнинг охирида болаларнинг билимларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш учун топшириқлар, саволлар берилган. Машғулотлар давомида болалар мустақил амалий топшириқларни бажариб, турли интерфаол усуллар ёрдамида ўйинларни ўйнаб, ижод қилган ҳолда янги математик тушунчаларни ўрганиб, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб борадилар.

Тарбиячи мактабгача ёшдаги болаларни математика оламига олиб кирар экан, турмушдаги барча жараёнларда математикага дуч келишимиз ва ҳаётда математик билимлар ҳар қадамда керак бўлиши ҳақида болаларда тасаввур ҳосил қилиши муҳимдир.

Илк математик тушунчалар болаларнинг ёшига мос тарзда қизиқарли қилиб ўргатилса, самарали натижаларга эришилади. Бундай машғулотлар натижасида болалар умумий билимларни ўрганиш билан биргаликда жамоа билан келишишни, биргаликда ишлашни, ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлашни, ёрдамлашишни, жамоада ўзини тута олишни ўрганадилар ва болаларда ўзига бўлган ишонч, мустақил фикрлаш, ўз фикрини чиройли ифода эта олиш каби фазилатлар шаклланади.

Шу сабабли ушбу қўлланма тарбиячи ва ота-оналарга болаларни мактаб таълимига тайёрлашда жуда катта қулайликлар яратади. Бу эса болаларни мактабда муваффақиятли ўқишларига замин тайёрлайди.

Машғулотларда болалар билимларини кенгайтиришга йўналтирилган, иштирок этишга мўлжалланган қуйидаги интерфаол усуллардан фойдаланилган:

- Қисқа ҳикоя
- Тушунтириш
- Амалий иш
- Кўрсатиш
- Кичик гуруҳларда ишлан
- Жуфтликда ишлаш
- Муаммоли вазият
- Савол-жавоб

- Тетиклаштирувчи машқ
- Рағбатлантириш
- Ижодкорлик
- Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин
- Масала тузиш, ечимни топиш
- График диктант

Бу усуллар машғулотларда алмашилиб келган ҳолда қўлланилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу методик қўлланмада мактабгача ёшдаги болалар сон ва саноқ, геометрик шакллар, вақт ва фазо, катталиклар ҳақида бошланғич билимларни эгаллашлари учун материаллар етарли даражада ва қизиқарли қилиб берилган.

Биз ушбу қўлланмани тайёрлашга яқиндан ёрдам берган **Улуғбек Раҳмонқулов** ва Андижон вилояти Пахтаобод тумани 13-сонли мактабгача таълим муассаса мудираси **Моҳияхон Жумабоева** ҳамда услубчи **Яҳёхон Абдураҳмоновларга** ўз миннатдорчилигимизни билдираемиз.

Методик қўлланмадан мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари, ота-оналар, педагогика институтлари ва коллежларнинг мактабгача таълим йўналиши талабалари, маляка ошириш тингловчилари ижодий ёндашган ҳолда фойдаланишлари мумкин. Ҳурматли тарбиячилар, ота-оналар, тингловчилар ва талабалар, ушбу методик қўлланмадан фойдаланиш давомида сизда машғулотларни мукамаллаштириш гоёлари пайдо бўлса муаллифларга ўзингизнинг қимматли фикр-мулоҳазаларингизни билдирасиз деган умиддамиз. **Телефон рақами: +998935626250**

**Мақтабга тайёрлов гуруҳида йил давомида ўтказиладиган  
математик тасаввурларни шакллантириш машғулотларининг  
тақсимланиши**

№	1-ярим йил					2-ярим йил					Йил давомида	
	IX	X	XI	XII	жами	I	II	III	IV	V		жами
	8	8	8	8	32	8	8	8	8	8	40	72

Сон ва саноқ	Миқдор (Кат-талиқ)	Геомет-рик шакллар	Шакл-лар	Фазовий тасаввур	Вақт ҳақида тасаввур	Умумий сони
16	14	14	14	14	14	72

Ой	Т.р	Машғулот мавзулари
Сентябр	1.	10 гача бўлган сонларни тўғри ва тескари санаш малакаларини мустаҳкамлаш.
	2.	Нарсаларни бўлиш усули билан 2 та тенг қисмга бўлишни ўргатиш.
	3.	Кўп бурчак билан таништириш.
	4.	Қоғоз варағида турли нарсаларнинг вазиятини (ўнғроқда, чапроқда, юқорида, пастда) аниқлаш юзасидан машқлар бажариш.
	5.	10 гача бўлган сонларда олдин ва кейин келадиган сонни топиш.
	6.	Нарсаларнинг қалин-юпқалигини қиёслаш.
	7.	Кўпбурчакнинг қирралари, томонлари ўзаро боғлиқлигини тушунтириш.
	8.	Сутка қисмлари-эрталаб, кундузи, кечқурун, тун ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш.
Октябр	1.	Ёнма-ён турган сонлар орасидаги муносабатларни тушунишга ўргатиш.
	2.	Бутунни 4 та тенг қисмга бўлишни, бутун ва қисмни таққослашни ўргатиш.
	3.	Сўз билан у ёки бу нарсаларнинг бошқа нарсага нисбатан турган ўрнини аниқлашга ўргатиш.
	4.	Кун ва туннинг кетма-кетлиги, кундалиқ фаолиятларнинг тақсимланиши ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш.
	5.	Иккита кичик сонлардан катта сонни ҳосил қилишни ўргатиш.

Ноябр	6.	Нарсаларни 2, 4, 8 та тенг қисмга бўлишга ҳамда қийматининг ярим, чоракта (тўртдан бир), нимчоракта (саккиздан бири) каби аталишини билишга ўргатиш.
	7.	Квадрат ва тўғри тўртбурчак, тўртбурчакнинг турли кўринишлари бор эканлиги ҳақида тасаввурни шакллантириш.
	8.	Ҳафта кунларининг кетма-кетлиги ҳақида тасаввурларни мустаҳкамлаш.
	1.	Мисолларни рақамлар ёзилган қоғозлар ёрдамида ифодалаб ечинга ўргатиш.
	2.	Шакллардан шакллар тузишни ўргатиш.
	3.	Қизиқарли учбурчак.
	4.	Фазода йўналишни аниқлай олиш кўникмаларини шакллантириш, юриш, югуриш пайтида ҳаракат йўналишини ўзгартириш.
	5.	10 гача бўлган сонларни ёзувда фарқлашни ўргатиш.
Декабр	6.	Бутун нарсаларни 10 та тенг қисмга бўлиш.
	7.	Жойида йўл топа билиш, теварак-атрофда ўз ўрнини аниқлаш.
	8.	Ўтаётган ой, сана, ҳафта кун номлари билан таништириш.
	1.	15 гача тартиб билан санашга ўргатиш.
	2.	Таёқчалар ёрдамида турли шаклларни ясаш.
	3.	Етишмаган шаклни топишга доир мантиқий масалалар ечинга ўргатиш.
	4.	Кеча, бугун, ортага қандай кун эканлиги билан таништириш.
	5.	Арифметик масала тузиниши билан таништириш.
6.	Нарсаларни бўйи ва энини шартли ўлчов бирлигида ўлчаш ва таққослаш.	
Январ	7.	Етишмаган шаклни топишга доир мантиқий масалалар ечинга ўргатишни давом эттириш.
	8.	Йил фасллари.
	1.	15 гача санашни ўргатиш.
	2.	Таёқчаларнинг ўрнини алмаштириш натижасида берилган шаклларни ўзгартиришга мўлжалланган масалалар ечиш.
	3.	Шартли ўлчов ёрдамида ўлчаш.
	4.	Йил тақвими билан таништириш.



Феврал	5.	20 гача бўлган сонлар билан таништириш ва тартиб билан санашга ўргатиш.
	6.	Шартли ўлчов ёрдамида нарсаларнинг бўйи ва энини ўлчашни ўргатишни давом эттириш.
	7.	Катак қоғозда кўлбурчаклар чизиш.
	8.	Йил тақвими ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш.
	1.	Арифметик масала тузилиши билан таништиришни давом эттириш.
	2.	Ромб шакли билан таништириш.
	3.	Ўзига нисбатан нарсаларнинг жойлашишини аниқлаш.
	4.	Соат ва унинг турлари билан таништириш.
Март	5.	20 гача бўлган ҳар бир сонни биттага оттириш ва камайтиришга ўргатиш.
	6.	Аниқ кўргазмали мисоллар асосида бутунни қисмдан катталигини, қисмнинг бутундан кичиклигини фарқлаш.
	7.	Таёқчалардан ҳосил бўлган геометрик шакллардан бир нечта таёқчани олиш усули билан кўринишини ўзгартириш.
	8.	Соат ва унинг ишлатилиши билан таништиришни давом эттириш.
	1.	20 гача бўлган сонларни ёзувда фарқлаш ва санаш малакаларини мустаҳкамлаш.
	2.	Болаларнинг кўз билан чамалаш қобилиятларини ривожлантириш.
	3.	Геометрик шаклларни турли белгилари: кўриниши, ўлчами, рангига кўра гуруҳларга ажратиш.
	4.	Соат ва ундан ярим соат аниқликда фойдаланишга ўргатиш.
Апрел	5.	Қўшиш ва айиришга доир содда арифметик масалалар тузиш ва ечишни ўргатишни давом эттириш.
	6.	Қоғоз сатҳини аниқлаш.
	7.	Ойлар номи билан таништиришни давом эттириш.
	8.	20 гача бўлган сонларни ёзувда фарқлаш ва санаш малакаларини мустаҳкамлаш.
	1.	Шартли ўлчов билан ўлчаш, ўлчаш натижасини сонлар билан аниқлаш.
	2.	Турли геометрик шакллар йиғмасидан ҳар хил ўйинлар ўйнаш.
	3.	Нарсаларнинг бир-бирига нисбатан жойлашишини аниқлаш.

Май	4.	Йил фассларининг кетма-кетлиги ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш.
	5.	Турли хил ўлчамдаги нарсалар орасидан бир хил ўлчамдаги нарсаларни ажратиш ва фарқлаш.
	6.	Катак қоғозга ҳар хил ўлчамдаги квадратлар чизиш.
	7.	Вақтнинг энг кичик birlikлари-сония ва дақиқа ҳақида тушунча бериш.
	8.	Теварак-атрофдаги нарсаларнинг вазиятини аниқлашга доир машқлар.
	1.	Ўзбек миллий сўмлари ва пластик билан таништириш.
	2.	Ўз чамасини ўлчов билан ўлчаб кўриб, текширишни ўргатиш
	3.	Махсус шакллар тўпламидан фойдаланиб, намунадаги нарсаларни ҳосил қилиш.
	4.	Катак қоғозда квадрат, учбурчак шакллари штрихлар орқали тасвирлаш.
	5.	Дафтар сатҳини аниқлаш ва шакллари штрихлар орқали чизиш.
	6.	Суюқ ва тўкилувчи жисмларнинг ҳажмини шартли ўлчов ёрдамида ўлчаш.
	7.	Етишмаган шаклни, жисми (шар, куб, цилиндр) топишга доир мантиқий масалалар ечишни ўргатиш.
	8.	Қоғоз варағининг ўнг-чап, юқори-паст ва ўртасини аниқлаш.

### Мавзуларнинг бўлимлар бўйича тақсимланиши

Сон ва саноқ	Миқдор (Катталик)	Геометрик шакллар	Фазовий тасаввур	Вақт бўйича тасаввур	Умумий сони
16	14	15	13	14	72

### Сон ва саноқ

1. 10 гача бўлган сонларни тўғри ва тескари санаш малакаларини мустаҳкамлаш.

2. 10 гача бўлган сонларда олдин ва кейин келадиган сонни топиш.

3. Ёнма-ён турган сонлар орасидаги муносабатларни тушунишга ўргатиш.
4. Иккита кичик сонлардан катта сонни ҳосил қилишни ўргатиш.
5. Мисолларни рақамлар ёзилган қоғозлар ёрдамида ифодалаб ечишга ўргатиш.
6. 10 гача бўлган сонларни ёзувда фарқлашни ўргатиш.
7. 15 гача тартиб билан санашга ўргатиш.
8. Арифметик масала тузилиши билан таништириш.
9. 15 гача санашни ўргатиш.
10. 20 гача бўлган сонлар билан таништириш ва тартиб билан санашга ўргатиш.
11. Арифметик масала тузилиши билан таништиришни давом эттириш.
12. 20 гача бўлган ҳар бир сонни биттага оттириш ва камайтиришга ўргатиш.
13. 20 гача бўлган сонларни ёзувда фарқлаш ва санаш малакаларини мустаҳкамлаш.
14. Қўшиш ва айиришга доир содда арифметик масалалар тузиш ва ечишни ўргатиш.
15. 20 гача бўлган сонларни ёзувда фарқлаш ва санаш малакаларини мустаҳкамлаш.
16. Ўзбек миллий сўмлари: 50 сўм, 100 сўм, 200 сўм, 500 сўм ва пластик билан таништириш.

### **Миқдор (Катталик)**

1. Нарсаларни бўлиш усули билан 2 та тенг қисмга бўлишни ўргатиш.
2. Нарсаларнинг қалин-юпқалигини қиёслаш.
3. Бутунни 4 та тенг қисмга бўлишни, бутун ва қисмни таққослашни ўргатиш.
4. Нарсаларни 2, 4, 8 та тенг қисмга бўлишга ҳамда қийматининг ярим, чоракта (тўртдан бир), нимчоракта (саккиздан бири) каби аталишини билишга ўргатиш.
5. Бутун нарсаларни 10 та тенг қисмга бўлиш.
6. Нарсаларнинг бўйи ва энини шартли ўлчов бирлигида ўлчаш ва таққослаш.

7. Шартли ўлчов ёрдамида ўлчаш.
8. Шартли ўлчов ёрдамида нарсаларнинг бўйи ва энини ўлчашни ўргатишни давом эттириш.
9. Аниқ кўргазмали мисоллар асосида бутуннинг қисмдан катталигини, қисмнинг бутундан кичиклигини фарқлаш.
10. Болаларнинг кўз билан чамалаш қобилиятларини ривожлантириш.
11. Шартли ўлчов билан ўлчаш, ўлчаш натижасини сонлар билан аниқлаш.
12. Турли хил ўлчамдаги нарсалар орасидан бир хил ўлчамдаги нарсаларни ажратиш ва фарқлаш.
13. Ўз чамасини ўлчов билан ўлчаб кўриб, текширишни ўргатиш.
14. Шартли ўлчов бирлиги ёрдамида суюк ва тўкилувчи жисмларнинг ҳажминини ўлчаш.

### **Геометрик шакллар**

1. Кўп бурчак билан таништириш.
2. Кўпбурчакнинг қирралари, томонлари ўзаро боғлиқлигини тушунтириш.
3. Квадрат ва тўғри тўртбурчак, тўртбурчакнинг турли кўринишлари бор эканлиги ҳақида тасаввурни шакллантириш.
4. Шакллардан шакллар тузишни ўргатиш.
5. Қизиқарли учбурчак.
6. Таёқчалар ёрдамида турли шаклларни ясаш.
7. Етишмаган шаклни топишга доир мантиқий масалалар ечишга ўргатиш.
8. Етишмаган шаклни топишга доир мантиқий масалалар ечишни ўргатишни давом эттириш.
9. Таёқчаларнинг ўрнини алмаштириш натижасида берилган шаклларни ўзгартиришга мўлжалланган масалалар ечиш.
10. Ромб шакли билан таништириш.
11. Таёқчалардан ҳосил бўлган геометрик шакллардан бир нечта таёқчани олиш усули билан кўринишини ўзгартириш.

12. Геометрик шаклларни турли белгилари: кўриниши, ўлчами, рангига кўра гуруҳларга ажратиш.

13. Турли геометрик шакллар йиғмасидан ҳар хил ўйинлар ўйнаш.

14. Махсус шакллар тўпамидан фойдаланиб, намунадаги нарсаларни ҳосил қилиш.

15. Етишмаган шаклни, жисмни (шар, куб, цилиндр) топишга доир мантиқий масалалар ечишни ўргатиш.

### Фазовий тасаввурлар

1. Қоғоз варағида турли нарсаларнинг вазиятини (ўнроқда, чапроқда, юқорида, пастда) аниқлаш юзасидан машқлар бажариш.

2. Сўз билан у ёки бу нарсаларнинг бошқа нарсага нисбатан турган ўрнини аниқлашга ўргатиш.

3. Фазода йўналишни аниқлай олиш кўникмаларини шакллантириш, юриш, югуриш пайтида ҳаракат йўналишини ўзгартириш.

4. Жойида йўл топа билиш, теварак-атрофда ўз ўрнини аниқлаш.

5. Катак қоғозда кўпбурчаклар чизиш.

6. Ўзига нисбатан нарсаларнинг жойлашишини аниқлаш.

7. Қоғоз сатҳини аниқлаш.

8. Нрсаларнинг бир-бирига нисбатан жойлашишини аниқлаш.

9. Катак қоғозда ҳар хил ўлчамдаги квадратлар чизиш.

10. Теварак-атрофдаги нарсаларнинг вазиятини аниқлашга доир машқлар.

11. Катак қоғозда квадрат, учбурчак шакллариини штрихлар орқали тасвирлаш.

12. Дафтар сатҳини аниқлаш ва шаклларни штрихлар орқали чизиш.

13. Қоғоз варағининг ўнг-чап, юқори-паст ва ўртасини аниқлаш.

## Вақт ҳақида тасаввур

1. Сутка қисмлари-эрталаб, кундузи, кечқурун, тун ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш.
2. Кун ва туннинг кетма - кетлиги, кундалик фаолиятларнинг тақсимланиши ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш.
3. Ҳафта кунларининг кетма-кетлиги ҳақида тасаввурларни мустаҳкамлаш.
4. Ўтаётган ой, сана, ҳафта куни номлари билан таништириш.
5. Кеча, бугун, эртага қандай кун эканлиги билан таништириш.
6. Йил фасллари.
7. Йил тақвими билан таништириш.
8. Йил тақвими ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш.
9. Соат ва унинг турлари билан таништириш.
10. Соат ва унинг ишлатилиши билан таништиришни давом эттириш.
11. Соат ва ундан ярим соат аниқликда фойдаланишга ўргатиш.
12. Ойлар номи билан таништиришни давом эттириш.
13. Йил фаслларининг кетма - кетлиги ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш.
14. Вақтнинг энг кичик бирликлари - сония ва дақиқа ҳақида тушунча бериш.

## 1-МАШҒУЛОТ СОН ВА САНОҚ

**Мавзу:** 10 гача бўлган сонларни тўғри ва тескари санаш малакаларини мустаҳкамлаш

**Мақсад:**

- Болаларга 10 гача тўғри ва тескари санашни ўргатишни давом эттириш.

**Кутилаётган натижа:**

- 10 гача бўлган сонларни тўғри ва тескари санаш кўникмасини мустаҳкамлаш.

**Керакли жиҳозлар:**

- Рақамлар ёзилган кубиклар.
- Ҳар бир болага бош ўлчамига мос, қоғоздан ясалган тож (тожга 1 дан 10 гача рақамлардан бири ёзилган, шунда ҳар бир рақамдан 2 тадан бўлади).

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, сизлар 10 гача тўғри ва тескари санашни ўрганиб олгансизлар, тўғрими? Келинлар ҳозир 2 гуруҳга бўлиниб мусобақа ўйнаймиз. 1-гуруҳга “Тўғривойлар”, 2-гуруҳга “Тескаривойлар” деб ном қўйиб оламиз.

**1-шарт.**

**Тарбиячи:** – Болалар, кубикларга ёзилган рақамларни кўриб турибсизлар. Мен уларни тартибсиз ҳолатда қўйиб қўйганман. Ҳозирги шартимизда сизлар навбат билан келиб рақамларни 1 дан 10 гача тўғри ва 10 дан 1 гача тескари тартиб берасизлар. Ҳар бир гуруҳдан биринчи келган бола 1 дан 10 гача тўғри тартибда теради ва санайди, иккинчи бола 10 дан 1 гача тескари теради ва санайди, учинчи бола 1 дан 10 гача тўғри теради ва санайди, тўртинчи бола тескари теради ва санайди, бешинчи бола тўғри теради ва санайди, шу тартибда ўйин давом этади. Қайси гуруҳ болалари топшириқларни тез ва хатосиз бажарсалар, шу гуруҳ ғолиб бўлади.

**2-шарт.**

**Тарбиячи:** – Ҳар икки гуруҳга 1 дан 10 гача бўлган рақамлар ёзилган тож тарқатаман. Икки гуруҳ болалари ара-

лашиб юрасизлар. Мен “Болалар, тождаги рақамга қараб 1 дан 10 гача тартиб билан терилиб туринг”, десам, ҳар бир гуруҳ ўзининг гуруҳи билан 1 дан 10 гача тартиб билан терилиб туради. Қайси гуруҳ биринчи бўлиб туриб олган бўлса, ўша гуруҳ 1 дан 10 гача санаб беради. Санаб беришда ҳар бир бола ўз рақамини айтади.

“Ҳамма болалар аралашиб юринглар, энди ҳар бир гуруҳ 10 дан 1 гача чап томондан туриб олинглар”, десам, 10 дан 1 гача тескари тартибда туриб оласизлар ва қайси гуруҳ биринчи бўлиб туриб олган бўлса, ўша гуруҳ 10 дан 1 гача санаб беради. Санаб беришда ҳар бир бола ўз рақамини айтади.

Қайси гуруҳ тез ва тўғри туриб олса, сонларни тўғри санаса, ўша гуруҳ ғолиб бўлади. Топшириқларни тўғри ба- жарган гуруҳга доира шакли бериб борилади.

### **3-шарт.**

**Тарбиячи:** – “Ким ва қайси сон йўқлигини топинг” ўйинини ўйнаймиз.

**Ўйиннинг бориши:** Рақамли тожни кийиб олган болалар доира бўлиб турадилар ва кўзларини юмадилар. Тарбиячи улардан бирини яшириб қўяди. Болалар кўзларини очиб, бир-бирларига қарайдилар ва қайси сондаги бола ораларида йўқлигини топадилар. Қайси гуруҳ кўп ва тўғри топса, ўша гуруҳ ғолиб бўлади. Мусобақа якунида гуруҳлар йиққан доиралар саналади ва ғолиб гуруҳ аниқланади.

### **Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. 1 дан 10 гача бўлган сонларни тескари санаш учун аввало қайси рақам айтилади?
  2. 1 ва 10 сонлари орасида қандай сонлар бор?
  3. Тўртдан олдинги ва кейинги сонни айтиб беринг.
  4. 10 дан 1 гача тескари санаб беринг.
  5. 3 ва 5 сонлари орасида қандай сон бор?
  6. Тўққиздан олдин қайси сон келади?
  7. 6 ва 8 сонлари орасида қандай сон бор?
- Машғулот давомида ва якунида болаларни рағбатлантириш.



## 2-МАШҒУЛОТ МИҚДОР (КАТТАЛИК)

**Мавзу:** Нарсаларни бўлиш усули билан 2 та тенг қисмга бўлишни ўргатиш

### **Мақсад:**

- Болаларда бутун ва қисм ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

### **Кутилаётган натижалар:**

- Болалар бутун ва қисмини фарқлашни билиб оладилар.
- Болалар бутун ва қисм сўзларини нутқда тўғри ишлатишни ўрганадилар.

### **Керакли жиҳозлар:**


- Ҳар бир болага 2 тадан тўғри тўртбурчак шаклидаги қоғоз варағи.
- Ҳар бир болага 2 тадан овал шаклидаги оқ қоғоз
- “Домино” ўйини учун карточкалар.
- 5 та олма.

### **Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, ҳаммамиз қўлимизга тўғри тўртбурчак шаклидаги қоғоз варағини оламиз. Унинг учларини бирилаштириб, тенг қилиб буклаймиз. Букланган чизиқдан яхшилаб бармоқ юритиб чиқамиз. Энди қоғоз варағини очамиз, қайичини олиб, букланган чизиқдан қирқамиз. Битта катта қоғозни ўртасидан бўлиб, 2 та тенг бўлак ёки қисм ҳосил қилдик. Бу бўлаklar қандай шаклга ўхшайди. Тўғри тўртбурчак шаклига. Бу бўлаklarни бутун варақнинг иккидан бир қисми дейишимиз ҳам мумкин. Энди болажонлар, бўлаklarдан бирини олиб бутун варақ устига қўйиб ўлчаб, таққослаб кўрамиз – қайси катта? Қайси кичик? (*Болалар жавоби*)

Тўғри болажонлар, бутун варақ қисмдан катта. Битта бўлак (ёки қисм) бутун варақдан кичик. Энди болажонлар, 2 та ярим бўлакни бирилаштириб қўямиз. Бутунга тенг бўлдим, йўқми? (*Болалар жавоби*)

Биз 2 та ярим бўлаklarни бирилаштириб, 1 та бутун тўғри тўртбурчакни ҳосил қилдик.



Бутун шаклни 2 хил усулда бўйига ёки энига 2 га бўлишимиз мумкин:

1-расм.



**Болалар учун амалий иш.**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, энди ҳаммангиз олдингиздаги овал шаклидаги варақни олиб мустақил ҳолда уни 2 та тенг қисмга бўлинг.


Жамолбек, тушунтириб берингчи, сиз овални нечта қисмга бўлдингиз? Битта қисм бутундан кичкинами, каттами? (3-4 та боладан сўралади).

Қисмларни бутун овалнинг устига қўйиб ўлчаб кўрилади.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, ҳозир ҳаммамиз бутун овалдан бутун қовунни ясаймиз. Яримта қисмларни яримта қовун шаклига келтирамиз.

Бунинг учун овал шаклидаги қоғозга қалам билан чизиқлар чизамиз ва қовунимизнинг ранги қандай бўлишини хоҳласак, ўша рангда (сарик, яшил) бўяймиз. Мана қовунларимиз тайёр бўлди. Энди овалнинг қисмларидан қовуннинг яримини ўхшатиб чизиб бўяймиз.

2-расм.



**Тетиклаштирувчи машқ.**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, бир қатор бўлиб туриб олинглар. Мен “квадрат” десам, квадрат шаклида туриб оласиз-

лар. “2 та квадрат” десам, 2 га бўлиниб, 2 та квадрат бўлиб турасизлар. Мен “доира” десам, доира шаклида туриб оласизлар. “2 та доира” десам, 2 га бўлиниб, 2 та доира бўлиб турасизлар. “Учбурчак” десам, учбурчак шаклида. “2 та учбурчак” десам, 2 та учбурчак шаклида турасизлар.

**Болалар билимини мустаҳкамлаш учун ўйин: “Қизиқарли домино”**

“Домино” ўйини учун тайёрланган карточкаларда бутун ва яримта ҳолда тасвирланган геометрик шакллар: учбурчак, бешбурчак, олтибурчак, саккизбурчак, квадрат, доира, овал шакллари бўлади. Болалар бу карточкаларни бўлиб оладилар ва домино ўйини қоидаларига риоя қилиб ўйнайдилар. Фақат ўйин давомида қандай шаклнинг бутун ёки қисмини қўйганлигини овоз чиқариб айтишлари лозим.

**Тарбиячи:** – Энди болажонлар, ҳамма қўлини ювиб келсин. ҳозир сизлар билан олмаларни тенг тақсимлаймиз. Ҳар бир олмани 2 га бўламиз.

Тарбиячи ҳар бир олмани 2 га бўлади ва ҳар бир болага “Олманинг 2 дан бир қисмини – олманинг битта бўлагини олинг”, деб беради.

*3-расм.*



**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Иккита қисмдан нечта бутун яшаш мумкин?
2. Битта бутунни нечта қисмга бўлдик?
3. Бутун кичкинами ёки қисми?

4. Қандай ҳолда қисм ҳосил бўлади?
  5. Бутун каттами ёки қисм каттами?
  6. Бутун қовунни нечта қисмга бўлдик?
  7. Тўғри тўртбурчакнинг 2 дан бир қисмини кўрсатинг.
  8. Домино ўйинини қайси шаклларнинг бутун ва яримта қисмлари ёрдамида ўйнадик?
  9. Олмаши нечта бўлакка бўлдик?
- Машғулот давомида ва якунида болаларни рағбатлантириш.

### 3-МАШҒУЛОТ ГЕОМЕТРИК ШАКЛЛАР

#### Мавзу: Кўпбурчак билан таништириш

##### **Мақсад:**

- Болаларда кўпбурчаклар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш.

##### **Қўйилаётган натижа:**

- Болалар кўпбурчаклар ҳақида билиб оладилар.

##### **Керакли жиҳозлар:**

- Ҳар хил рангдаги, кўринишдаги ва катталиқдаги учбурчаклар, тўртбурчаклар (ҳар бир шакл 5 тадан 10 тагача бўлиши мумкин)
- Ҳар бир болага 1 тадан бешбурчак, олтибурчак ва саккизбурчакли шакллар (4-расм)
- Қалам, рангли қоғозлар, қайчи (ҳар бир болага)
- 4 метр лента

##### **Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, мана бу чиройли қутичада турли геометрик шакллар бор. Бу шакллар қандай номланади? Улар бир-биридан нимаси билан фарқ қилади?

Тарбиячи қутидан турли рангдаги, кўринишдаги ва катталиқдаги учбурчакларни олиб доскага териб қўяди.

**Тарбиячи:** – Тўғри уларнинг ранги ҳар хил, ҳар хил кўринишда ва катталиқда, лекин уларнинг ҳаммаси учбурчаклар.


Тарбиячи қутидан турли рангдаги, кўринишдаги ва катталиқдаги тўртбурчакларни олиб доскага териб қўяди.

**Тарбиячи:** – Бу шакллар қандай номланади? Тўғри уларнинг ранги ҳар хил, ҳар хил катталиқда ва кўринишда, лекин уларнинг ҳаммаси тўртбурчаклар. Учбурчаклар ва тўртбурчакларнинг фарқли жиҳатлари борми? Бу шаклларнинг неча бурчаги бор? (*Болалар жавоби*) Тўғри, учбурчакда 3 та бурчак, тўртбурчакда 4 та бурчак бор. Учбурчаклар ва тўртбурчакларнинг бир-бирига ўхшаш жиҳатлари ҳам бор: учбурчакда ҳам, тўртбурчакда ҳам томонлар, бурчаклар ва учлар бор.

Демак, бу шаклларнинг ўхшаш белгилари кўп экан, шунинг учун ҳам уларни битта сўз билан айтиш мумкин. Булар – кўпбурчаклар дейилади. Кўпбурчакларнинг бундан ҳам бурчаклари кўплари бўлади, масалан: бешбурчак, олтибурчак, саккизбурчак. Келинглр, мана бу кўпбурчакларнинг бурчакларини санаб кўрамиз.

Тарбиячи ва болалар бешбурчак, олтибурчак, саккизбурчакли шаклларнинг бурчакларини санаб кўрадилар.

4-расм.



**Болалар учун амалий иш.**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, келинглр, ҳозир хоҳлаган кўпбурчакни олиб олдингиздаги оқ қоғозга қўйиб, чизасиз. Энди бу кўпбурчакни қайчи билан қирқамиз. Қирқиб бўлганимиздан кейин бурчакларини санаймиз. Болажонлар, хонамиздаги нарсаларга эътибор беринг, нималар кўпбурчак шаклларга ўхшайди? (*Болалар жавоби*) Тўғри, столнинг юзаси тўртбурчак шаклга ўхшайди. Мана бу тож бешбурчакга ўхшайди ва ҳакозо.

**Билимларни мустақкамлаш учун ўйин:** “Кимнинг шакли чиройли?”

Ўйин учун 4 метр узунликдаги лентанинг икки учини бирлаштирилиб, тугиб қўйилади. Болалар олдин 3, 4, 5 та-

дан кичик гуруҳларга бўлиниб, кейин 6, 7, 8 тадан бўлиб кўпбурчакларни ясайдилар.

**Ўйин қондаси:** Лентани 5 та бола 5 жойидан қўлларида ушлайдилар ва таранглаштириб кўпбурчак шаклини чиқардилар. Томошабин бўлиб турган болалар тўғри ва чиройли ясалган кўпбурчакларни олқишлайдилар. Ўйин шу тарзда давом этади.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Учбурчакни кўпбурчак дейишимиз мумкинми?
2. Тўртбурчак ҳам кўпбурчакми?
3. Кўпбурчакларни нима учун кўпбурчак деймиз?
4. Қандай кўпбурчакларни биласиз?
5. Хонамиздаги нималар кўпбурчак шаклларига ўхшайди?
6. Бешбурчак шаклининг нечта томони ва нечта бурчаги бор?

Машғулот давомида ва якунида болаларни рағбатлантириш.

#### **4-МАШҒУЛОТ ФАЗОВИЙ ТАСАВВУР**

**Мавзу:** Қоғоз варағида турли нарсаларнинг вазиятини аниқлаш бўйича машқлар

**Мақсад:**

- Болаларнинг фазовий тасаввурларини кенгайтириш, нарсаларнинг вазиятини аниқлай олиш кўникма ва малакасини мустаҳкамлаш.

**Кутилаётган натижалар:**

- Болалар нарсаларнинг вазиятини аниқлашни ўрганади.

**Керакли жиҳозлар:**

- Оқ қоғоз, ручка (ҳар бир болага).

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болалар, бизнинг атрофимизда турли нарсалар жойлашган. Бу нарсалар қайси томонимизда жойлаш-

ганини билиб олишимиз зарур. Биз ҳаётда турли вазиятларга дуч келиб қолишимиз мумкин. Агар биз ўнг, чап, юқори, пастни яхши билиб олсак, қийин вазиятларга тушиб қолмаймиз.

Сизларга бир воқеани ҳикоя қилиб берайми?

Лолахон деган қиз бор экан. У бувисиникига меҳмон бўлиб борибди. Бувиси Лолахонни кўриб жуда ҳам хурсанд бўлибди. У бувисиникида мазза қилиб ўйнаб юрибди. Бир куни бувиси Лолахонни чақириб: “Қизгинам, мана бу косани ўнг томондаги қўшниккига бериб чиққин”, дебди. Лолахон ҳайрон бўлиб турган экан, бувиси: “Дарвозадан чиқиб ўнгга буриласан” дебди. Лолахон бўлса ўнг ва чапни билмас экан. У дарвозадан чиқиб чап томондаги қўшникка косани бериб чиқибди. Бир оздан сўнг чап томондаги қўшни: “Бу косани нима учун бизниккига бериб юбордингиз? Бу бизнинг косамиз эмас”, деб косани қайтариб олиб чиқиб берибди. Лолахон бувиси ва қўшни олдида жуда уялиб қолибди. Кейин, бувиси Лолахонга ўнг ва чап томонларни яхшилаб тушунтириб қўйибди.

Болалар, ҳозир сизлар билан қоғоз варағида турли нарсаларни қайси томонда турганлигини ўрганишларингиз учун машқ қиламиз. Мана, қоғоз доскада илинган ҳолатда турибди. Доскадаги қоғознинг ўртасига доира шаклини чизаман – бу фаввора. Фавворанинг ўнг томонида – биз учун ишлатишга қулай бўлган қўлимиз, яъни ўнг қўлимиз ўнг томонимизда жойлашган. Ўнг томонга арча дарахтини чизаман. Чап томонга эса уй тасвирини чизаман. Фавворадан юқорига машина, пастга эса аравача чиздим. Ҳозир арава билан машинани фаввора атрофида қандай юргизишимиз мумкинлигини аниқлаб кўрамиз. Машина учун чап томондан йўл белгилаймиз. Лекин, машина фавворага нисбатан чапроқ томонга юради. Арава эса ўнгроқ томонга юради.

**Болалар учун амалий иш.**

Ҳар бир бола столига оқ қоғоз (катак чизиқли) ва ручка қўйилади. Тарбиячи болаларга олдиларидаги қоғознинг ўртасини қандай топиш мумкинлигини тушунтиради. Болалар қоғоз ўртасидаги тўртта катакка олдин квадрат чиза-

дилар ва кейин бу квадратдан допрани чизадилар. Тарбиячи ўз қўғозига тасвирланган шаклларни айтиб туради, болалар чизадилар. Болалар шаклларни қўғоздаги катакларни санаб чизишга ҳаракат қилишлари керак.

Тарбиячи болаларнинг ишини кузатади ва ёрдам беради.

#### **Билимларини мустаҳкамлаш учун ўйин: “Паровоз”**

Болалар икки гуруҳга бўлиниб, 2 қатор бўлиб турадилар ва бир-бирларининг тирсақларидан ушлаб 2 та паровоз ҳолатига келадилар ва тарбиячининг ишорасини кутадилар.

**Ўйиннинг бориши:** Болалар тарбиячининг ишораси бўйича ҳаракат қиладилар. Тарбиячи: – “Паровоз олдинга, ўнга, чапга...” каби ишораларни айтиб туради.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Сизнинг ўнг томонингизда ким бор?
2. Чап томонингиздачи?
3. Сизнинг олдингизда нима бор?
4. Сизнинг орқангизда нима бор ?
5. Дафтар варағининг ўртасини кўрсатинг.
6. Дафтар варағининг чап ва ўнг томонини кўрсатинг.
7. Дафтар варағининг юқорисини ва пастини кўрсатинг.

Машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантириш.

## **5-МАШҒУЛОТ СОН ВА САНОҚ**

**Мавзу:** 10 гача бўлган сонлар ичида олдин ва кейин келадиган сонни топиш

#### **Мақсад:**

• Болаларда 10 сон ичида олдин ва кейин келадиган сонлар ҳақида тасаввурлар ҳосил қилиш.

#### **Кутилаётган натижа:**

• Болалар 10 гача бўлган сонларни олдинги ва кейинги сонлар билан боғлашни тартибни билиб оладилар.



### **Керакли жиҳозлар:**

- Копток.
- Стол театри асосида: бола, мушук, товуқ, жўжалар (10 та), тухумлар шакли (10 та)
- 1 дан 10 гача рақам ёзилган овал шакли (ҳар бир болага 10 та)
- 1 дан 10 гача рақам ёзилган жўжа тасвири (ҳар бир болага 10 та)
- 1 дан 10 гача рақам ёзилган карточкалар (2 тўплам)

### **Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болалар, биз аввалги машғулотларимиздан бирида 1 дан 10 гача бўлган сонларни тартиб билан ва тескари санашни ўрганган эдик. Ҳозир доира бўлиб ўтириб оламиз ва ўтирган ҳолатда коптокни қўлма-қўл узатамиз. 1-бола 1 сонини айтиб, 2-болага коптокни беради. 2-бола 2 сонини айтиб, 3-болага коптокни беради ва шу тартибда 10 та бола сонларни тартиб билан айтиб чиқади. 11- бола 10 сонини айтиб коптокни 12- болага беради. 12-бола 9 сонини айтиб 13-болага беради ва шу тартибда 10 та бола 10 дан 1 гача бўлган сонларни тескари айтиб чиқади.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, бугун сизларга бир эртак айтиб бераман. Қадим замонда бир мушуквой яшаган экан. Мушуквой жўжаларни ейишни яхши кўрар экан. Мушуквой яшайдиган уйда Акмал исмли бола жўжа очириниш учун 10 та тухумни товуғига бостириб қўйибди. Товуқ тухумларни меҳр билан асрабди. Мушуквой, жўжалар қачон тухумдан чиқар экан, деб ҳар кун пойлар экан. Ниҳоят жўжалар бирин-кетин тухумларни очиб чиқа бошлабди. 10 кун давомида ҳар кун биттадан жўжа тухумни очиб чиқибди. Акмалжон 1-кун тухумдан чиққан жўжага 1 рақамини, 2-кун чиққан жўжага 2 рақамини, 3-кун чиққан жўжага 3 рақамини ва ниҳоят 10- кун чиққан жўжага 10- рақамини ёзиб қўйибди. Қани болажонлар, ўйлаб кўринларчи, нега Акмалжон жўжаларга рақам ёзиб қўйди экан? Чунки Акмалжон, олдин қайси жўжа, кейин қайси жўжа тухумни очиб чиққани, яъни жўжаларнинг қайси бири акаси ёки укаси эканлигини белгилаб қўймоқчи бўлибди. Акмалжоннинг бу иши-

ни Мушуквой ҳар куни кузатиб борибди ва у ҳам жўжаларнинг қайси бири олдин, қайси бири кейин тухумдан чиққанлигини рақамлари орқали билиб олибди. Товуқ ҳар куни жўжаларини ҳовлида айлантириб юрар экан. Мушук эса панада уларни пойлаб ётар экан, ҳар куни жўжаларни санар экан: олдин қайси тухумдан чиққан эди? Ҳа, ана 1-рақамлиги, кейин 2-рақамлиги. 4- рақамликдан олдин қайси рақамлиги тухумдан чиққан эди? Ана топдим, у жўжа 3-рақамли эди. Шундай қилиб Мушуквой ҳар куни жўжаларни қайси бири олдин, қайси бири кейин тухумдан чиққанини рақамлари орқали билиб олар экан. Мушуквой жўжаларнинг қайси бири олдин ва қайси бири кейин дунёга келганини аниқлаш билан овора бўлиб, уларга меҳри тушиб қолибди. Натижада уларни ейишни хаёлига ҳам келтирмай қўйибди. Ҳовлида Акмалжон, Мушуквой, товуқ ва жўжалар бир-бирлари билан аҳил бўлиб ўйнашар. баъзида Акмалжон билан Мушуквой жўжаларнинг қайси бири акаси ёки укаси эканлиги ҳақида баҳслашар эканлар.

Келинлар, болажонлар, биз ҳам уларнинг баҳсларига қўшилаемиз.

#### **Болалар учун амалий иш.**

Болалар олдиларига қўйилган қутичадан 1 дан 10 гача рақам ёзилган 10 та тухум шакли (овал)ни олиб, тартиб билан терадилар. Олдин қайси рақамли жўжа, кейин қайси рақамли жўжа тухумдан чиқишини айтиб берадилар. Кейин 1 дан 10 гача рақам ёзилган жўжаларни тухумларнинг устига қўйиб чиқадилар.

#### **Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Қўшни сонларни кўрсат ва айт”**

Тарбиячи 1 дан 10 гача бўлган сонлардан биттасини кўрсатади. Болалар кўрсатилган соннинг қўшниларини кўрсатишлари керак. Масалан: тарбиячи 5 сонини кўрсатса, болалар 4 ва 6 сонини кўрсатишлари керак. Тарбиячи қайси боладан сўраса, ўша бола 5 дан олдин ва кейин қайси сонлар келишини айтади.

**Болалар билимини текшириш ва мустақкамлаш учун саволлар:**

1. Акмалжоннинг нечта жўжаси бор экан?
  2. Дастлаб тухумдан чиққан жўжанинг рақами неча эди?
  3. Энг охирида тухумдан чиққан жўжанинг рақами неча эди?
  4. 3 сонидан олдинги ва кейинги сонларни айтинг.
  5. 5 сонидан олдинги ва кейинги сонларни айтинг.
  6. 8 сонидан олдинги ва кейинги сонларни айтинг.
- Машғулот якунида болалар рағбатлантирилади.

## **6-МАШҒУЛОТ МИҚДОР (КАТТАЛИК)**

**Мавзу:** Нарсаларнинг қалин-юпқалигини қиёслаш

**Мақсад:**

- Нарсаларнинг қалин-юпқалигини сезги аъзолари орқали ҳис қилиш малакасини ҳосил қилиш.

**Кутилаётган натижа:**

- Болалар нарсаларнинг қалин ва юпқа бўлишини билиб оладилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Ҳар хил қалинликдаги китоблар.
- Қалин ва юпқа китоблар чизилган карточкалар.
- Қалин картон ва юпқа қоғоз, қалин ва юпқа материал, тахта ва бошқалар.

**Машғулотнинг бориши:**

Тарбиячи столга турли қалинликдаги китобларни қўяди.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, эътибор берган бўлсангиз менинг столимда жуда кўп китоблар бор. Уларнинг кўриниши ҳам турлича. Мана бу китоб қалинми, юпқами? (*Болалар жавоби*) Тўғри, бу китоб катта ва юпқа.

Иккинчи китобга эътибор беринг, бу китобнинг кўриниши ҳақида нима дейиш мумкин? (*Болалар жавоби*) Тўғри, буниси кичик ва қалин. Китобнинг варақлари кўп бўлса китоб қалин ва оғир бўлади. Кўриб турганингиздек бир хил ўлчамдаги китоблар ҳам бор.

### **Болалар учун амалий иш.**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, менинг столим ёнига келинг, ҳозир ҳаммамиз биргаликда китобларни қалин, юпқага ажратамиз. Бунинг учун сиз навбат билан топшириқ бажарасиз, масалан, Мафтуна, сиз энг қалин китобни ўнг томонингизга қўйинг. Камолжон, сиз энг юпқа китобни чап томонингизга қўйинг. (Шундай қилиб ҳамма болаларга алоҳида-алоҳида топшириқлар берилади ва китоблар қалин, юпқага ажратилади.)

Болаларга 10 тагача китобни худди шундай бир-биринга таққослаб қалин-юпқалиги, катта-кичиклиги ва узун-калта-лигини аниқлаш ўргатилади.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, ҳозир сизларга турли қалинликдаги ва катталиқдаги китоблар чизилган расмларни тарқатаман. Сиз уларни ўзингиз хоҳлаган рангга бўйясиз ва қайси китобни қандай рангга бўяганингни айтасиз. Масалан: Мен қалин ва катта китобни қизил рангга бўядим. Юпқа ва кичик китобни яшил рангга бўядим.

**Тарбиячи:** – Болажонлар китобларнинг қалин-юпқа бўлиши уларнинг қадрига таъсир қилмайди, чунки ҳамма китоблар ҳам биз учун қадрли. Биз китоблардан жуда кўп янги билимларни ўрганамиз, шунинг учун китобларни йиртмасдан, чизмасдан, кир қилмасдан авайлаб ўқишимиз керак.

### **Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Қалин-юпқа”.**

Болажонлар, ҳозир сизлар билан “Қалин- юпқа” ўйинини ўйнаймиз.

Столингизда нималар бор? (*Болалар жавоби*) Тўғри, болажонлар, турли қалинликдаги нарсалар. Ҳозир мен “қалин қоғозни олиб баландга кўтаринг” десам, қалин қоғозни баландга кўтарасизлар. Агар юпқа қоғозни баландга кўтаринг десам, юпқа қоғозни баландга кўтарсизлар. Ўйин шу тарзда давом этади.

### **Болаларнинг билимини ошириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Китобнинг варақлари кўп бўлса, у қалин бўладими ёки юпқами?

2. Қалин китоб оғир бўладими, ёки юнқа китобми?
3. Китоб қалинми ёки дафтарми?
4. Қоғоз юпқамми ёки тахтами?
5. Ёзда қандай кийимлар кийилади?
6. Қишда қандай кийимлар кийилади?

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## 7-МАШҒУЛОТ ГЕОМЕТРИК ШАКЛЛАР

**Мавзу: Кўпбурчакнинг томонлари ва қирралари  
ўзаро боғлиқлигини тушунтириши**

**Мақсад:**

- Болаларни кўпбурчаклар билан ташиштиришни давом эттириши.

**Кутилаётган натижа:**

- Болалар кўпбурчакларнинг томонлари ва қирралари ўзаро боғлиқлигини билиб оладилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Бешбурчак, квадрат, учбурчак, тўртбурчак, олтибурчак, саккизбурчак шакллари –1 тадан (каттароқ шаклда)

- 5 тўплам шакллар доминоси (бир тўпланда 28 та домино бўлади)

- Таёқчалар (200 та)

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, кўпбурчаклар ҳақида олдин ҳам гаплашганмиз, бугун ҳам мен сизларга кўпбурчаклар тўғрисида сўзлаб бераман. Математика мамлакатинда турли шакллар бор экан. Уларнинг подшоси бешбурчак шакли экан. (Тарбиячи катта бешбурчакни кўрсатади). Унинг ёрдамчиси квадрат шакли экан.

Бешбурчак ва квадрат олтибурчак, учбурчак, тўртбурчак, саккизбурчаклар билан ҳамкорликда математика олимни бошқарар эканлар.

5-расм.



6-расм.



Мамлакатда ҳаммадан ҳам кўпбурчаклар кўп экан. Улар ҳамма ишларда фаол иштирок этишар экан. Кўпбурчаклар бизнинг ҳаётимизда ҳам катта аҳамиятга эга. Сиз турадиган уйлар ҳам, мана шу кўпбурчакларга қараб чизилган, ҳозир биз ўтирган хона ҳам тўртбурчак шаклида қурилган. Шунинг учун биз кўпбурчакларни яхши билиб олишимиз керак.

Кўпбурчакларнинг нечта бурчаги бўлса, шунча томони ва учи ҳам бўлади. Масалан: учбурчакни кўриб чиқамиз. Учбурчакнинг 3 та бурчаги, 3 та томони ва 3 та учи бор.

Энди бешбурчакни кўриб чиқамиз. Бешбурчакнинг ҳам 5 та бурчаги, 5 та учи ва 5 та томони бор, келинглр, биргаликда санаб кўрамиз. Тарбиячи болалар билан биргаликда ҳамма кўпбурчакларни худди шундай қилиб бурчаги, учи ва томонларини санаб чиқади.

#### **Болалар учун амалий иш.**

Тарбиячи шаклларни тушунтириб бергач, болалар таёқчалардан ушбу шаклларни ясайдилар.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, келинглр, таёқчалардан учбурчак шаклини ясаймиз. Бунинг учун бизга нечта таёқча керак бўлади? (*Болалар жавоби*) Тўғри, 3 та таёқча керак бўлади. 3 та таёқчадан учбурчакнинг томонларини ҳосил қиламиз. Томонларини ҳосил қилишимиз билан учбурчак шаклимиз ҳосил бўлади. Мана унинг 3 та учи, 3 та бурчаги.

Худди шу усулда барча кўп бурчакларни биргаликда ясайдилар.

### **Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Домино”**

Бу ўйин худди домино ўйинига ўхшайди, фақат доминонинг нуқталари ўрнига геометрик шакллар тасвирланган бўлади. Геометрик шакллар доминоси ҳар бир столга бир тўпладан (бир тўпланда 28 та домино бўлади) берилади, болалар биринчи олганда худди доминодагидек 7 тадан оладилар ва ўйинни келишилган шаклдан бошлайдилар. Қоидалари ҳам доминоникидек давом этади, фақат болалар қайси шаклни қўяётганини айтиб борадилар.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Энг оддий кўпбурчакни айтинг.
2. 7 та чўпдан 3 та учбурчак тузинг.
3. Беш бурчакда нечта бурчак бор?
4. 8 та чўпдан битта кўпбурчак ясаб беринг.  
Нечта бурчакли кўпбурчак ясадингиз?  
Машғулот якунида болаларни рағбатлантириш.

## **8-МАШҒУЛОТ ВАҚТ ҲАҚИДА ТАСАВВУР**

**Мавзу: Сутка қисмлари: эргалаб, кундузи,  
кечқурун, тун ҳақидаги билимларни  
мустаҳкамлаш**

**Мақсад:**

• Болаларни сутка қисмларини фарқлашга ўргатишни давом эттириш.

**Кутилаётган натижа:**

• Болаларнинг сутка қисмлари: эргалаб, кундузи, кечқурун, тун ҳақидаги тасаввурлари мустаҳкамланади.

**Керакли жиҳозлар:**


• Доира шаклидаги оқ қоғоз (тарбиячи тушунтириши учун), рангли қаламлар

• Болаларнинг ҳар бирига доира шаклида оқ қоғоз, рангли қаламлар

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болалар, биз ҳаётимиз давомида доимо вақтдан тўғри фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Вақт турли қисмларга бўлинишини биласизларми? Масалан, ҳозир бир сутканинг неча қисмига бўлинишини билиб оламиз. Мана шу доира шаклини бир сутка деб оламиз ва уни тенг 2 га буклаймиз. Энди доирани яна буклаймиз, доира 4 қисмга бўлиниди. 1 рақами билан белгиланган қисмини оч ҳаворангга бўяймиз. 2 рақами билан белгиланган қисмини сариқ ранг билан безаймиз. 3 рақами билан белгиланган қисмини кул рангга бўяймиз. 4 рақами билан белгиланган қисмини қора рангга бўяймиз. Биз тунда ухлаб, ором оламиз, демак мана бу қора жой тун бўлади, уйқудан уйғонган вақтимиз эрталаб бўлади. Биз раёнда эргалабни оч ҳаво рангга бўяганмиз. Сўнгра қуёш чиқиб олам чароғон бўлади – бу вақтимиз кундузи – доиранинг сариқ рангга бўялган жойи. Қуёш бота бошлагач, секин-асета қоронғулик бошланади, лекин ҳали унчалик қоронғу бўлмайдди – бу вақт кечқурун бўлади – биз бу вақтни расмда кул рангга бўядик. Кечқурун асета-секин тунга ўланиб кетади ва биз ётиб ором оламиз. Биз доиранинг тун қисмини қора рангга бўядик.

7-расм.



Тарбиячи шу тарзда болаларнинг сутка қисмлари – эрталаб, кундузи, кечқурун ва тун ҳақидаги билимларини мустаҳкамлайди.



### Болалар учун амалий иш.

Ҳар бир болага доира шаклидаги оқ қоғоз берилади. Болалар тарбиячи кўрсатган намуна асосида доирани буклаб, эрталаб, кундузи, кечқурун ва тунни белгилайдилар ва рангларга бўйядилар.

### Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин:

Болалар эрталаб, кундузи, кечқурун ва тун сўзларини навбат билан айтиб 4 та гуруҳга бўлинадилар. Тарбиячи 4 та жойга диаметри 80 см бўлган доиралар расмини рангли бўёқларда чизади.

1-доира ҳаво ранг – эрталаб, 2-доира сариқ – кундузи, 3-доира кул ранг – кечқурун, 4-доира қора – тун ҳисобланади.


Ўйин марказида аввало икки гуруҳ жойлашади. Ўйин қондаси: Тарбиячи: – «1-гуруҳ: кундузи», «2-гуруҳ: тун», дейди. Болалар «кундузи» ёки «тун» деб белгиланган доирани топиб, ичига кириб олишлари керак.

Сўнгра ўйинни кейинги икки гуруҳ давом эттиради.

Эрталаб



Тун



Кундузи



Кечқурун

8-расм.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Ҳамма уйқудан уйғонган вақт сутканинг қайси вақти бўлади?

2. Биз ҳозир машғулот ўтаётган вақтимиз қайси вақт?

3. Боғчадан уйга бориб овқатланасиз, ўйнайсиз ва телевизорда “Эртақлар, яхшиликка етаклар” кўрсатувида мультфильм кўрган вақтингиз қандай айтилади?

4. Барча одамлар қайси вақтда ухлайди?
  5. Қуёш қачон чиқади? Ой қачон чиқади?
  7. Юлдузлар қачон осмонни тўлдириб чиқади?
- Машғулот давомида ва якунида болаларни рағбатлантириш.

## **9-МАШҒУЛОТ СОН ВА САНОҚ**

### **Мавзу: Ёнма-ён турган сонлар орасидаги муносабатларни тушунишга ўргатиш**

#### **Мақсад:**

- Болаларда сонлар орасидаги боғланишлар ҳақидаги тушунчаларни ҳосил қилиш.

#### **Кутилаётган натижалар:**

- Ёнма-ён турган сонлар орасидаги муносабатларни ўрганадилар (10 гача бўлган сонлар ичида).
- Болалар битта олдинги сон, кейинги сондан кичиклигини ва битта кейинги сон олдингисидан катталигини билиб оладилар.

#### **Керакли жиҳозлар:**

- Кичик ўйинчоқлар
- Сонлар тасвирланган карточкалар (бўйи 10 см, эни 10 см)
- Овоз чиқарадиган предметлар болғача ёки барабан, рақамлар (ҳар бир болага 1 дан 10 гача сонлар тасвирланган карточкалар тўплами).

#### **Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, 1 дан 10 гача бўлган сонларни ёзувда фарқлашни, тўғри ва тескари санашни ўрганиб олгансиз. 1 дан 10 гача бўлган ёнма-ён турган сонларнинг орасидаги муносабатлар ҳақида ҳам биласизларми?

Ҳозир сизлар билан “Қўшнилари айт” ўйинини ўйнаймиз.

**Ўйиннинг мақсади:** “Қўшнилари айт” ўйини кетма-кет турган сонлар орасидаги миқдорий муносабатларни, ҳисоблашга оид машқлар ҳақидаги тасаввурларни мустаҳкамлашга қаратилган.

**Ўйин қондаси:** тарбиячи болаларга битта сон айтади. Болалар айтилган соннинг “қўшни”ларини-олдинги ва кейингиларини топишлари ва бу сонлар нима учун берилган соннинг “қўшнилари” эканлигини тушунтириб беришлари керак. (Чунки биттаси айтилган сондан олдин, иккинчиси-айтилган сондан кейин турибди, айтилган сондан олдингиси битта кичик, айтилган сондан кейингиси битта катта). Ўйин бир неча марта такрорланади. Болаларнинг ўзлаштириш даражасига қараб ўйинни ўтказиш тезлиги оширилиши мумкин.

#### **Болалар учун амалий иш.**

Ҳар бир болага кичик ўйинчоқлар берилади. Болалардан бири бирорта сонни айтади, масалан: 6 сонини. Болалар дарҳол шу сондан олдинги ва кейинги сонларни айтадилар: 5 ва 7. 5, 6, 7 сонларига тенг ўйинчоқларни стол устига 3 қатор қилиб териб чиқадилар. Кейин бошқа бола бирорта сонни айтади. Амалий иш шу тариқа давом этади.

#### **Тетиклаштирувчи ўйин: “Атомлар”**

Болаларга ўйиндан олдин атомлар ҳақида қисқача маълумот берилади: “Болажонлар, сизлар атомлар ҳақида эшитганмисиз? Ҳар бир нарса молекулалардан ташкил топган. Молекулалар атомлардан ташкил топади. Атомлар тинимсиз ҳаракат қилиб туради, бирлашиб молекулани ҳосил қиладди, ажралади, яна бирлашади. Биз ҳозир сизлар билан мана шу атомларнинг ҳаракат жараёнини ўйнаб кўрамиз Мен “Атомлар ҳаракатда”, десам, хоҳлаган ҳаракатни қиласиз. Атомлар нечтадан бирлашди, десам, шунчадан бирлашасиз”. Болалар хона бўйлаб юрадилар. Бошловчи: “Атомлар бир қаторга терилинглари”, деса, болалар бир қаторга териладилар. Бошловчи: “Атомлар ҳаракатда” деса, болалар хоҳлаган ҳаракатни қиладилар. “Атомлар 2 тадан бирлашинг” деса, 2 тадан бирлашадилар. “Атомлар ҳаракатда” деса, болалар ажралиб хоҳлаган ҳаракатни қиладилар. “Атомлар 5 тадан бирлашинг” деса, болалар 5 тадан бирлашадилар. Бошловчи: “Атомлар ҳаракатда” деса, болалар ажралиб хоҳлаган ҳаракатни қиладилар. Бошловчи: “Атомлар 6 тадан бирлашинг” деса, болалар 6 тадан бирлашадилар. Бошловчи: “Атомлар

ҳаракатда” деса, болалар ажралиб хоҳлаган ҳаракатни қилдилар. “Атомлар 7 тадан бирлашинг” деса, болалар 7 тадан бирлашадилар. Ҳйин шу тариқа давом этади.

**“Хато қилма” Ҳйини.**

**Ҳйиннинг мақсади:** болаларда сонлар орасидаги миқдорий муносабатлар ҳақидаги тасаввурларни мустаҳкамлаш, айтилган сонлардан олдинги ва кейинги сонларни топиш машқларига, кўриш ва эшитиш анализаторлари ёрдамида санаш машқларига, тегишли рақам билан турли миқдорларни ифодалашни билишга йўналтирилган. Ҳйинда овоз чиқарадиган предметлар ва рақамлардан фойдаланилади. Ҳйин бошланишидан олдин Ҳйинни олиб борувчи болаларга топшириқ беради: Сиз кўзингизни юмасиз, мен барабанга ураман. Диққат билан эшитинг, сўнг урилган зарб нечта бўлса, санаб, шу рақамни кўрсатасиз. Болалар урилган зарбларни санаб, рақамни кўрсатадилар ва нима учун айнан шу рақамни кўрсатганликларини тушунтириб берадилар. Масалан, “Мен 4 та урилган зарбни эшитганим учун 4 рақамини кўрсатдим”. Болаларнинг билим ва малакаларига қараб, тарбиячи Ҳйиннинг турли вариантларини қўллаши мумкин: урилган зарбларни очиқ ёки ёпиқ кўз билан санаш, урилган зарбдан битта кам ёки кўп рақамни кўрсатиш.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун топшириқлар:**

1. 5 сонидан олдинги ва кейинги сонларни айтинг.
  2. 3 сонидан олдинги ва кейинги сонларни айтинг.
  3. 5 сонидан битта кичик ва битта катта сонларни айтинг.
  4. 9 сонидан олдинги ва кейинги сонни айтинг.
  5. 10 сонидан олдинги сонни айтинг.
  6. 7 ва 9 сони ўртасида қандай сон бор?
  7. 10 гача санаб беринг.
  8. 8 сонидан битта кичик ва битта катта сонларни айтинг.
- Машғулот давомида ва якунида болаларни рағбатлантириш.

## 10-МАШҒУЛОТ МИҚДОР (КАТТАЛИК)

**Мавзу:** Бутунни 4 та тенг қисмга бўлиш, бутун ва қисмни таққослашни ўргатиш

**Мақсад:**

- Болаларнинг бутун ва унинг қисмлари орасидаги муносабатлар ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш.

**Кутилаётган натижалар:**

- Болалар бутунни 4 та тенг қисмга бўлишни ўрганадилар.
- Болалар бутун ва қисм ҳақида тушунчага эга бўладилар.
- Болалар нутқда бутун, қисм сўзларини тушунган ҳолда тўғри ифодалай оладилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Доира шакли (ҳар бир болага 2 тадан)
- Турли мева ва сабзавотларнинг яримта ва чоракта қисмлари тасвирланган расмлар
- Турли ўлчамда геометрик шаклларнинг яримта ва чоракта қисмлари (турли рангда ёки бир хил рангда)

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, эсингизда бўлса, сизлар билан тўғри тўртбурчак ва овал шаклларини тенг 2 қисмга бўлишни ўрганган эдик. Бугун ҳам бутун ва қисм ҳақида гаплашамиз, лекин энди бутунни 4 та тенг қисмга бўлишни ўрганамиз. Ҳаммамиз қўлимизга катта доира шаклини оламиз ва уни учларини тенг қилиб, чизигини аниқ қилиб буклаймиз, кейин яна бир бор буклаймиз. Қисмлар тенг бўлиши учун текис буклаш керак. Ҳамма буклаб бўлдими? Энди қоғозларни очиб, нечта тенг қисм ҳосил бўлганлигини санаб чиқамиз. Қисмлар нечта экан? *(Болалар жавоби)*

Энди шу 4 та қисмни қирқиб оламиз. Битта қисмни бутун доира шакли устига қўйиб, нима катталигини аниқлаймиз. Нима катта экан: бутунми ёки битта қисмми? *(Болалар жавоби)*

Битта қисм ёнига иккинчи қисмни ҳам қўйиб, таққослаб кўрамиз. Бутун доира каттами ёки иккита қисмми? *(Болалар жавоби)*

Иккита қисм ёнига учинчи қисмни ҳам қўямиз ва яна таққослаб кўрамиз. Бутун каттами ёки учта қисмми? (*Болалар жавоби*)

Учта қисм ёнига тўртинчи қисмни ҳам қўямиз ва таққослаб кўрамиз. Бирлаштирилган қисмлар бутунга тенгми ёки каттами? (*Болалар жавоби*) Тўғри, болажонлар, бутун ва 4 та қисм тенг.

Болажонлар, 4 та қисмнинг ҳар бирини нима деб аташ мумкин? Болажонлар, бу қисмларни **тўртдан бир ёки чорак** деб айтишимиз мумкин. 4 дан бир дейишимизга сабаб бутуннинг мана шу 4 та қисмидан биридир. Болажонлар, доскада 4 та қисм турибди, улардан бирини олсам, доскада 4 дан нечта қисм қолади? 4 дан 3 қисм қолади.

2 тасини олсам 4 дан нечта қисм қолади? 4 дан 2 қисм қолади. Доскада қолган 4 дан 2 қисм каттами ёки менинг қўлимдагими? Доскадаги ва қўлимдаги қисмлар тенг.

#### **Болалар учун амалий иш.**

Стол устига турли мева ва сабзавотлар (олма, мандарин, тарвуз, қовун, сабзи, бодринг, помидор ва бошқалар) нинг расмлари 2 та ва 4 та қисмга бўлиб аралаштириб қўйилади. Болалар қисмларни тўғри топиб бирлаштиришлари лозим.

Болалар ясаб бўлганларидан кейин тарбиячи уларга саволлар беради:

1. Қандай белгисига қараб қисмларни топдингиз?
2. Бутун каттами ёки унинг 2 дан 1 қисмими?
3. Бутуннинг 2 дан 1 қисми деганда нимани тушунасиз?
4. Бутуннинг 4 дан 2 қисми каттами ёки 4 дан 1 қисмими?
5. Бутун каттами ёки унинг 4 дан 1 қисмими?

**Билимларни мустақкамлаш учун ўйин: “Бутун ва қисмлар”**

Болалар доира бўлиб турадилар. Ҳар бир боланинг қўлига геометрик шаклларнинг 2 дан бир ёки 4 дан бир қисми берилади. Тарбиячи “яримта қисмларни олганлар ўнг томонимдаги стулларга, чоракта қисмни олганлар чап томонимдаги стулларга ўтириб қўлингиздаги қисмларни бирлаштиринг”, дейди. Болалар қўлларидаги қисмга қараб

ўнг ва чал томондаги столларга ўтирадилар ва қисмларни бирлаштириб кўриб, қисмлардан бутун ясаيدилар. Болалар ясаб бўлганларидан кейин тарбиячи уларга савол беради:

1. Нечта қисмдан бутун шаклни ясадингиз?
2. Сизнинг қўлингиздаги қайси шаклнинг 2 дан бир қисми?
3. Бутуннинг 2 дан бир қисмини қандай айтамыз?
4. Сизнинг қўлингиздаги қайси шаклнинг 4 дан бир қисми?
5. Бутуннинг 4 дан бир қисмини қандай айтамыз?

Кейин болалар хоҳлаган қисмларини олиб, доира бўлиб, қўлларини орқага қилиб турадилар ва тарбиячи “қисмларни қўлларни орқага қилиб бир-биримизга узатамыз”, дейди. Тарбиячи “тўхтадик” дейиши билан болалар узатишни тўхтатиб қўлларидаги қисмни кўрадилар ва ниманинг қайси қисми эканлигини айтадилар ҳамда кўрсатадилар. Ҳамма бола айтиб бўлганидан кейин, яна қўлларини орқага қилиб бўлақларни бир-бирларига узатадилар. Тарбиячининг сигнали билан яна тўхтаб, қўлларидаги бўлақни кўрадилар ва ниманинг қайси қисми эканлигини айтиб, кўрсатадилар.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Биз бугун бутунни нечта қисмга бўлишни ўргандик?
2. Бутунни 4 га бўлсак, унинг битта бўлагини қандай атаймиз?
3. Ярим (яримта) сўзи бутунни нечта бўлақка бўлганда ишлатилади?
4. Чорак (чоракта) сўзи бутунни нечта бўлақка бўлганда ишлатилади?

Машғулот давомида ва якунида барча болаларни рағбатлантириш.

## 11-МАШҒУЛОТ ФАЗОВИЙ ТАСАВВУР

**Мавзу:** Сўз билан у ёки бу нарсаларнинг бошқа нарсага нисбатан жойлашган ўрнини аниқлашга ўргатиш

**Мақсад:**

- Болаларнинг фазовий тасаввурларини кенгайтириш.

**Кутилаётган натижалар:**

- Болаларнинг томонларни аниқлаш бўйича кўникма, малакалари ошади.

**Керакли жиҳозлар:**

- Қўғирчоқ ва турли буюмлар.
- Юлдузчалар.

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болалар, бугун сизлар билан “Ким тўғри жавоб беради?” ўйинини ўйнаймиз.

Тарбиячи болаларга хонадаги барча нарсаларнинг жойлашиш тартибини кўриб, аниқлаб олишларини айтади.

**Тарбиячи:** – Болалар, бир қатор бўлиб туриб олинглар. Мен хонага мана бу қўғирчоқни жойлаштираман ва унинг қайси томонида нима турганлигини сўрайман. Қаторнинг бошида турган бола менинг саволимга жавоб беради. Ким тўғри жавоб бера олмаса қаторнинг охирига ўтади. Кўпроқ тўғри жавоб берган бола сафнинг энг олдига чиқади. 3 та саволга тўғри жавоб бера олмаган болалар ўйиндан чиқади, ўйин якунида ғолиблар аниқланади.

**Тарбиячининг саволлари:**

1. Эшик қўғирчоқнинг қайси томонида?
2. Шкаф қўғирчоқнинг қайси томонида?
3. Стол-чи? Стул-чи? ... каби саволлар бериб борилади.

Кейин бошқа ўйинчоқ хонанинг бошқа жойинга қўйилади ва яна саволлар берилади. Болалар хонанинг бошқа жойида туриб саволларга жавоб берадилар. Ўйин шу тарзда давом эттирилиб, ғолиб болалар сафнинг энг олдига чиқиб қоладилар. Ўйин якунида ғолиб болалар тақдирланади.



**Тарбиячи:** – Болажонлар, келинлар энди 2 гуруҳга бўлиниб “Савол – жавоб” ўйинини ўйнаймиз. Икки гуруҳга бўлиниш учун 1 дан 2 гача санаймиз. 1 деганлар менинг ўнг томонимга ўтирадilar. 2 деганлар менинг чап томонимга ўтирадilar. Биринчи гуруҳ иккинчи гуруҳга савол беради, масалан, “Шкафнинг олдида нима турибди?”, “Столнинг ёнида нима турибди?” Кейин савол бериш навбати иккинчи гуруҳга берилади. Ҳар бир тўғри жавобга юлдузча бериш мумкин. Ўйин охирида юлдузчалар саналади ва қайси гуруҳ нечта саволга тўғри жавоб берганлиги аниқланади.

Машғулот давомида ва якунида барча болаларни рағбатлантириш.

## 12-МАШҒУЛОТ ВАҚТ ҲАҚИДА ТАСАВВУР

**Мавзу:** Кун ва туннинг кетма-кетлиги, кундалик фаолиятларнинг тақсимланиши ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш

**Мақсад:**

- Болаларнинг кун ва тун кетма-кетлиги, кундалик фаолиятларнинг тақсимланиши ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш.

**Кутилаётган натижа:**

- Болаларнинг кун ва тун кетма-кетлиги, кундалик фаолиятларнинг тақсимланиши ҳақидаги тасаввурлари муштақамланади.

**Керакли жиҳозлар:**

- Қуёш, ой, юлдузлар тасвири

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Азиз болажонлар, мен сизларга кеча “Кенжа ботир” ўзбек халқ эртагини айтиб берган эдим. Келинлар, болалар, эртакни яна бир бор эслайлик. Қадим замонда учта ака-ука бор экан, тўнғич ва ўртанча акалар мақтанчоқ, одобсиз эканлар. Кенжа ботир бўлса ақлли ва одобли экан. Бир куни улар яшайдиган юртда тун бўлибди ва одамлар ухлаш

учун ётибдилар. Одамлар роса уйқуга тўйиб уйғонингса ҳам тонг отмабди. Одамлар ухлайвериб зерикиб, қоринлари очиб кетибди. Охири ташқарига чиқиб, осмонга қарашса, осмонда ой ҳам, юлдузлар ҳам йўқ эмиш. Одамлар ёнма-ён турсалар ҳам бир-бирларини кўра олмас эмишлар. Шунда кексалар, “Ҳа, бундан 100 йил олдин ҳам худди шундай бўлган эди, қуёш, ой ва юлдузларни яна девлар ўғирлаб кетибди. Ким уларни девлардан қайтариб олиб келади?”, дейишибди. Уч ака-ука йўлга тушибдилар, кўп саргузаштларни бошдан ўтказибдилар. Ниҳоят, Кенжа ботир ўзининг ақли ва донолиги билан қуёш, ой ва юлдузларни қайтариб олиб келибди ва бу юртда вақт ўз изига тушибди.

Болалар агар қуёш, ой, юлдузлар бўлмаса, биз вақтни билишга қийналар эканмиз-а?

Болалар, келинлар, “Тонган-топалоқ” ўйинини ўйнаймиз. Мен сизларга бирор-бир вақтни таърифлаб бераман, таъриф бўйича сизлар бу қайси вақт эканлигини топасизлар.

– У вақтда инсонлардан олдин қушлар уйғонади ва бири-бири билан суҳбатлашиб сайрайди. Бу қайси вақт?

*(Тонг, саҳар).*

– У вақтда оналаримиз бизга нонушта тайёрлайдилар ва биз нонушта қилиб бўлиб боғчага келамиз.

*(Эрталаб).*

– Машғулотларни ўтиб бўлиб сайрга чиқамиз ва ўйнаймиз.

*(Кундузи).*

– У вақтда сайрдан келиб, юз-қўлларимизни ювиб, овқатланамиз, сўнг бироз дам олиш учун ухлашга ётамиз.

*(Кундузи).*

– Биз боғчада ухлаб турамыз ва овқатланамиз, бу қайси вақт?

*(Кундузи).*

– У вақтда биз боғчадан уйга кетамиз.

*(Кечқурун).*

– У вақтда барча ухлайди. шунда итлар қоровуллик қилади.

*(Тун).*

Тарбиячи ўйин давомида болаларга яна тушунча бериб боради.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, энди ушбу топиммоқнинг жавобини топинг:

Ҳар кун ерга тушади  
Иккита сара парда  
Икки рангда иккови  
Оқ парда, қора парда  
Тушганда қора парда  
Оқ парда беркинади  
Оқи тушса агарда  
Қораси чекинади.

*(Кун ва Тун)*

### **Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Пантомимо”**

Тарбиячи болаларни 3 тадан қилиб гуруҳларга бўлиб, ҳар бир гуруҳга ўйин шартини тушунтиради. Ўйин шarti: кун-тун қисмларини овозсиз ҳаракатлар билан кўрсатиб бериш.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Сиз эрталаб бўлганини қандай биласиз? Туш бўлганини қандай биламиз?

2. Боғчага қайси вақтда келасиз? Боғчадан уйга қайси пайтда кетамиз?

3. Осмонга ой қачон чиқади?

Машғулот давомида ва якунида болаларни рағбатлантириш.

## **13-МАШҒУЛОТ СОН ВА САНОҚ**

**Мавзу: Иккита кичик сонлардан катта сонни ҳосил қилишни ўргатиш**

**Мақсад:**

- Болаларга 10 сони ичида кичик сонларни бир-бирига қўшиб катта сонлар ҳосил қилиш йўлларини ўргатиш.

- “+” ва “=” амали билан таништириш.

### **Кутилаётган натижа:**

- Болалар кичик сонлар ёрдамида катта сонлар ҳосил қилишни ўрганадилар.

- “+” ва “=” арифметик амалларни ўз ўрнида қўллашни ўрганадилар.

### **Керакли жиҳозлар:**

- 1 дан 10 гача рақамлар.
- Қўшув (+), тенг (=) белгилари (ҳар бир болага 1 тадан)
- Конвертлар, олма шакллари (200 та)
- 1 рақами ёзилган тождан 9 та, 1 дан 9 гача бўлган рақамлар ёзилган тожлар (ҳар бир сондан биттадан).

### **Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, сизлар 1 дан 10 гача бўлган барча рақамларни билиб олгансизлар, тўғрими? Ҳозир сизлар билан бир такрорлаб оламиз. (Болалар рақамларни ёзувга қараб айтиб берадилар).

Бугун болажонлар, 2 та кичик сонни бир-бирига қўшиш ёрдамида катта сон ҳосил қилишни ўрганамиз. Иккита сонни бир-бирига қўшиш учун **қўшув** “+” белгиси керак бўлади. “+” белгиси иккита сонни бир-бирига қўш деган маънони билдиради. Мана бу “=” белги эса **тенг** дейилади. 2 та сонни қўшаётганимизда масалан,  $1+2$  бу сонларнинг ўртасига қўшув белгиси ёзилади ва **иккинчи сондан кейин тенг** белгиси ёзилади. Тенг белгисидан кейин қўшиш натижаси ёзилади:  $1+2=3$

Биз ҳозир 10 гача бўлган сонларни бир-бирига қўшиб катта сонларни ҳосил қилишни ўрганамиз.

### **Болалар учун амалий иш.**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, ҳар бирингизнинг олдингизда конвертлар бор, мана шу конвертларни очиб қаранг ичида нима бор экан? (*Болалар жавоби*) Тўғри, конвертларда олмалар бор. Чап томонингизга битта олма қўйинг ўнг томонингизга 2 та олма қўйинг. Энди уларни қўшиб саванг, олмалар нечта бўлди? (*Болалар жавоби*) Тўғри, олмалар 3 та бўлди.

Ҳозир мен сизларга яна бир конверт бераман. Бу конвертнинг ичида нима бор экан, болажонлар? (*Болалар жавоби*) Тўғри, сонлар ва қўшув, тенг белгилари бор. 1 рақа-

мини олиб битта олма турган чап томонга қўйинг, ундан кейин қўшув белгисини қўямиз, энди 2 та олма турган ўнг томонга 2 рақамини қўямиз ва ундан кейин тенг белгисини қўямиз. Энди 1 га, 2 ни қўшсак неча бўлади? (*Болалар жавоби*) Тўғри, 3 бўлади. 3 рақамини тенг белгисидан кейин қўямиз (3+1, 4+1, 5+1, 9 гача сонларга бирни қўшиш ўргатилади). Амалий иш шу тартибда давом этади.

**Билимларни мустақкамлаш учун ўйин: «Қўшсам неча бўлади?»**

Болалар 2 гуруҳга бўлиниб турадилар. Биринчи гуруҳ болалари бошларига 1 рақами ёзилган тож кийиб оладилар. Иккинчи гуруҳ болалари бошларига 1 дан 10 гача рақамлар ёзилган тож кийиб оладилар. Биринчи гуруҳ ички доирани ҳосил қилади, иккинчи гуруҳ ташқи доирани ҳосил қилади. Тарбиячининг ишораси билан ички ёки ташқи доирадаги болалар навбат билан доирани бузмай юрадилар, тарбиячи “тўхтанг” деганда тўхтайдилар, ички ва ташқи доирадаги болалар бир-бирларининг қўлларини ушлаб оладилар ва иккаласининг тожидаги сонни қўшса неча бўлишини айтадилар. Тўғри натижалар чапак чалиб олқишланади. Қўшишга қийналсалар ҳамма биргаликда ёрдам беради.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, бугун сиз билан қўшув ва тенг белгиларини ўргандик. Ҳозир сизларга тенг ҳақида шеър айтиб бераман:

Ҳисобдаги сонларни  
Мен қиламан тенг.  
“Ҳамма тенг бўлсин” дейман  
Шундай бағрим кенг.

**Болалар билимини текшириш ва мустақкамлаш учун саволлар:**

1. Мафтунанинг 3 та олмаси бор эди, унга онаси яна 1 та олма берди. Мафтунанинг олмалари нечта бўлди?
2. Менинг ўнг қўлимда 6 та чап қўлимда 1 та тугма бор. Уларни қўшиб юборсам ҳаммаси нечта бўлади?
3. Қўшув белгисини нечта чўпдан ҳосил қилиш мумкин?

4. Тенг белгисини нечта чўпдан ҳосил қилиш мумкин?
5. Қўшув ва тенг белгиларини бир-биридан қандай фарқлаш мумкин?

Машғулот давомида ва якунида болалар рағбатлантирилади.

## **14-МАШҒУЛОТ МИҚДОР (КАТТАЛИК)**

**Мавзу: Нарсаларни 2, 4, 8 та тенг бўлакка бўлиш ва натижасини ярим, чорак (тўртдан бир), нимчорак (саккиздан бир) каби аталишини билишга ўргатиш**

### **Мақсад:**

- Нарсаларни бўлақларга бўлиш натижасида ярим, чорак, нимчораклар ҳосил бўлишини ўргатиш.

### **Кутилаётган натижалар:**

- Болалар нарсаларни бўлақларга бўлиш натижасида ярим, чорак, нимчоракта қисмларга бўлишни билиб оладилар.
- Болаларга нутқларида “ярим”, “чорак”, “нимчорак” сўзларини тўғри қўллашни ўргатиш.

### **Керакли жиҳозлар:**

- Кўргазмали намуналар.
- Доира ва тўғри тўртбурчак шаклидаги рангли қоғозлар (ҳар бир болага учтадан), қайчи (ҳар бир болага биттадан).
- Олмалар.

### **Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болалар, бугун мен сизларни бир нарса билан меҳмон қиламан, лекин бу ҳозирча сир. Машғулотдан сўнг унинг нималигини билиб оласизлар.

Ҳикоя эшитишни хоҳлайсизларми? Мен ҳозир сизларга Ҳасанбой ва Ҳусанбой исмли болалар ҳақида ҳикоя айтиб бераман. Ҳасанбой ва Ҳусанбой ҳам сизларга ўхшаб ҳар куни боғчага борар эканлар. Уларни ҳар куни ойиси ёки دادаси боғчага олиб бораётганда йўлдаги дўконлардан би-

рор нарса олдириб ейишни яхши кўришар экан. Болалар, бу яхши одатми? Йўқ, биз ота-онамиз қийналиб топаётган пулларни тежашимиз зарур.

Бир куни Ҳасанбой ва Ҳусанбойлар боғчага кетаётганларида ойисига “дўкондан нарса олиб беринг”, деб хархаша қилибди. Ойиси кам пул олиб чиқганлиги учун битта ширин кулча нон олиб бериб, нонни иккига бўлиб ейишларини айтибди.

Ҳасанбой ва Ҳусанбой боғчада ширин кулча нонни бўлиб ейишмоқчи бўлишибди. “Нонни мен бўламан, сен ўзингга кўпроғини олиб қолишинг мумкин”, деб тортишибдилар. Уларнинг жанжалини бир ўртоғи кузатиб турган экан.

– Келинглар, нонни мен бўлиб бераман,– деб нонни иккига бўлган экан ярми каттароқ бўлиб бўлинибди. Ҳасанбой ва Ҳусанбойлар: – Йўқ, йўқ керак эмас, ноннинг ярми катта бўлиб қолди. Катта томонини менга бер, – деб яна жанжал қилишибди. Уларнинг ўртоғи: “Тўхтанглар, ҳозир сизларга тенг қилиб бераман”, – деб ноннинг ярмини еб қўйиб, қолган қисмини яна иккига бўлибди.

Ноннинг ярми яна катта, ярми кичкина бўлиб қолибди. Ноннинг кичкина бўлагини тенг бўлиб ака-укага бериб, катта қисмини яна ўзи еб қўйибди. Чунки, нон жуда ҳам ширин экан-да. Ҳасанбой ва Ҳусанбойларга нимчоракта нон тегибди.

Улар қўлларидаги кичкина нон бўлагига қараб: “Очкўзлик ва қизганчилик қилмаганимизда кўпроқ ер эдик”, деб афсусланиб қолишибди. Бундан кейин нарсаларни аҳил бўлиб, тенг иккига бўлиб ейишни одат қилишибди. Болалар сизларга ҳикоя ёқдимми?

Тарбиячи яримта, чоракта, нимчоракта ҳақида тўла тунча беради.

**Жисмоний дақиқа:** Болалар ўринларида туриб “Кулча нон” қўшиғини ҳаракатлар билан куйлашади.


**Болалар учун амалий иш.**

Болалар стулига ҳар бир болага 3 тадан доира, қайчи қўйилади.

Тарбиячи болаларга доира шаклини тенг иккига буклаб, букланган жойларини бармоқлари билан текислашларини айтади.

**Тарбиячи:** – Мана қаранглар, болалар, бу ака-ука Ҳасанбой ва Ҳусанбойларнинг кулчасига ўхшар эканми? Келинглар, биз ҳам уни яримтага бўлиб кўрайлик.

9-расм.



Болалар 1-доирани 2 га, 2-доирани 4 га, 3-доирани 8 га бўладилар.

Бунинг учун болалар 1-доирани ўртасидан буклайди ва ўртасида ҳосил бўлган чизиқ бўйлаб қайчида қирқадилар. Кейинги доирани ҳам иккига буклаб, қоғозни ёзиб, чизиқларига эътибор қаратилади. Букланган қоғозни яна иккига буклаб қайчида қирқадилар. Сўнг бутун, яримта, чорактани устма-уст қўйиб, чорак нималигини билиб олади.

Болалар бошқа доирани олиб уни 8 бўлак қилиб бўлади-лар, тарбиячи доиранинг 8 дан бир бўлаги нимчоракта дейилишини тушунтиради.

Сўнг тўғри тўртбурчак шаклини ҳам 2 га, 4 га ва 8 га бўлиш ўргатилади.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Хасанбой ва Ҳусанбойлар одобли болалар эканми?
2. Улар нонни қандай қилиб бўлишиб едилар?
3. Нонни яримта қилиш учун нечта қисмга бўлиш керак?
4. Чоракта қилиш учун нечта қисмга бўлиш керак?
5. Нимчоракта қилиш учун нечта қисмга бўлиш керак?


**Машғулот якуни:**



**Тарбиячи:** – Болалар, барчангиз машғулотга яхши қатнашдингиз. Энди ҳаммамиз қўлимизни ювиб келамиз. Мен сизларни олмалар билан меҳмон қиламан.

Олмаларни олдин яримта, кейин чоракта ва ниҳоят нимчоракларга бўлиб болаларга берилади.

*10 –расм.*



**Тарбиячи:** – Болалар олманинг ярмини ейиш учун нечта бўлак ейишимиз керак? Тўғри 4 бўлагини ейишимиз керак. Чунки олманинг ярмини 2 га бўлсак чорак бўлади, чоракта-ни 2 га бўлсак нимчорак бўлади. 4 та нимчорактадан битта ярим ҳосил бўлади.

## 15- МАШҒУЛОТ ГЕОМЕТРИК ШАКЛЛАР

**Мавзу:** Квадрат ва тўғри тўртбурчак,  
тўртбурчакларнинг турли кўринишлари бор эканлиги  
ҳақида тасаввурларни шакллантириш

**Мақсад:**

- Болаларда тўртбурчакларнинг турли кўринишлари бор эканлиги ҳақида тасаввурларни шакллантириш.

**Кутилаётган натижа:**

- Болалар тўртбурчакларнинг турли кўринишлари ҳақида тушунчага эга бўладилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Кўрғазма учун квадрат ва тўғри тўртбурчак шакллари.
- Ҳар бир бола учун конверт, 1 талдан квадрат ва тўғри тўртбурчакнинг картондан қирқилган шакли, оқ қоғоз, рангли қаламлар.

• Турли шакллар солинган, матодан тикилган ва чиройли безатилган халтача.

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, мен ҳозир сизларга 2 та шаклни таърифлаб бераман. Мен таърифлаган белгиларга қараб уларнинг номини айтасизлар.

**Таъриф:** Бу икки шакл бир-бирига жуда ўхшаш, 4 та учи ва 4 та томони бор, улардан бирининг ҳамма томонлари тенг, бирининг бўйи ёки эни иккинчисига нисбатан узунроқ. Бу икки шаклнинг номини айтинг.

Болалар тарбиячи айтган белгиларга қараб квадрат ва тўғри тўртбурчакни топадилар.

**Тарбиячи:** – Тўғри, болажонлар, бу шакллар – квадрат ва тўғри тўртбурчак. Болажонлар, столларга ҳар бирингиз учун конвертлар қўйилган, очиб кўрингларчи, ичида нима бор экан?

*Болаларнинг жавоби.*

**Тарбиячи:** – Тўғри, конвертда квадрат ва тўғри тўртбурчак шакллари бор. Олдин квадратни олинг ва унинг четларидан бармоғингизни юргизиб чиқинг. Квадратнинг нималари бор? (Болалар квадратнинг томонлари ва бурчакларини топиб кўрсатадилар). Болалар, квадратнинг 4 та томонишиг узунлиги бир хил бўлади.

**Тарбиячи:** – Энди, тўғри тўртбурчакни қўлингизга олиб, уни ҳам белгиларини кўрсатиб таърифлаб беринглар. (Болалар тўғри тўртбурчакнинг ҳам томонлари ва бурчакларини топиб кўрсатадилар). Тўғри тўртбурчакнинг қарама-қарши томонларининг узунлиги бир хил бўлади.

Квадрат билан тўғри тўртбурчак томонларининг катталигини қандай ўлчаб кўриш мумкин?

*Болаларнинг жавоби.*

**Тарбиячи:** – Тўғри, болалар, шаклларнинг томонларини таққослаб кўриш учун уларни устма-уст қўйиб кўрамыз. Шунингдек, кўз билан чамалаб ҳам айта оламиз.

**Тарбиячи:** – Болажонлар тўртбурчаклар турли кўринишда бўлиши мумкин.

Ҳар бир столга турли кўринишдаги тўртбурчаклар тўплами берилади, болалар улар нимаси билан бир-биридан фарқ қилишини кўриб чиқадилар.

#### **Болалар учун амалий иш.**

Болалар столига оқ қоғоз, рангли қаламлар, квадрат ва тўғри тўртбурчак шакллари ва учбурчак, доира, овалнинг майдарақ шакллари ҳам қўйилади.

**Тарбиячи:** – Болалар, сизлар келгусида чиройли бинолар қурувчи меъморлар, турли машиналар ёки буюмлар ихтиро қилувчи олимлар бўлиб етишасиз. Бунинг учун ҳозирдан тайёрланиб боришингиз керак бўлади. Олдингизга қўйилган квадрат ва тўғри тўртбурчак шаклини оқ қоғозга тушириб, ўз қоғозингизга турли ихтиролар қилинг: ажойиб уйлар, машиналар, кўприклар ва бошқа нарсаларни тасвирланг. Кейин уларни майда геометрик шакллар билан безатинг.

Тарбиячи намуна сифатида ўзи чизган расмлардан ёки аппликация ишларидан доскага қўйиб қўяди. Болалар мустақил тарзда ижод қиладилар. (Муסיқа садолари янграб туради).

Ишларини тугатган болалар ижодий ишларини таърифлаб берадилар.

#### **Тетиклаштирувчи машқ.**

**Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Сезгир бармоқлар”**

“Сехрли халтача”га турли шакллар: турли геометрик шакллар, турли предметларнинг картондан қирқилган шаклларини солиб стол устига қўйилади.

Ўйин қондаси: Болалар навбат билан келиб халтача ичига қўлларини солиб, ундаги шаклларни пайпаслаб ушлаб, квадрат ва турли кўринишдаги тўртбурчакларни топиб берадилар.

Айтилган шаклни топипда фақат қўл сезгисидан фойдаланилади, халтача ичига қаралмайди.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Сиз қайси шакллардан фойдаланиб расм чиздингиз?

2. Квадрат ва тўғри тўртбурчак шакллари­нинг фарқини ай­тиб беринг.

3. Шаклларнинг фарқини бармоқларингиз билан қандай билдингиз?

4. Тўртбурчакларнинг ўхшаш жиҳатларини айтинг.

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## 16-МАШҒУЛОТ ВАҚТ ҲАҚИДА ТАСАВВУР

**Мавзу:** Ҳафта кунларининг кетма-кетлиги ҳақидаги тасаввурларни мустаҳкамлаш

**Мақсад:**

- Болаларга ҳафта кунларининг кетма-кетлигини тушунириш ва уларнинг номларини тартиб билан айта олишни ўргатиш.

**Кутилаётган натижа:**

- Ҳафта кунларининг кетма-кетлигини тартиб билан ай­тиш зарурлигини тушуниб оладилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Оқ қоғоз, рангли қаламлар.
- Копток.

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, бир ҳафтада нечта кун бор? Ким менга ҳафта кунларини кетма-кет ай­тиб беради. (*Болалар жавоби*)

Болалар, мен ҳозир сизларга тожик тилида 1 дан 5 гача санашни ўргатаман: Як, ду, се, чор, панж. Як – бир, ду – икки, се – уч, чор – тўрт, панж – беш. (Болалар такрорлаб билиб оладилар).

Демак, ҳафта кунлари рақамларнинг номланишидан олинган экан: як–шанба, ду–шанба, се–шанба, чор–шанба, пай–шанба, жума, шанба.

Менинг ёнимга 7 та бола келсин. Болалар, сиз ҳар би­рингиз ҳафта кунларининг бири бўласиз. Кимга қандай ном айтсам у ўз ўрнини топиб туради.

Болалар 3 та кичик гуруҳларда ҳафта кунларининг номланиши бўйича тартиб билан бир қатор бўлиб туришни машқ қиладилар.

**Болалар учун амалий иш.**

Болалар столига доиралар ва рангли қаламлар қўйилади. Тарбиячи болаларга 1 дан 7 гача ёзилган 7 та доирани бир қатор қилиб кетма-кет тартиб билан қўйишни айтади. Бу доираларни 7 хил рангга бўяшни ва ҳафта кунлари билан номлаб, айтиб беришларини сўрайди.

*11-расм.*



**Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: «Кейингисини айт»**

Болалар доира шаклида турадилар. Тарбиячи ўртада копток ушлаб туради.

Ўйин қондаси: Тарбиячи қўлидаги коптокни доира бўйлаб навбат билан болалар қўлига ирғитади ва ҳафта кунларини тўғри кетма-кетликда айтишни сўрайди. 1- бола “душанба”, деб коптокни илиб олади ва тарбиячига қайтаради. 2-бола коптокни илиб олиб “сешанба”, деб коптокни тарбиячига қайтаради. Болалар шу тартибда ҳафта кунларини навбат билан айтадилар. 8-бола яна ҳафта кунини бошидан бошлаб айтади.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Бир ҳафта неча кундан иборат?
2. Нимага ҳафта кунлари номланган?
3. Қайси кунлари боғчага келмай, уйда дам оласизлар?
4. Сешанбадан кейин қайси кун келади?
5. Пайшанбадан кейин қайси кун келади?
6. Шанбадан олдинги кунни айтинг.
7. Қайси кундан кейин якшанба келади?

8. Душанбадан олдинги ва кейинги кунни айтинг.

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## 17-МАШҒУЛОТ СОҢ ВА САНОҚ

### Мавзу: Мисолларни рақамлар ёзилган қоғозлар ёрдамида ифодалаб ечишга ўргатиш

#### Мақсад:

- Болаларга 10 ичида қўшиш ва айиришга доир мисолларни рақамлар ёзилган қоғозлар ёрдамида ифодалаб ечишни ўргатиш.

#### Кўтилаётган натижалар:

- Болалар мисолларни тузишни ва ечишни ўрганадилар.
- Арифметик амалларни (+, -, =) ўз ўрнида қўллаш кўникмаси мустаҳкамланади.

#### Керакли жиҳозлар:

- 1 дан 10 гача рақамлар ёзуви (катта ўлчамда 2 тадан, кичик ўлчамда ҳар бир бола учун 2 тадан).
- Қўшув (+), айирув (-), тенг (=) белгилари (катта ўлчамда 4 тадан, ҳар бир бола учун кичик ўлчамда 2 тадан).
- Ҳалқа – 4 та.
- Юлдузчалар.

#### Машғулотнинг бориши:

**Тарбиячи:** – Болажонлар, агар эътибор берган бўлсангиз мен хонамизга 1 дан 10 гача бўлган рақамларни қоғозга ёзиб олиб қўйдим. Қаранглар, мен қандай белгиларни қоғозга чизиб олиб қўйганман? Ҳа, тўғри, бу қўшув "+", айирув "-" ва тенг "=" белгилари. Биз рақамлар ва амаллар ёрдамида мисоллар тузишни ўрганамиз. Болалар, уларга яхшилаб эътибор беринглар. Улар хурсанд бўлиб сизларга қараб турибди. Лекин мана бу "тенг" белгиси хурсандга ўхшамайди. Чунки бу белги: "Болалар мисолларни тузиб олиб, кейин тўғри еча олармикан?", деб хижолат бўлиб турибди. Болалар, биз албатта тенг белгисини ҳам хурсанд қиламиз-а?

Тенг белгисини хурсанд қилишни хоҳласангиз, менга яхшилаб қулоқ солинг. Мен сизларга мисоллар тузишни ва ечишни ўргатаман. Мен 2 рақами ёзилган қоғозни олиб, досканинг чап томонига жойлаштираман. Ўнг томонга эса 3 рақамини жойлаштираман. Қўшишга доир мисол тузмоқчи бўлсак 2 ва 3 рақамларининг ўртасига “+” белгисини қўямиз. Демак, 2 га 3 ни қўшсак, 5 бўлади.  $2+3=5$

Мана тенг белгиси мисолни тўғри ечганимиз учун хурсанд бўлди. Айиринга доир мисол тузишда аввало рақамларнинг катта-кичиклигига эътибор бериш керак. Чунки бу мисолда олдин катта сон ёзилади.

Масалан:  $3-1=2$

**Болалар учун амалий иш.**

Болаларга столлари устида турган рақамлар ёзилган қоғозлардан фойдаланиб мисоллар тузиш таклиф этилади. Болалар ўзлари хоҳлаган рақамлардан фойдаланиб мисоллар тузадилар. Тарбиячи болалар ишини кузатиб “Сенинг тенг белгинг жуда хурсанд”, “Сенинг тенг белгинг хафароқ, қара мисол тузишда бироз хато қилганга ўхшайсан?” деб болалар ишини баҳолаб боради.

**Тетиклаштирувчи машқ (ихтиёрӣ).**

**Билимларни мустақкамлаш учун ўйин: “Тўғрисини топ”**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, ҳозир биз сиз билан “Тўғрисини топ” ўйинини ўйнаймиз. Мен хонага 4 та обрuch қўйиб қўяман. Бу обрuchлар ичига рақамлар ёзилган қоғозлардан фойдаланиб мисоллар тузаман ва ҳисоблайман. Мисолларнинг барчаси ҳам тўғри ҳисобланган бўлмаслиги мумкин. Сизлар қайси обрuch ичидаги мисол тўғри тузилган ва жавоби тўғри ҳисобланганлигини топасизлар.

**Ўйин қондаси:** Болалар 4 та гуруҳга бўлиниб турадилар. Ҳар бир гуруҳдан биттадан бола мисолларни текширади. Тарбиячи “Тўғрисини топ”, деб сигнал бергандан сўнг мана шу тўртта бола тўғри ишланган мисолнинг ёнига бориб туриб оладилар. Тўғри топган болаларга юлдузча берилади. Кейинги мисолларни гуруҳлардаги кейинги болалар топадилар. Энг кўп юлдузча тўплаган гуруҳ ўйин ғолиби бўлади.

Болалар билимини текшириш, мустаҳкамлаш учун топшириқ ва саволлар (болалар топшириқ ва саволларга сонлар ёзилган карточкалар ёрдамида ҳисоблаб жавоб берадилар):

1. 2 сонига 2 ни қўшсак неча бўлади? 1 сонига 2 сонини қўшиш мумкинми?

2. Қўшил учун қайси белгидан фойдаланамиз?

3. Айириш учун қайси белгидан фойдаланамиз?

4. 4 га 1 ни қўшсак неча бўлади, 2 га 3 ни қўшсакчи?

5. Қўшиш ва айиришнинг фарқи нимада?

6. 5 сонига 1 сонини қўшинг. 4 сонига 2 сонини қўшинг.

Машғулот якунида болаларни рағбатлантириш.

## 18-МАШҒУЛОТ ГЕОМЕТРИК ШАКЛЛАР

**Мавзу:** Шакллардан шакллар тузишни ўргатиш

**Мақсад:**

- Болаларнинг турли шакллардан, мантиқан фикрлаш орқали бошқа шакллар ҳосил қила олиш малакасини ривожлантириш.

**Қўтилаётган натижа:**

- Болалар шакллардан шакллар ясашни ўрганиб оладилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Магнитли доска.
- Катта ўлчамда учбурчак, тўғри тўртбурчак, квадрат.
- Катта-кичик ўлчамда учбурчак, тўғри тўртбурчак, квадрат (ҳар бир болага 10 тадан).
- 40-50 см узунликда 40 та таёқчалар.

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, магнитли доскага эътибор беринг. Доскада қандай геометрик шакллар бор экан? Тўғри, квадрат, учбурчак, олти бурчак шакллари бор. Болалар бу учта шакл нимаси билан бир-бирига ўхшайди?


*Болаларнинг жавоби.*



**Тарбиячи:** – Болалар, бугун учбурчак, квадрат ва олтибурчакни бошқа шакллардан ҳосил қилишни ўрганамиз. Тарбиячи намуна сифатида шакллар тузиб кўрсатади. Масалан:

1. 2 та кичик учбурчакдан битта учбурчак ҳосил қиламиз.
2. 2 та учбурчакдан тўғри тўртбурчак шаклини ҳосил қиламиз.
3. 2 та тўғри тўртбурчакдан квадрат шаклини ҳосил қиламиз.
4. 4 та учбурчакдан квадрат шаклини ҳосил қилиш мумкин.
5. Ромб ва 6 та учбурчакдан катта олтибурчакни ҳосил қилиш мумкин.

12-расм.



#### **Болалар учун амалий иш.**

Болаларнинг столига учбурчак, квадрат ва тўғри тўртбурчак шакллари катта-кичик ҳажмда, ҳар бир бола учун 10 тадан қўйилади. Болалар бу шакллардан фойдаланиб айтилган шаклни тузишни машқ қиладилар. Шаклларни тузишда тарбиячи кўрсатган намунага таянадилар. ижодий ишлашга ҳам рухсат берилади.

**Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Кимнинг шакли чиройли?”**

**Тарбиячи:** – Болалар, сизлар билан “Молекула ва атомлар” ўйинини олдин ҳам ўйнаганмиз, келинг, ҳозир яна бир ўйнаб, мана шу ўйин ёрдамида кичик гуруҳларга бўлиниб оламиз. Сизлар атомлар бўласизлар, мен атомлар ҳаракатда десам, ҳаракатда бўласизлар ва нечтадан бирлашди десам, шунчадан бирлашасизлар. Атомлар ҳаракатда, атомлар 3 тадан бирлашди. Атомлар ҳаракатда, атомлар 2 тадан

бирлашиди. Атомлар ҳаракатда, атомлар 4 тадан бирлашди. Атомлар ҳаракатда, атомлар 5 тадан бирлашди. Мана 4 та гуруҳга бўлиндик, ҳар бир гуруҳда 5 тадан бола бор.

Тарбиячи 40-50 см узунликдаги 40 та таёқчани 20 та-20 тадан бўлиб 2 жойга тўплаб қўяди. 1-гуруҳ 20 та таёқча қўйилган 1-жойга, 2-гуруҳ 2-жойга қўйилган 20 та таёқчанинг олдига бориб туради. 3-4-гуруҳ болалари томошабин бўлиб уларни олқишлаб турадилар.

**Ўйин қоидаси:** Тарбиячининг ишораси билан 1- ва 2-гуруҳ болалари тезлик билан кўпбурчаклар ҳосил қилиши керак. Шакллارни тез ва тўғри тузган гуруҳ ғолиб ҳисобланади. Кейин 3-4 гуруҳлар кўпбурчакларни ҳосил қиладилар.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Қайси шаклларни бирлаштириб бошқа шаклларни ҳосил қилиш мумкин?
2. Кўпбурчакни нечта таёқчадан ҳосил қилиш мумкин?
3. Нима учун кўпбурчак деймиз?
4. Хонамизда кўпбурчак шаклига ўхшаш буюмлар борми?
5. 6 та таёқчадан нечта бурчакли кўпбурчак ясаш мумкин?
6. 8 та таёқчадан нечта бурчакли кўпбурчак ясаш мумкин?

Машғулот якунида болаларни рағбатлантириш.

## 19-МАШҒУЛОТ ГЕОМЕТРИК ШАКЛЛАР

**Мавзу: “Қизиқарли учбурчак”**

**Мақсад:**

- Болаларнинг учбурчаклардан турли кўринишдаги нарсалар ва шакллар ҳосил қилиш малакасини мустаҳкамлаш.

**Кутилаётган натижа:**

- Болалар учбурчаклардан турли нарсаларни, шаклларни ҳосил қилишни ўрганадилар.

### **Керакли жиҳозлар:**

- Тарбиячи учун: пирамида, ракета, арча, слкан, тулки, қарға, дазмол, кўйлак, рўмол, сабзи, тасвирлари.
- Болалар учун: оқ қоғоз, рангли қаламлар, рангли қоғозлар, елим, қайчи, турли ўлчовдаги учбурчак шакллари.

### **Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, биз сизлар билан қайси геометрик шаклларни ўрганганмиз?

### **Болаларнинг жавоби.**

Мана шу геометрик шакллар билан турли ўйинларни ўйнаш мумкин. Келинглар болалар, бугун машғулотишимизни фақат учбурчакка бағишласак. “Ҳа, учбурчак оддий шакл-ку, буни биздан кичиклар ҳам биледи-ку”, деб ўйлабтганингизни билиб турибман.

Болалар, учбурчак оддий эмас, у соҳрли, чунки унинг қўлидан жуда кўп иш келади. Эпитинглар-а болалар, учбурчак 3 та чизиқдан иборат бўлгани учун бу 3 та чизиқлар доимо ушбу қўшиқни айтиб юришар экан:


*Учта учу, учта бурчак,  
Ва яна учта томон.  
Уччовимиз қўшилшиб,  
Яшаймиз омон-омон.*

Қани болалар, атрофимиздаги нарсаларга қараб, ўйлаб кўрайликчи. Учбурчак шакли ишлатилган нарсалар бор эканми? Атрофимизда йўқларини тасаввур қилиб кўрайлик.

### **Бола тарнинг жавоби.**

**Тарбиячи:** – Мен ҳам ҳозир сизларга учбурчак шаклидаги оддий нарсаларни чизиб кўрсатаман.


*13-расм.*



Тарбиячи пирамида, елканли қайиқ, арча, масхарабознинг қалпоғини чизиб кўрсатади.

Болалар, учбурчакдан турли мўъжизалар яратиш мумкин. Мен фақат учбурчак шаклидан тулкини, қарғани, рўмолларни, кўйлак чизиб кўрсатаман.

14-расм.



Энди столимдаги учбурчаклардан фойдаланиб ҳам ясаб кўрсатаман.

Тарбиячи шу тарзда кўрсатиб тушунтириб беради.

**Тетиклаштирувчи машқ (ихтиёрий).**

**Болалар учун амалий иш.**

Болалар столига оқ қоғоз, ҳар хил рангли қалам, рангли қоғоз, елим, қайчи, турли ўлчовдаги учбурчак шакллари қўйиб қўйилади.

**Тарбиячи:** – Болалар стилингиз устига қўйилган учбурчаклардан мўъжиза яратишингиз мумкин. Хоҳласангиз расмини чизинг, хоҳласангиз рангли қоғозлардан қирқиб елимлашингиз ёки тайёр қирқилган учбурчаклардан стол устига териб ясашингиз мумкин. Бунинг учун доскадаги тайёр намуналардан фойдаланинг, ёки ўзингиз ўйлаб ижод қилинг.

Тарбиячи болалар ишини кузатади. Қийналганларга ёрдам беради. Болалар ижодий ишларини тугатганларидан сўнг, ўз ишларини қисқа таърифлаб беради.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Учбурчакнинг нечта бурчаги бор?

2. Учбурчакнинг нечта томони бор?
  3. Нечта таёқчадан учбурчак шаклини ясаш мумкин?
  4. Уйнинг қаери учбурчак шаклида?
  5. Сизнингча яна нималар учбурчак шаклида бўлиши мумкин?
  6. Учбурчакдан нималарни ясадингиз?
  7. Учбурчак ва тўртбурчак шаклининг фарқи нимада?
  8. Фақат битта таёқча билан стол устида қандай қилиб учбурчак ҳосил қилиш мумкин? (Таёқчани стол бурчагига қўйиш керак).
  9. Учбурчакни нима учун учбурчак деймиз?
- Машғулот давомида ва якунида болаларни рағбатлантириш.

## 20-МАШҒУЛОТ ФАЗОВИЙ ТАСАВВУР

**Мавзу: Фазода йўналишни аниқлай олиш  
кўникмаларини шакллантириш, юриш, югуриш  
вақтида ҳаракат йўналишини ўзгартириш**

**Мақсад:**

- Болаларга фазода йўналишни аниқлай олиш ва ҳаракат йўналишини тўғри бошқаришни ўргатиб бориш.

**Кутилаётган натижалар:**

- Болалар фазода йўналишни аниқлашни ўрганадилар.
- Болалар ўз ҳаракатларини белгиланган йўналиш бўйича ўзгартириш кўникма ва малакасига эга бўладилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Оқ қоғоз (ҳар бир болага).

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, келинлар, қоғоздан буклаш усули билан самолёт ясаймиз.

Энди самолётимизни олиб очиқ ҳавога чиқамиз. Болалар ясаган самолётларини осмонда мўлжал олиб учуриб ўйнайдилар ва ўзига нисбатан қайси йўналишда учганини айтиб берадилар.

**Тарбиячи:** – Болалар, самолётлар фазода қандай ҳаракат қилиб учганини кўрдингиз. Самолётингиз осмонда юқорига, пастга, ўнгга, чапга бурилиб учди. Бу сизнинг қўл ҳаракатингизни қайси томонга йўналтирганлигингизга боғлиқ бўлди.

Болажонлар, кимнинг самолёти энг баланд учди? Кимнинг самолёти энг узоққа учди?

Энди, болалар ҳарбийлар ҳақида сизга гапириб бераман. Телевизорда аскар акаларингизнинг юришини кўриб ҳавас қилганмисиз? (*Болалар жавоби*) Улар юриб кетаётган вақтларида бошлиқлари “ўнгга” ёки “чапга” деб буйруқ берганларини эшитгансиз. Мана, мен ҳозир сизларга кўрсатиб бераман.

Тарбиячи аскарнинг юриши, юриб ёки югуриб кетаётганида бирдан берилган буйруққа асосан ҳаракат йўналишини ўзгартиришини кўрсатиб тушунтириб беради.

**Билимларини мустаҳкамлаш учун ўйин: “Аскар-аскар”**

**Тарбиячи:** – Келинглар, болалар, “Аскар-аскар” ўйинини ўйнаймиз. Тўрт қатор бўлиб сафланинг. Беш нафардан тўрт қатор бўлдингиз. Аввал биринчи қатор буйруққа асосан юради ва айтилган йўналиш бўйича ҳаракатини ўзгартиради. Улар машқни бажариб бўлганларидан сўнг кейинги қаторлар навбати билан бажарадилар. Сўнг бутун гуруҳ бирга ҳаракатларни бажарадилар.

Болалар ҳаракатланиши керак бўлган томонларни тарбиячи айтиб туради. Масалан: олдинга 3 қадам, ўнгга 2 қадам, чапга бир қадам.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Кимнинг самолёти энг баланд учди?
2. Самолётингиз учаётганда қайси томонга кўп бурилди?
3. Кимнинг самолёти энг узоққа учди?
4. Аскар бўлиб юришда қийналмадингизми?
5. Сиз қайси томонларга юрдингиз?
6. Юриш давомида ўнгга кўп бурилдикми ёки чапга?

Машғулот давомида ва якунида ширин сўзлар билан болаларни рағбатлантириш.

## 21-МАШҒУЛОТ СОҢ ВА САНОҚ

**Мавзу: 1 дан 10 гача бўлган сонларни ёзувда  
фарқлашни ўргатиш**

### **Мақсад:**

• Болаларга 1 дан 10 гача бўлган рақамларни ёзишни ўргатиш.

• Рақамларни ёзиш кўникмасини шакллантириш.

### **Кутилаётган натижалар:**

• Болаларнинг майда қўл моторикаси ривожланади.

• Ёзишга қизиқиш уйғотилади.

### **Керакли жиҳозлар:**

• Саноқ чўплари (ҳар бир болалар столига 2 тадан).

• Катак дафтар, ручка.

### **Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, биз эрталабки соатларда ёки бўш вақтларимизда 1 дан 10 гача ёзишни ўрганиш учун бармоқларимизни машқ қилдириб келяпмиз. Барчангиз ручкани бармоқлар билан қандай ушлашни ўрганиб олгансизлар. Ҳар бирингизнинг ўз ручкангиз ва катак дафтарингиз бор. Дафтарингизнинг биринчи бетида катак чизиғи ўртасига нуқта қўйишни, катак ўртасига нуқта қўйишни ўргандингиз, кейин таёқча чизишни, турли шакллар чизишни ўргандингиз. Барчангизнинг дафтарингизга қалам билан 1 дан 10 гача бўлган рақамларни ёзиб қўйдим. Ҳозирча дафтарни ёпиб столнинг ўртасига қўйиб турамиз. Биз олдин сонларни чўпларда ёзиб ўрганамиз, кейин ручка билан дафтарга ёзишни ўрганамиз.

### **Болалар учун амалий иш.**

Болалар столига икки қутидан саноқ чўплари қўйилади.

**Тарбиячи:** – Болалар, олдингизда турган чўплардан рақамларни ёзамиз. Мен сизларга доскада чизиб кўрсатаман, сизлар чўплардан фойдаланиб ёзасизлар.

Иккита чўпни тик қўямиз бир сони ҳосил бўлади.	1	бир
Бешта чўпдан икки сонини ҳосил қиламиз	2	икки
Тўртта чўпдан уч сонини ҳосил қиламиз	3	уч
Тўртта чўпдан тўрт сонини ҳосил қиламиз	4	тўрт
Бешта чўпдан беш сонини ҳосил қиламиз	5	беш
Олтита чўпдан олти сонини ҳосил қиламиз	6	олти
Тўртта чўпдан етти сонини ҳосил қиламиз	7	етти
Еттита чўпдан саккиз сонини ҳосил қиламиз	8	саккиз
Олтита чўпдан тўққиз сонини ҳосил қиламиз	9	тўққиз
Саккизта чўпдан ўн сонини ҳосил қиламиз	10	ўн

Болаларнинг иши кузатилади ва ёрдам берилади. Ёзиб бўлганларидан сўнг чўплар қутиларга солиб қўйилади.

#### **Жисмоний дақиқа.**

Болалар бир қатор бўлиб “Поезд” ўйини ҳаракатини бажарадилар: бир-бирларининг тирсақларидан ушлаб қўллар олдинга, орқага ҳаракат қилади ва болалар доира бўлиб юрадилар.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, энди ҳаммамиз дафтаримизни очамиз ва ручкамизни бармоқларимиз билан тўғри ушлаб, қаламда ёзилган рақамлар устидан ёзамиз (Рақамлар 4 ёки 5 тадан ёзилган бўлади).

#### **Болалар билимини текшириш ва мустақкамлаш учун саволлар:**

1. Бир рақамини ҳосил қилиш учун нечта чўп ишлатдингиз?
  2. Чўплар билан ёзганда қайси рақамни осонлик билан ёздингиз?
  3. Дафтарга қайси рақамни ёзиш осон экан?
  4. Қайси рақамни ёзиш қийин экан?
  5. Олти сонини ёзишда нечта чўп ишлатдингиз?
- Машғулот якунида болаларни рағбатлантириш.



## 22-МАШҒУЛОТ МИҚДОР (КАТТАЛИК)

**Мавзу:** Бутун нарсаларни 10 та тенг қисмга бўлиш

**Мақсад:**

- Болаларнинг нарсаларни бўлақларга бўлиш бўйича кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

**Кутилаётган натижалар:**

- Болалар бутунни қисмларга мустақил тарзда бўла олишни ўрганадилар.

- Болалар кўз билан чамалаб ўлчовни тўғри олишни ўрганадилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- 20x20 см ўлчовда оқ қоғоз.
- 10x10 см ўлчовда ҳар бир бола учун оқ қоғоз, қалам, қайчи.


- 1 метрдан турли рангда 10 та лента.

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Азиз болажонлар, биз ўтган машғулотларимизда бутун нарсаларни ярим, чорак ва нимчоракка бўлишни билиб олган эдик. Ҳасанбой ва Ҳусанбойлар нонни қандай бўлишганини бир эслайлик. Улар жанжаллашиб, нонни бўла олмай турганларида уларнинг бир ўртоғи нима қилди? Нонни қандай қилиб бўлиб беради? Ўшанда улар одобсизлик қилганликлари учун афсусланиб қолган эдилар.

Бугунги машғулотимизда ҳам яна Ҳасанбой ва Ҳусанбойлар ҳақида гаплашамиз. Улар бутун нарсаларни бўлақларга бўлишни ўрганиб олдимики деб, бир куни уларнинг уйига меҳмонга бордим. Онаси катта торт пиширган экан. Ҳасанбой ва Ҳусанбойларнинг туғилган куни экан-да.

Биз стол атрофида 10 киши ўтирган эдик. Тортни Ҳасанбой 10 қисмга бўлсин, деб таклиф қилдик. Ҳасанбой тортни адашмасдан 10 қисмга бўла олди. Мен ҳозир сизларга доскага чизиб кўрсатиб бераман.




Болалар мен доира шаклини қисмларга бўлаётганимда бир оз қийинроқ эканлигини сездингларми? Чунки қоғозни буклаш усули билан 10 та тенг бўлакка бўла олмайсизлар. Ҳозир мен сизларга доира шаклини буклаб чизиқларини кўрсатаман. Тарбиячи 20x20 см қоғозни буклаб кўрсатади. Қоғозни буклаш усули билан

4 та (қисмга) бўлакка,

8 та (қисмга) бўлакка,

12 та (қисмга) бўлакка бўлиш мумкин. Болалар, мана шу қоғозни буклаш йўли билан 10 бўлакка (қисмга) бўлиши мумкинми?



Ҳасанбой тортни қандай қилиб қийналмай 10 та бўлакка бўла олди экан. Мен ҳам доскада доира шаклини осонгина 10 бўлакка бўлдим. Бунинг учун кўз билан чамалашни билишимиз керак. Мана менинг қўлимдаги квадрат шаклидаги қоғозни кўриб турибсизлар. Мен уни тенг 10 бўлакка бўлишни сизларга кўрсатиб бераман. Аввало, квадратни доира шаклига айлантириб олишимиз керак. Доира шаклини тенг икки бўлакка буклаб, доиранинг ўртасида чизиқча ҳосил

қилиб оламиз. Доиранинг ярим қисмини чамалаб беш бўлакка бўлиш учун қаламда нуқта-нуқта қўйиб чиқамиз. Доиранинг ўртасини – марказини топиб, у ерга ҳам нуқта қўямиз. Доиранинг ўртасидаги нуқта билан нуқталаримизни чизиб бирлаштирамиз. Келинглр, болалар бизлар ҳам доирани 10 бўлакка бўламиз.

#### **Болалар учун амалий иш.**

Тарбиячи ҳар бир бола учун уларнинг столига 10 x10 см катталиқда оқ қоғоз, ручка ёки қалам, қайчи қўяди. Тарбиячи болаларга квадрат шаклидаги оқ қоғоздан доира шаклини ҳосил қилиш ва бўлақларга бўлишни ўргатади. Ўргатиш жараёнида бажариб, тушунтириб боради. Қийналган болаларга ёрдамлашади. Болалар бўлақларга бўлган қоғозларини санайдилар ва устма-уст қўйиб тенглигини текшириб кўрадилар.

#### **Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Чархпалак”**

Болалар 10 тадан икки гуруҳга бўлинадилар. Тарбиячи 10 бўлак лента ёки ипни бирлаштириб, бир учини тугун қилиб боғлайди. Катта доира шаклини чизиб, шаклнинг марказига тугун солинган ленталарни қўйиб қўяди.

**Ўйин қондаси:** 10 та боланинг ҳар бири лентанинг бир учидан ушлайди ва доирани тенг 10 бўлакка бўлиб турадилар. Тарбиячининг сигналинини эшитганларида доира атрофида чархпалак бўлиб айланадилар. Тарбиячининг иккинчи сигналинини эшитганда доирани 10 бўлакка бўлиб, ўз ўринларини топиб турадилар. Кейин ўйинга иккинчи гуруҳ жалб қилинади.

#### **Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Сизга доира шаклини бўлақларга бўлиш ёқдимиз?
2. Доира шаклини нечта бўлакка бўлдингиз?
3. Қандай қилсак доира 10 бўлакка бўлинади?
4. Доирани буклаш орқали 10 бўлакка бўлиб бўладими?
5. Бутунни иккидан бир қисмини қандай айтишимиз мумкин?
6. Бутуннинг 4 дан бир қисми қандай айтилади?

Машғулот якунида тарбиячи болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## 23-МАШҒУЛОТ ФАЗОВИЙ ТАСАВВУР

**Мавзу: Жойида йўл топа билиш, теварак-атрофда ўз ўрнини аниқлаш**

**Мақсад:**

- Болаларни теварак-атрофда ўз ўринларини аниқлаб, йўналишини тўғри олимпга ўргатиш.

**Кутилаётган натижалар:**

- Болаларда теварак-атрофни билишга қизиқиш уйғотилади.
- Болалар ҳар қандай ҳолатда ҳам тўғри йўл топа олиш кераклигини билиб оладилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Ҳайвонот боғи чизмаси.
- Топишмоқли расм (ҳар бир бола учун).
- Рангли қаламлар.

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болалар, мен ҳозир сизларга Жамолбек ҳақида ҳикоя айтиб бераман. Жамолбек бир куни дадаси билан ҳайвонот боғига борибди. Ҳайвонот боғи жуда ҳам катта экан. Боққа катта дарвоза орқали кирилиб, чап ва ўнг томонлар бўйлаб кетган йўлаклар бўйлаб юрилар экан. Ўнг томонда биринчи бинода балиқ бор экан. Кейинги биноларда илонлар, маймунлар ва бошқа турли ҳайвонлар жойлашган бўлиб, ҳайвонот боғининг юқори томонида ўртада дарахт бор экан. Боғнинг дарвозасидан кириш йўлагининг чап тарафидаги катакда туяқушлар жойлашган экан. Жамолбек дадаси билан мазза қилиб ҳайвонларни томоша қилибди. Ҳайвонот боғида Жамолбекнинг дадаси бир таниши билан суҳбатлашиб қолибди. Жамолбек бундан фойдаланиб дадасининг қўлини қўйиб юбориб, бошқа ҳайвонларни томоша қилиш учун югуриб

кетибди. Ҳайвонот боғига одамлар шунчалик кўп келган эканки, Жамолбек дарров адашиб қолибди. У дадаси турган жойни аниқлай олмай роса қийналибди. Дадаси ҳам Жамолбекни топа олмай қийналибди ва ҳайвонот боғи радиосига бориб, Жамолбекни ҳайвонот боғи чиқиш эшиги олдида кутаётганини эълон қилдирибди. Жамолбек атрофга қараб катта дарахтга яқин турганини билибди ва бу дарахт ҳайвонот боғининг юқори томонида эканлигини эслаб, яна бир кичикроқ дарахтни кўзи билан излаб топибди. “Демак мен ҳайвонот боғининг ўртароғида турибман, йўлак бўйлаб юриб чап ёки ўнг йўлакни топишим керак”, – деб ўнг йўлак қайси томон экан, деб чама-лаб юрибди” – Ахир ўнг томондаги бинода маймун бор эди” – деб маймунлар турган бинони топибди ва йўлак бўйлаб ҳайвонот боғи дарвозаси олдига келибди. Қараса дадаси жуда хафа бўлиб уни кутиб турган экан. Жамолбек дадасидан кечирим сўрабди. Жамолбек дадасининг қўлидан ушлаб ҳайвонот боғини яна бир марта айланиб чиқибди ва уйларига қайтиб кетишибди. Тарбиячи, ҳайвонот боғининг тузилиши бўйича болаларга Жамолбекнинг турган жойидан қандай қилиб йўл топа олганини, ўзи аниқлай олганини тушунтириб беради.

**Жисмоний дақиқа:**

1-ҳаракат:

Тақ-туқ болғача,

Қурамиз уйча. (Болалар қўлларида болғачада мих қоқиш ҳаракатини бажарадилар).

2-ҳаракат:

Тақ-туқ болғача,

Учиб кел қушча. (Болалар қушнинг қанот қоқиш ҳаракатини бажарадилар).

**Болалар учун амалий иш.**

Ҳар бир бола учун топилмоқли расм тарқатилади. Масалан, қуён қайси йўл бўйлаб юрса ўз уясига тўғри боради. Йўлни топинг ва сариқ рангга бўянг.

Болалар берилган топшириқларни қандай бажарганлиги кўриб чиқилади ва баҳоланади.

### **Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Жойингни топ”**

Хонага турли жиҳозлар қўйилади. Тарбиячи тўрт нафар болага атрофидаги жиҳозларни ва юриш мумкин бўлган жойларни синчиклаб кўриб олишларини айтади ва уларнинг кўзини боғлайди, сўнгра болаларни битта бола етаклаб жойларини ўзгартириб қўяди. Кўзи боғлиқ болалар қайси томонга кетаётганини хотирлаб қолиши керак. Тарбиячи кўзи боғлиқ болаларга аввалги ўринларини топишларини айтади. Болалар йўналишни тўғри аниқлаб ва йўлидаги буюмларни ушлаб кўриб ўз жойини топиши керак.

Ўйин давомида болалар алмашилиб ўйнайдилар.

### **Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Бозорда ёки гавжум жойда адашиб қолсангиз нима қиласиз?

2. Ўз жойингизни аниқлаш учун нималарга эътибор берасиз?

Машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантириш.

## **24-МАШҒУЛОТ СОҢ ВА САНОҚ**

### **Мавзу: 15 гача тартиб билан санашни ўргатиш**

#### **Мақсад:**

- Болаларга 15 гача санашни ўргатиш.

#### **Кутилаётган натижалар:**

• Болалар 15 сони ичида тартиб билан санашни ўрганадилар.

• Болаларда мустақил фикрлаш ва ижодкорлик ривожланади.

#### **Керакли жиҳозлар:**

- Саноқ таёқчалари 15 та.

Геометрик шакллар: овал 11 та, олтибурчак 12 та, учбурчак 13 та, тўғри тўртбурчак 14 та, саккизбурчак 15 та (ҳар бир болага).

- 1 дан 15 гача бўлган рақамлар ёзилган карточкалар.

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, биз сизлар билан 10 гача санашни ўрганганмиз, тўғрими? Бугун сизлар билан 15 гача санашни ўрганамиз.

Бунинг учун ҳаммамиз олдимиздаги саноқ таёқчаларидан фойдаланамиз. Олдин 10 та таёқчани санаб стол устига териб оламиз: 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10. Кейин 10 та таёқчага яна 1 та таёқча қўшамиз ва санаймиз 11 (ўн бир). Ҳаммамиз биргаликда айтамиз – ўн бир. Энди 11 та таёқчага яна 1 та таёқча қўшамиз ва санаймиз – 12. Ҳаммамиз биргаликда айтамиз – ўн икки. 12 та таёқчага яна 1 та таёқча қўшамиз ва санаймиз – ўн уч. 13 та таёқчага яна 1 та таёқча қўшамиз ва санаймиз – ўн тўрт. 14 та таёқчага яна 1 та қўшамиз ва санаймиз-ўн беш. Болалар биз нечагача санашни ўргандик?

**Болалар:** – 15 гача.

**Тарбиячи:** – Тўғри, болажонлар, биз 15 гача санашни ўргандик. Келинглр, ҳаммамиз биргаликда яна бир марта санаймиз: 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15. Болажонлар, яна бир марта санаймиз: 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15. Энди болажонлар, 11 дан 15 гача бўлган сонларни ёзувда ҳам таниб оламиз. Тарбиячи болаларни 11 дан 15 гача бўлган рақамлар билан таништиради.

**Болалар учун амалий иш.**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, столларингиз устида турли геометрик шакллар ва саноқ чўплари турибди. 11 та саноқ чўпидан овал шаклини ясайсиз ва унга 11 та овал шаклини тасвирлайсиз. 12 та саноқ чўпидан олтибурчак шаклини ясайсиз ва унга 12 та олтибурчак шаклини териб чиқасиз. 13 та саноқ чўпидан учбурчак шаклини ясайсиз ва унга 13 та учбурчак шаклини териб чиқасиз. 14 та саноқ чўпидан тўғри тўртбурчак шаклини ясайсиз ва унга 14 та тўғри тўртбурчак шаклини териб чиқасиз. Болажонлар, энди эътибор бериб санаб чиқинг ва биз шаклларни нечтадан териб чиққаннимизни айтинг. Биз ҳозир шаклларни териб чиққанда 11 дан 15 гача бўлган қайси сонни ишлатмадик? (*Болалар жавоби*) Энди болажонлар, саккизбурчаклардан 15 тасини санаб олдин-

гизга териб қўйинг. Болажонлар, келинг, биргаликда ҳаммамиз 15 гача санаймиз.

Айтилган барча топшириқларни жуда тўғри бажардингиз, баракалла, болалар. Мен сизлардан жуда хурсанд бўлдим.

#### **Тетиклаштирувчи машқ.**

**Тарбиячи:** – Болалар, энди ҳаммамиз ўрнимиздан туриб доира бўлиб оламиз. Қўлларимизни ёнга чўзамиз ва қўлимизнинг кафтини бир-биримизникига 15 марта теккизамиз. Қўлларимизни юқорига кўтариб 15 марта чапак чаламиз, 15 марта бармоқларимизни мушт қилиб очамиз.

#### **Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: «Чалкаштириш»**

«Чалкаштириш» ўйини сонларнинг натурал қаторининг тартибига амал қилишга, тўғри санаш машқлари, кузатувчанлик, хотира, диққатни ривожлантиришга имкон беради. Ўйинда доскага тартиб билан қўйилган 1 дан 15 гача бўлган рақамлардан фойдаланилади.

Болалар кўзларини беркитадилар, тарбиячи рақамлардан биттасини олиб қўяди. Болалар кўзларини очиб, қайси рақам олиб қўйилганини айтишлари керак. Болалар ўйин қондасини ўзлаштириб олганларидан кейин тарбиячи битта рақамни олиб, қолган рақамларни суриб қўйиши, санаш тартибига риоя қилмай, рақамларнинг ўрнини алмаштириб қўйиши, ўйин бошида бўлмаган рақамларни қўйиб қўйиши мумкин.

Сонлар қаторини ўзгартирмасдан қолдириш ҳам мумкин, лекин бунда болалардан «нима чалкаштирилгани» сўралади. Болалар бу гал ҳамма сонлар тартиб билан турганлигини айтишлари керак.

Ўйин тезлик темпида ўтади ва болаларнинг унда энг кўп қатнашишига имкон бериш учун шунча марта қайтарилади. Ўйин давомида болаларнинг 15 гача тўғри санаш малакалари мустаҳкамланади.

#### **Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Биз бугун нечагача санашни ўргандик?
2. 10 дан кейин қайси сон туради? 12 дан кейин қайси сон туради?



3. 13 дан олдинги ва кейинги сонларни айтинг.
4. 13 ва 15 сонларининг ўртасида қандай сон бор?
5. 15 гача санаб беринг. 15 дан олдинги сонни айтинг.
6. 10 сонидан кейинги сонларни санаб беринг.
7. 14 дан олдинги ва кейинги сонларни айтинг.

Машгулот давомида ва якунида барча болаларни рағбатлантириш.

## 25-МАШГУЛОТ ВАҚТ ҲАҚИДА ТАСАВВУР

**Мавзу: Ўтаётган ой, сана, ҳафта кунли номлари билан таништириш**

**Мақсад:**

- Болаларни ўтаётган ойнинг номланиши, ой кунларининг рақамланиши ва ҳафта кунлари билан таништириш давомида уларни фарқлашга ўргатиш.

**Кутилаётган натижа:**

- Ўтаётган ой номини билиб оладилар ва сана ҳақида тушунчага эга бўладилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Турли ўлчамдаги учбурчаклар тўплами.
- 1 дан 7 гача рақамлар ёзилган тожлар.
- Ҳар бир бола учун оқ қоғоз, турли шакллар қирқими, елим, ҳаво ранг қалам.

**Машгулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, бир йилда нечта ой борлигини биласизларми? Болалар, бир йилда 12 та ой бор. Инсонлар шундай ақлики, вақтдан адашиб кетмаслик учун йилларни рақам билан, ойларни, ҳафта кунларини турли номлар билан белгилашган. Агар ўтаётган кунларимиз белгилаб борилмаса, биз қачон туғилганмиз, неча йил яшадик, неча ёшга кирдик, нечанчи йилда яшайпмиз – буларни билмас эдик.

Агар биз вақтни яхшилаб ўрганиб олсак, ҳаётда ҳеч қийналмаймиз.

Болажонлар, ким айтади, ҳозир қайси фасл? Бу фаслнинг қайси ойидамиз? Бугун ойнинг нечанчи куни, ҳафтанинг қайси куни? Болажонлар, кеча қайси кун эди? Бугун қайси кун? Эртага қайси кун бўлади?

Ҳозир қиш фасли, қиш фасли 3 ойдан иборат – декабр, январ, феврал. Биз ҳозир декабр ойидамиз. Болалар бу ой 31 кундан иборат. Бугун бу ойнинг ...-куни. Кеча сана ... эди, эртага сана ... бўлади. Бугун ҳафтанинг ... (жума) куни. Кеча ... (пайшанба) эди. Эртага ... (шанба) бўлади ва сизлар уйда дам оласизлар.

Болалар мен ҳозир сизларга қиш фаслининг биринчи ойи декабрнинг расмини чизиб берайми? Декабр ойида янги йил байрами бўлади ва бу байрамда арча безатилади, шунинг учун бу ойни арчага ўхшатдим, яъни 3 та учбурчакдан ясадим. Сизларга ёқдимми?

**Болалар учун амалий иш.**

**Тарбиячи:** – Болалар, столингиз устида турли шакллар, оқ қоғоз ва елим бор. Олдингиздаги оқ қоғозга декабр ойининг тасвирини ҳосил қилинг. Шаклни қоғознинг ўртасига ёпиштиринг, шакл рангини арча рангига мослаб танланг.

Болалар ҳафта кунларини қайси шакл билан белгилаганимиз ёдингиздами? Доира шакли билан белгилаганимиз. Бугун ҳафтанинг жума куни, жума ҳафтанинг 5-куни. Учбурчак ичига 5 та доирача ёпиштирамиз. Энди кўк қаламни олиб арчамиз атрофига 15 та нуқта қўйиб чиқамиз. Бу нуқталар декабр ойининг 15-куни.

Тарбиячи болалар ишини кузатади. Болалар ишни тугатганларидан сўнг, уни таърифлаб берадилар.

**Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Ҳафта”**

**Керакли жиҳозлар:** Ҳафта кунларини ифодаловчи (шартли равишда) 1 дан 7 гача сон билан кўрсатилган тожлар.

**Ўйин мазмуни:** Тарбиячи 1 рақами ёзилган тож душанбани билдиришини, 2 рақами ёзилган тож –сешанбани билдиришини ва ниҳоят 7 рақами ёзилган тож якшанбани билдиришини тушунтиради.

Болалар хор бўлиб ҳафта кунларининг номини такрорлайдилар. Тарбиячи 7 та болани чақиради ва уларга тож-

ларни беради. Болалар тожларни бошларига кийиб оладилар ва 7 та боланинг ҳар бири ҳафтанинг қайси куни бўлганлигини айтади.

Сўнгра тарбиячи ҳафтанинг исталган кунини айтади, масалан: “Сешанба”. Ўзини “сешанба” деб айтган бола биринчи бўлиб туради. “Ҳафта сафлан!” командасига мувофиқ болалар сешанбадан олдин ва кейин тўғри кетма-кетликда сафланишлари керак. Агар сафда хато бўлса бошқа болалар тўғрилайдилар ва ҳафта кунларини тартиб билан айтадилар. Ҳафта шу тарзда давом этади.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Ҳозир йилнинг қайси фасли?
2. Ҳозир қайси ой?
3. Бугун ойнанинг нечанчи санаси?
4. Бир ҳафтада неча кун бор?
5. Ҳафта кунларини кетма-кет айтиб беринг.
6. Қайси кунлари биз дам оламиз?
7. Сешанбадан кейин қайси кун келади?
8. Жума кунидан кейин қайси кун келади?
9. Душанбадан олдин ва кейин қайси кунлар келади?

Тарбиячи машғулоти давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## 26-МАШҒУЛОТ ГЕОМЕТРИК ШАКЛЛАР

**Мавзу:** Таёқчалар ёрдамида турли шаклларни ясаш

**Мақсад:**

- Болаларнинг геометрик шакллар ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш ва мантиқий фикрлашни ривожлантириш.

**Кутилаётган натижалар:**

- Ижодий, мантиқий фикрлаш ривожланади.
- Таёқчаларнинг ўрнини алмаштириб шакллар ҳосил қилиш кўникмалари ривожланади.

**Керакли жиҳозлар:**


- 30-35 смли таёқчалар - 40 та
- Ҳар бир бола учун бир пачкадан саноқ чўплари

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, сизларга сеҳрли таёқчалар ҳақида эртак айтиб берайми?

Қадимда эмас, балки ҳозирги замонда сеҳрли таёқчалар бор экан. Улар бир-бирлари билан жуда иноқ экан. Бир-бирини кўрмай қолишса дарров соғинишар, шунинг учун доимо бирга юришга ҳаракат қилишар экан. Бу таёқчалар Баҳромжон исмли боланинг таёқчалари экан. Баҳромжон ҳам таёқчаларини жуда яхши кўрар, уларни авайлаб, асрар экан. Бир куни Баҳромжон яшайдиган шаҳарда таёқчалардан шакллар яшаш бўйича мусобақа ўтказилиши эълон қилинибди. Баҳромжон мусобақада қатнашишни жуда хоҳлабди. Қандай қилсам мусобақада ғолиб чиқар эканман, деб таёқчаларини олиб ҳар хил шакллар ҳосил қилишни машқ қилибди ва охири чарчаб ухлаб қолибди. Таёқчалар Баҳромжоннинг ухлаб қолганини кўриб, секин бир-бирлари билан гаплаша бошлабдилар: – Эҳ, Баҳромжон бизларнинг сеҳрли таёқча эканлигимизни билмайди-да. Келинлар, турли шакллар ҳосил қилишни машқ қиламиз. Таёқчалар ҳар хил шакллар ҳосил қила бошлашибди. Қаранглар, улар қандай шакллар ҳосил қилишибди. Конверт, сичқон, танк, уйча, кучукча, кема, робот.

17 – расм.



Таёқчалар бир жойда туриб, бир-бирлари билан ўрин алмашиб ҳар хил шакллар ясабдилар ва улар ҳам чарчаб ухлаб қолибдилар.

Эртаси куни Баҳромжон таёқчаларни олиб мусобақага борибди. Таёқчалар мусобақада бир-бирлари билан аҳил бўлиб иштирок этибдилар ва Баҳромжон ғолиб бўлибди. Баҳромжоннинг ўртоқлари унга жуда ҳавас билан қарашибди.

Болалар, келинлар, бизлар ҳам таёқчаларимиз ёрдамида турли шаклларни ҳосил қиламиз.

**Болалар учун амалий иш.**

Ҳар бир болага саноқ чўплари берилади. Шаклларни ясашда оддийдан мураккабга қараб борилади – конверт, уйча. Конвертни ясагандан кейин болаларга мана шу шаклдаги 2 та таёқчанинг жойини ўзгартириб, конвертни уйчага айлантиринг, деб топшириқ берилади.

Сўнгра кемача, сичқон, кучукча, робот ва танк ясаш мумкин.

**Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: «Қайси гуруҳ тўғри ва тез бажаради?»**

Болалар тўртта гуруҳга бўлинадилар ва ҳар бир гуруҳга 20 тадан таёқча берилади.

**Ўйин қоидаси:** Тарбиячи тўртта гуруҳга ҳам бир хил шакл ясашни айтиб, «Қайси гуруҳ тўғри ва тез бажаради?», деб шарт қўяди.

Ғолиб гуруҳга юлдузча берилади ва ўйин охирида рағбатлантирилади.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Сизга қайси шаклни ясаш ёқди?
2. Уйчани нечта таёқчадан ҳосил қилдингиз?
3. Конвертни уйчага айланттириш учун нечта таёқчанинг ўрнини алмаштирдингиз?
4. Сиз учун қайси шаклни ясаш қийин бўлди?
5. Танк шаклини ясаш учун нечта таёқча зарур?

Машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантириш.

## 27-МАШҒУЛОТ ГЕОМЕТРИК ШАКЛЛАР

**Мавзу:** Етишмаган шаклни топинга доир мантиқий масалалар ечишга ўргатиш

**Мақсад:**

- Болаларнинг геометрик шакллар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш.

**Кутилаётган натижа:**

- Мантиқий фикрлашни ривожлантириш.

**Керакли жиҳозлар:**

- Таққослаш учун 2 та кўргазма карточка (18-расм).

- 19- расм.



- Ҳар бир бола учун 1 тадан карточка (20- расм).

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, мен доскага 2 та расм қўйиб қўйдим, бу расмлар бир хилга ўхшайди, лекин эътибор бериб қарасангиз 2 хил эканлигини сезасизлар. Келинлар, 1-расм билан 2-расмни таққослаймиз.

Таққослашда диққатимизни расмларга қаратиб 1-расмдаги ҳар бир шаклни 2-расмдан излаймиз. Излаган шаклимиз 2-расмда бўлмаса, биз унинг етишмаган шакл эканлигини билиб оламиз. Тарбиячи стол устига турли шаклларни икки тўплам қилиб қўйиб тушунтириши ҳам мумкин.


18- расм.



**Тарбиячи:** – Болажонлар, келинг энди бошқа расмни кўриб чиқамиз. Бу расмда 3 та қаторга шакллар чизилган. Расмдаги ҳамма шакллар бир хил ўлчамдами? *(Болалар жавоби)*

Тўғри, болажонлар, расмдаги шакллар ҳар хил ўлчамда. Ҳар бир қатордаги шакллар кичикдан каттагача қилиб тартибланган. 2- ва 3-қаторларга қандай катталиқдаги шаклларни тасвирлашни унутишган?

19- расм.



2- ва 3-қаторларга қандай катталиқдаги шакллар чизиш лозим бўлса ўша шаклларни чизиб қўямиз.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, мен сизга ҳозир 4 та шакл айтаман, диққат билан эшитинг ва эслаб қолинг: цилиндр, куб, шар, олтибурчак. Энди яна бир марта айтаман: цилиндр, шар, олтибурчак. Қайси шаклни айтмадим?

**Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Уйингни топ”**

Болалар 3 гуруҳга бўлинадилар. 1-гуруҳ болалари шакллар тасвирланган карточкадан биттасини қўлларида ушлаб доира марказида турадилар. Марказдан 2-2,5 метр узоқликда кичик доиралар чизилган бўлади.

**Ўйин қондаси:** Тарбиячи болаларга “Уйингни топ” дейди, болалар қўлларидаги карточкада тасвирланган шакллар бор карточка қўйилган доирага туриб олишлари керак.

Битта доира бўш қолади, тарбиячи ундаги тасвирни болаларга кўрсатиб, кимнинг қўлидаги тасвирга ўхшаб кетишини, лекин айнан ўхшаш бўлиши учун қайси шакл етиш-


маётганини сўрайди. Болалар ўзларидаги тасвирга қараб навбат билан жавоб берадилар.

Ўйинда гуруҳлар ўрин алмашиб боради.

**Болалар учун амалий иш.**

Ҳар бир болага етишмаган шаклни топиш бўйича битта карточка берилади. Болалар қандай шакл етишмаётганлигини аниқлайдилар. Етишмаётган шаклни чизадилар ва ҳамма шаклларни хоҳлаган рангга бўйидилар. Болалар ишни тугатганларидан сўнг тарбиячи ҳар бир боладан қандай шакл чизганлигини, нима учун шу шаклни чизганлигини, қандай рангга бўйганлигини сўрайди.

20- расм.



**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Менинг столимда қандай шакллар бор, мен биттасини яшириб қўйдим. Топингчи, у қайси шакл эди?

2. Мен сизга ҳозир 4 та шакл айтаман, диққат билан эшитинг ва эслаб қолинг: доира, квадрат, учбурчак, овал. Энди яна бир марта айтаман: квадрат, овал, учбурчак. Қайси шаклни айтмадим?

3. Ўйинлар сизга ёқдими?

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.



## 28-МАШҒУЛОТ ВАҚТ ҲАҚИДА ТАСАВВУР

**Мавзу:** Кеча, бугун, эртага қандай кун (сана) эканлиги билан таништириш

**Мақсад:**

- Болаларни кеча, бугун ва эртага қандай кун эканлигини фарқлашга ўргатиш.

**Кутилаётган натижа:**

- Болалар кеча, бугун ва эртага қандай кун, сана эканлигини билиб оладилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Копток
- Оқ қоғоз (ҳар бир бола учун)

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, бугун сизлар билан яна вақт ҳақида гаплашамиз. Вақт ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Халқимизда вақт ҳақида ибратли сўзлар, мақоллар жуда кўп. Масалан: “Вақт худди ариқдаги сувга ўхшайди”, “Вақтинг кетди, нақдинг кетди”, “Бугунги ишни эртага қўйма”, “Бугунги кунинг кечагидан яхши бўлсин”. Биз бу ибратли сўзларга амал қилиб яшашимиз керак. Вақт ўтган сари ёшингиз катта бўлиб бораверади. Вақт худди ариқдаги сувга ўхшайди, ариқдаги сув доимо оқиб туради. Унинг қандай оқишини билмоқчи бўлсангиз қоғоздан қайиқча ясаб сувга қўйинг. Қайиқча сувда оқиб, узоқларга кетиб қолади. У орқага қайтиб суза олмайди. Болалар, ана шу сувда оқиб кетган қайиқча ва сув кечаги кунимизга ўхшайди. Қайиқча оқиб кетиб бўлди, кечаги кунимиз ҳам қайиқча сингари ҳаётимизда бўлиб ўтди. Кечаги кунни орқага қайтариб бўлмайди. Эртага нима воқеалар бўлишини билмаймиз, фақат тахмин қилишимиз мумкин. Масалан, мен эртага бир қариндошимизникига меҳмонга бормоқчиман. Лекин у ерга бормади қолишим ҳам мумкин. Эҳтимол ўзимнинг уйимга меҳмон келиб қолиши мумкин ёки бошқа ишим чиқиб қолиши мумкин. Эртага ҳаётимизда нима воқеалар бўлишини билмай-

миз, чунки бу кун энди келади, биз уни энди кутиб оламиз.

Болалар, келинглар, “Кеча нима бўлган эди?”, ўйинини ўйнаймиз. Ҳаммамиз доира шаклида тураммиз. 1-боланинг қўлига коптокни бераман ва “Кеча нима бўлган эди?” дейман. 1-бола кеча бўлган воқеалардан бирини айтади. Масалан: Кеча боғчага келаётиб йўлда отни кўрдим, ёки бошқа бир воқеани айтади.

1-бола айтиб бўлиб коптокни 2-болага узатади ва 2-бола ҳам кеча ҳаётида юз берган бирорта воқеани айтиб, коптокни 3-болага узатади. Ўйин шу тарзда давом этади.

#### **Болалар учун амалий иш.**

**Тарбиячи:** – Келинглар болалар, бугун қоғоздан қайиқча ясайммиз.

Тарбиячи ва болалар қоғозни буклаш усулидан фойдаланиб қайиқча ясадилар.

**Тарбиячи:** – Болалар, мана бугун (тарбиячи санани ва ҳафтанинг қайси куни эканлигини айтади) қайиқча ясадик. Эртага сизлар “кеча қайиқча ясаган эдик”, деб эслайсизлар.

**Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин:** “Бу қачон бўлган эди?”

Тарбиячи кеча, бугун бўлган воқеаларни айтади, болалар бу воқеалар қачон бўлганлигини айтадилар. Масалан, тарбиячи “Кечки пайт роса ёмғир ёғди” дейди, болалар қачон ёмғир ёққанлигини айтадилар. Ўйин шу тарзда давом этади.

#### **Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Нимага вақтни оқар сувга ўхшатаммиз?
2. Болажонлар кеча қайси кун эди?
3. Бугун қайси кун?
4. Эртага қайси кун бўлади?
5. Болажонлар, бир ҳафтада неча кун бор?
6. Бугунги санани айтинг.
7. Ибратли сўзни давом эттиринг: Бугунги ишни... (эртага қўйма).

Машғулот давомида ва якунида болаларни рағбатлантириш.

## 29-МАШҒУЛОТ СОҢ ВА САНОҚ

### Мавзу: Арифметик масала тузилиши билан таништириш

#### Мақсад:

• Болаларни арифметик масала тузилиши билан таништириш ва масалани ечиш йўллариини ўргатиш.

#### Кутилаётган натижа:

• Болаларда мустақил ҳолда, турли мавзуларда тўғри масала тузиш ва ечиш кўникмаси ҳосил бўлади.

#### Керакли жиҳозлар:

- 3 та машина
- 5 та китоб
- Анор расми (ҳар бир болага 4 тадан)
- 15 та қалам
- Ўйинчоқлар
- Машғулотнинг бориши:

**Тарбиячи:** – Болажонлар, сизлар билан турли содда ҳисоблашларни – қўшиш ва айиришни ўрганиб олганмиз, тўғрими? Бугун масала тузишни ва ечишни ўрганамиз.

Улуғбекжон, сиз шкафдан 1 та машинани олиб келинг ва столга қўйинг. Жамолбек, сиз 2 та машина олиб келинг.

1. Болажонлар, Улуғбекжон нечта машина олиб келди?
2. Жамолбек нечта машина олиб келди?

Болажонлар, Улуғбекжон 1 та, Жамолбек 2 та машина олиб келди. Улуғбек билан Жамолбек биргаликда нечта машина олиб келдилар?

Болалар Улуғбекжон 1 та, Жамолбек 2 та машина олиб келганини, ҳамма машиналар 3 та эканлигини тушунтирдилар.

**Тарбиячи:** – Мен масала туздим, сиз уни ечдингиз. Мен масалани бундай туздим: Улуғбекжон қанча, Жамолбек қанча машина келтирганини сўзлаб бердим, кейин Улуғбекжон билан Жамолбек биргаликда нечта машина келтирганини сўрадим. Сиз саволга тўғри жавоб бердингиз, масалани тўғри ечдингиз.

**Болалар учун амалий иш.**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, энди ҳаммамиз биргаликда масала тузамиз ва ечамиз. Столнинг устига ўнг томонингизга 3 та анор расмини, чап томонингизга 1 та анор расмини қўйинг. Нима қилганингизни гапириб бериш.

Болалар қисқа, боғлиқли гапириб беришлари керак.

**Тарбиячи:** – Жуда яхши тушуштириб бердингиз. Сиз масала туздингизми? Йўқ. Масаланинг шarti ва саволи бўлиши керак. Масалан: ўнг томонга 3 та анор қўйдик, чап томонга 1 та анор қўйдик. Бу масаланинг шarti. Масаланинг шartiда 2 та сон қатнашади. Ҳамма анорлар нечта? Бу масаланинг саволи. Ҳамма анорлар 4 та. Бу масаланинг жавоби. Биз биргаликда масала туздик ва ечдик.

Болажонлар, энди бошқа бир масалани биргаликда тузамиз.

**Тарбиячи:** – Камолбек, сиз учта китобни олиб ёшимга келинг. Камолбек, сизда нечта китоб бор?

**Камолбек:** – Менда 3 та китоб бор.

**Тарбиячи:** – Мен сизга яна иккита китоб берсам, сиздаги китоблар нечта бўлади?

**Камолбек:** – Мендаги китоблар 5 та бўлади.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, эътибор берган бўлсангиз биз фақат қўйиш амали бажариладиган масалаларни туздик. Келинглр, энди айириш амали бўйича масала тузамиз.

Менда 10 та қалам бор, қаламнинг 5 тасини Мафтунага берсам, менда нечта қалам қолади?

Бу масалани ечиш учун нима қилишимиз керак? Масаланинг шartiдаги 2 та сонга эътибор бериш: 10 та қалам бор эди, 5 тасини бердим, энди масаланинг саволига эътибор бериш: менда нечта қалам қолади? Демак, масаланинг жавобини топиш учун 10 дан 5 ни айирамиз. Болажонлар, 10 дан 5 ни айирсак неча бўлади? *(Болалар жавоби)* Тўғри, 5 бўлади, демак, менда 5 та қалам қолибди-бу масаланинг жавоби бўлди.

Қўйиш ва айиришга доир масалалар 5-6 нафар болалар билан ташкил қилинади.

**Тетиклаштирувчи машқ.**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, доира бўлиб турамыз. Мен шеър айтаман ҳамда шеър сўзларига мос ҳаракатларни кўрсатаман. Сиз ҳаракатларни такрорлайсиз ва шеър бўйича масаланинг жавобини топасиз.

**Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин:** “Ким тўғри масала тузади ва ечади?”

Болалар столига турли ўйинчоқлар қўйилади ва болаларга шу ўйинчоқлар ёрдамида масалалар тузиш таклиф этилади. Болалар хоҳлаган ўйинчоқлари ёрдамида мустақил масала тузадилар.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, келинлар, “Ким тўғри масала тузади ва ечади?” ўйинини ўйнаймиз. Ҳамма ўзи хоҳлаган ўйинчоқлар ёрдамида масала тузади ва жавобини ким го-пишини хоҳласа ўша боланинг исмини айтиб, масалани айтади. Исми айтилган бола масалани ҳисоблаб ечади. Агар масаланинг жавоби тўғри топилса, сиз чалак чаласиз, агар нотўғри бўлса, қўлингизни инкор ҳолатида чайқатасиз ва биргаликда масаланинг жавобини тўғри топишга ўртоғинизга ёрдам берамиз.

**Болалар билимини ошириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар ва топшириқлар:**

1. Раънонинг 2 та шари бор эди, унга онаси яна 1 та шар олиб берди. Шарлар нечта бўлди?

2. Сардорнинг 8 та ёнғоғи бор эди, у ўртоғига 2 та ёнғоқни берди. Сардорнинг ёнғоқлари нечта қолди?

3. Масала тузиш осонми ёки масаланинг жавобини го-пиш осонми?

4. Агар Улуғбекда 14 та китоб бўлса, мен яна 1 та китобни Улуғбекка совға қилсам, Улуғбекнинг китоблари нечта бўлади?

5. 9 гулдан гулдастада ҳосил қилишди. Агар гулдастага яна 2 та гул қўшсак, жами гуллар нечта бўлади?

6. “Адабиёт” бурчагида 12 та китоб бор эди, яна 3 та янги китоб қўшдик. Китоблар нечта бўлди?

7. Сизда 5 та конфет бор 2 тасини ўртоғингизга берсангиз, сизда нечта конфет қолади?

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

### 30-МАШҒУЛОТ МИҚДОР (КАТТАЛИК)

**Мавзу:** Нарсаларнинг бўйи ва энини шартли ўлчов бирлигида ўлчаш ва таққослаш

**Мақсад:**

- Болаларга нарсаларнинг бўйи ва энини шартли ўлчов бирлиги ёрдамида ўлчаш ва таққослашни ўргатиш.

**Кутилаётган натижалар:**

- Болалар нарсаларни ўлчашни ва таққослашни ўрганадилар.

- Болалар шартли ўлчов бирлигидан фойдаланганда ҳосил бўлган соннинг саноқ таркибидаги ўлчаш натижаси сифатида фойдаланишни ўрганадилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Турли ўлчамдаги ленталар, картон бўлаги, ип. қайчи, елим.

- Фишкалар ва рақамлар ёзилган карточкалар.

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болалар, атрофимиздаги барча нарсалар ўз ўлчамига эга. Масалан, эшик, деразалар, шкафлар, стол-стул, гиламлар, ҳатто биз турган хона ҳам ўлчов билан бунёд бўлган. Агар бу нарсалар ўлчаб олинмасдан ясалганда ёки қурилганда, сифатсиз бўлиб қолар эди. Болажонлар, Билмасвойни танийсизми?

Ҳозир мен сизларга Билмасвойнинг қандай қилиб синган стулни тузатганлиги ҳақида ҳикоя қилиб бераман.

Билмасвой мактабда ўқир экан. У мактабда ўзи ўтирадиган стулини синдириб қўйибди. Ўртоқлари ўтирадиган бирорта стул синмабди, фақат уники синибди. Чунки, Билмасвой стулини эҳтиёт қилмас эканда. Мактабдаги, боғчадаги стол, стулларни эҳтиёт қилмаслик яхшими? *(Болалар жаво-*

би) Тўғри, болажонлар, яхши эмас. Биз гуруҳимиздаги стол, стулларни эҳтиёт қилишимиз зарур.

Билмасвойнинг ўқитувчиси “ҳатто стулда ўтиришни ҳам билмайсан”, деб койибди ва мактаб устахонасида стулини тузатиб чиқишини айтибди. Билмасвой стулини олиб устахонага борибди ва устадан стулини тузатиб беришини сўрабди. Уста бўлса Билмасвойга теша, мих, ёғоч ва арра берибди-да “мен ҳозир иш билан бандман, стулингни ўзинг тўғирлашни ўрган”, деб ишини давом эттирибди. Билмасвой стулини тузатибди, лекин стул озгина қийшиқ бўлиб қолибди. Ўртоқлари уни кўриб роса кулишибди.

Билмасвой ўртоқлари олдида уялиб қолибди.

Болалар, ўйлаб кўрингчи, Билмасвойнинг стули нима учун қийшиқ бўлиб қолди экан? Чунки, стулнинг бир оёғи синганлиги учун Билмасвой стулга бошқа ёғочдан оёқ қилган эди. Агар стулнинг бутун оёқларини бирорта шартли ўлчов билан ўлчаганда, шу шартли ўлчов билан ясаётган оёқни ўлчаганда ва ясаган оёқни ҳам бошқа оёқларга тенг қилганда эди, Билмасвой уялиб қолмаган бўлар эди. Демак, барчамиз ўлчашни билишимиз керак экан-а, болалар? Мен ҳозир сизларга нарсаларнинг бўйи ва энини қандай ўлчаш кераклигини тушунтираман.

Нарсаларнинг бўйи ва энини шартли ўлчов бирликлари, яъни мана бундай лента, картон бўлағи ёки ипдан фойдаланиб ўлчаш мумкин. Агар ўлчаш учун ҳеч нарса тополмай қолсак бармоқларимиздан фойдаланиб, қаричлаб ўлчашимиз ҳам мумкин.

Тарбиячи атрофдаги нарсаларни ўлчаб кўрсатади.

**Болалар учун амалий иш.**

Болаларга қисқа ўлчамдаги ленталар, фишкалар ва рақамлар ёзилган карточкалар берилади. Болалар ленталар ёрдамида атрофдаги нарсалар: стол, стулларнинг бўйини, энини ўлчаб, уларнинг нечта ўлчам эканлигини фишкалар билан аниқлаб (ҳар битта ўлчаганда битта фишка қўяди, охирида уларни санайди), рақамли карточкаларни қўйиб қўядилар.

Кейин болаларга картон қоғозлардан фойдаланиб кароват шаклини яшаш таклиф қилинади.

21-расм.



Кароватнинг икки ёни

Кароватнинг ўрта қисми

22-расм.

Кароват



**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Билмасвой стулнинг оёғини тўғри тузатибдими?
  2. Нарсаларнинг энини кўрсатинг.
  3. Нарсаларнинг бўйи ва энини қандай ўлчаймиз?
  4. Нега уларнинг бўйини ўлчаш керак?
  5. Олдингиздаги стулнинг бўйи неча қарич?
  6. Олдингиздаги столнинг эни неча қарич? Столнинг энини ўлчашда ҳар бир қаричга битта финка қўйинг ва натижани рақам билан белгиланг.
  7. Нарсаларнинг бўйи ва энини ўлчашда нималарни шартли ўлчов қилиб олишимиз мумкин?
- Машғулот давомида ва якунида ширин сўзлар билан болаларни рағбатлантириш.

### 31-МАШҒУЛОТ ГЕОМЕТРИК ШАКЛЛАР

**Мавзу:** Етишмаган шаклни топишга доир мантиқий масалалар ечишга ўргатишни давом эттириш

**Мақсад:**

- Болаларнинг геометрик шакллар ҳақидаги тасаввурларини мустаҳкамлаш.

**Кутилаётган натижа:**

- Болалар мантиқан фикрлаган ҳолда геометрик шакллارни бир-бирига таққослашни ўрганадилар.



**Керакли жиҳозлар:**

- “Шакллар шаҳарчаси” тасвири (23-24 расмлар).
- Геометрик шакллар, бўр
- 25-расм, 26-расм.


**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, сизларга геометрик шакллар ҳақида бир эртақ айтиб берайми?

Қадим замонда Камол исмли бир бола бор экан. У сайр қилишни жуда яхши кўрар экан. Бир куни Камол сайр қилиб юриб, бир шаҳарга бориб қолибди. Бу шаҳар геометрик шакллар шаҳарчаси экан. Бу шаҳардаги транспортлар ҳам, дарахтлар ҳам, гуллар ҳам, ҳамма-ҳамма нарса геометрик шаклда экан. Шаҳарнинг подшоҳи Камолни саройга таклиф этибди. Саройда Камол турли шакллардан ясалган нарсаларни кўриб ҳайратланибди. Подшоҳ Камолга шундай дебди: – Бу сарой турли шакллардан қурилган, агар битта шакл йўқолиб қолса ҳам сарой бузилиб кетиши мумкин, шунинг учун уни қўриқчилар яхшилаб қўриқлайдилар.


Камол шаҳарни яхши кўриб қолибди. Шаҳар подшоҳи Камолга турли геометрик шакллар билан бирга шаҳарнинг 2 та расмини ҳам совға қилибди. Камол уйига қайтиб келибди ва у ҳам турли геометрик шакллардан уйлар, машиналар, дарахтлар, гуллар ясабди. У подшоҳ совға қилган расмларга қараб-қараб иш қилар экан, шунинг учун бу икки расмдаги фарқларни ҳам билиб олибди. Болалар, келинлар биз ҳам шаҳарнинг расмини бир кўрайликчи. Бу икки расмда қандай фарқли жиҳатлар бор экан?

23-расм.



Болалар биринчи расмни кўриб бўлганларидан кейин тарбиячи 2-расмни кўрсатади. 2-расмда 1-расмдаги баъзи шакллар тушириб қолдирилган бўлади.

24-расм.



Болалар расмлардаги фарқларни топадилар.


**Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Олинган шакл-ни топ”**

10 та катак чизиқ чизилади. Болалар 10 тадан бўлиб икки гуруҳга бўлинадилар. Биринчи гуруҳдаги 10 та боланинг ҳар бирига 1 тадан геометрик шакл берилади. Болалар 1 тадан катакни танлаб, ичига қўлларидagi шаклни жойлаштирадilar ва жойларига бoриб турадилар. Иккинчи гуруҳ болалари катакларга қўйилган шаклларни яхшилаб кўриб чиқадилар ва тескари қараб турадилар.

Биринчи гуруҳдан бир бола 1 та шаклни олиб қўяди.


Иккинчи гуруҳ болалари қайси шакл олиб қўйилганини топишлари керак бўлади.

25-расм.



**Болалар учун амалий иш.**  
Расмлардаги фарқни топинг.

26-расм.



**Болалар билимини текшириш ва мустақкамлаш учун саволлар:**

1. Геометрик шакллар шаҳрининг подшоҳи Камолга совға қилган расмларда нечта фарқ бор экан?

2. Геометрик шакллардан нималар тасвирини ҳосил қилиш мумкин?

3. Олинган шаклни топ ўйинида қайси шаклларни олиб қўйдик?

4. Етишмаган шаклларни топишга қийналмадингизми?

5. Мен сизга ҳозир 4 та шакл айтаман, диққат билан эшитинг ва эслаб қолинг: квадрат, доира, бешбурчак, учбурчак, овал. Энди яна бир марта айтаман: квадрат, доира, бешбурчак, овал. Қайси шаклни айтмадим? *(Болалар жавоби)*

Тарбиячи машғулоти давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## 32-МАШҒУЛОТ ВАҚТ ҲАҚИДА ТАСАВВУР

**Мавзу: Йил фасллари**

**Мақсад:**

- Болаларнинг фасллар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш.

**Кутилаётган натижа:**

- Болалар фасллардаги ўзгаришларни фарқлаб, уларни бир-биридан ажрата олишни ўрганадилар.

### **Керакли жиҳозлар:**

Йил фасллари тасвирланган суратлар (27-расм)

- Дарахтнинг 4 та фаслдаги 4 хил кўриниши тасвирланган расм

- Доира шаклидаги оқ қоғоз (ҳар бир болага) рангли қаламлар

- “Олтин тож” шакли, 16 та ғиштчалар (ёғочдан)

### **Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, ҳеч эътибор берганмисиз, баъзида ҳаво иссиқ бўлади, баъзида ёмғир ёғади, баъзида ҳаво совуқ бўлиб қор ёғади. Табиатдаги бу ўзгаришлар маълум вақтларда бўлади ва бу вақтларнинг ўз номи бор.

Ҳозир сизларга топишмоқ айтаман, топишмоқ нима ҳақида эканлигини топасизлар:

Келиб кетар бир йилда,

Тўрт оғайни ҳар хилда.

*(Тўрт фасл)*

Болалар топишмоқни топганларидан кейин тарбиячи фасллар тасвирланган суратларни кўрсатиб, фасллар ҳақида тўлиқ тушунча беради ва сўрайди:

– Болажонлар, баҳор, ёз, куз, қишни биргаликда қандай аташимиз мумкин? *(Болаларнинг жавоблари).*

– Болажонлар, ҳозир қайси фасл? *(Болаларнинг жавоблари).*

**Тарбиячи:** – Болажонлар, бир йилда нечта фасл бор? Биз баҳор келганини қандай биламиз? Ёзнинг келганини-чи? Куз ёки қишнинг келганини-чи?

*Болаларнинг жавоблари.*

**Тарбиячи:** – Болалар ўнг қўлингизни кўрсатинг. Энди ўнг қўлимизнинг бош бармоғини яшириб қўямиз. Кўрсаткич бармоғимизни – баҳор, ўрта бармоғимизни – ёз, номсиз бармоғимизни – куз, жимжилоғимизни – қиш деб оламиз. Демак, 1-баҳор, 2-ёз, 3-куз, 4-қиш бўлар экан. Қаранглар, улар қандай тартиб билан турибди. Улар доимо шу тартибда, бирин-кетин келади. Сизлар бирдан кейин қайси сонни

айтасизлар? (*Болалар жавоби*) Тўғри, ҳеч қачон бирдан кейин 3 ёки 4 келмайди, фасллар ҳам худди шундай, баҳордан кейин албатта ёз келади, ёздан кейин куз, куздан кейин қиш, қишдан кейин яна баҳор келади. Ҳозир мен сизларга 1 та дарaxтнинг 4 хил кўринишини кўрсатаман. Бу дарaxтнинг кўриниши неча ҳар хил, қим мен а айтиб беради? Бу расмларни тўғри тартибда жойлаштириш.

27-расм.



Фаслларнинг ўзгаришини одамларнинг кийинишидан, об-ҳаво ўзгаришидан ҳам билиб олиш мумкин. Менин сенимга 4 та бола келсин. 1-бола баҳорда, 2-бола ёзда, 3-бола кузда, 4-бола қишда қандай кийимлар кийишини таърифлаб беради.

Яна 4 та бола 4 фаслда об-ҳаво қандай бўлишини айтиб беради.


Болалар, фаслларни билиб олдин из, уларни доимо бир хил кетма-кетликда келишини эдингиздан чиқарман.

**Болалар учун амалий иш.**

Ҳар бир бола учун стол устига доира шаклидаги оқ қоғоз, рангли қаламлар қўйилади.

**Тарбиячи:** – Болалар, олдингиздаги оқ қоғоз қандай шаклда экан? Келинглар, уни ўртасидан буклаймиз, 2 га яримга ой шакли ҳосил бўлди. Энди уни яна 2 га буклаб оламиз. Қоғозни очиб кўриб, текисланг, доира шакли неча қисмга бўлинибди.

28-расм.



Қоғоздаги 4 та қисмга тартиб билан фаслларнинг белгиларини чизиб чиқинг ва уларни рақамлар билан белгиланг (*Баҳорни гуллар билан, ёзни қуёш, кузни дарахт ва барглари-нинг тўкилиши, қишни қор парчалар ва безатилган арча кўришида тасвирлашлари мумкин*).

Болаларнинг иши кузатилади ва керакли маслаҳатлар берилади. Болалар ишни яқунлаганларидан сўнг, изоҳлаб берадилар.

**Тетиклаштирувчи машқ.**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, ҳозир сизлар билан “Фасллар” ўйинини ўйнаймиз.

Болалар доира бўлиб ўтирадилар ва навбат билан “қиш”, “баҳор”, “ёз”, “куз” деб фаслларни айтиб чиқадилар. Тарбиячи бошловчи бўлади. Бошловчи “баҳор” деса, “баҳор” сўзини айтган болалар ўрнидан туриб, жойларини алмаштирадилар, «ёз» деса, «ёз» сўзини айтган болалар жойларини алмаштирадилар. Агар бошловчи «фасллар» деса ҳамма болалар ўрнидан туриб жойларини алмаштирадилар. Бошловчи турганлардан биттасининг ўрнига ўтириб олиши лозим. Ўтира олмаган бола бошловчи бўлади ва бошқа фаслнинг номини айтади. Ўйин шу тарзда давом этади.

### **Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Олтин тож”**

Болалар 4 гуруҳга бўлинадилар. Тарбиячи ўйин марка-зига баланд чиройли таглик қўйиб, устига болалар бошига мос “Олтин тож” қўяди. “Олтин тож”нинг 4 томонига ғишт-чалар (ёғочдан) қўяди. Болалар 5 тадан бўлиб 4 томондаги ғиштчалар олдига сафланадилар.

**Ўйиннинг бориши:** тарбиячи навбат билан ҳар бир гу-руҳнинг 1, 2, 3, 4, 5, болаларига фасллар мавзусига доир саволлар беради. Саволга тўғри жавоб берган болалар ғишт-чалар устидан “Олтин тож” томон силжиб боради. 1-са-волга тўғри жавоб берса 1-ғиштга ўтади, 2-саволга тўғри жавоб берса 2-ғиштга ўтади ва ҳоказо. Ўйин ғолиби 1 та ёки кўпроқ бўлиши мумкин, шу сабабли “Олтин тож”нинг сонини кўпроқ қилиб қўйиш мумкин.

Ўйин якунида “Олтин тож” соҳиблари рағбатлантири-лади.

### **Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Фаслларнинг номини билиб олдингизми? Айтиб бе-ринг-чи.
  2. Қиш, баҳор, ёз ва кузни биргаликда қандай номлаши-миз мумкин?
  3. Бир йилда нечта фасл бор?
  4. Баҳордан кейин қайси фасл келади?
  5. Қишдан кейин қайси фасл келади?
  6. Куздан олдин қайси фасл келади?
  7. Қайси фасл эканлигини нималар ёрдамида билишимиз мумкин?
  8. Фаслларни тўғри кетма-кетликда айтиб беринг.
  9. Сизга энг ёқадиган фасл қайси? Нима учун?
  10. Сиз қайси фаслда туғилгансиз?
  11. Қишни (баҳорни, ёзни, кузни) бирор белги билан бел-гила дейилса қандай белги билан белгилар эдингиз?
- Машғулот давомида ва якунида болаларни рағбатлан-тириш.

## 33-МАШҒУЛОТ СОН ВА СЛНОҚ

### Мавзу: 15 гача санашни ўргатиш

#### Мақсад:

• Болаларга 15 гача тартибли санашни ўргатишни давом эттириш.

#### Қутилаётган натижа:

• Болалар парсаларни 15 тагача тартиб билан санашни ўрганадилар.

#### Керакли жиҳозлар:

- Қалам солиш учун 4 та идиш
- 60 та рангли қаламлар
- Ҳар столга бир қути маккажўхори қаламчалари билан
- 2 та қопча, 40 та копток ва коптокларни солиш учун қути

#### Машғулотнинг бориши:

**Тарбиячи:** – Болажонлар, менинг столимда рангли қаламлар солинган 2 та идиш турибди, яна 2 та идиш бўлса бўш. Ҳар бир идишга 15 тадан қалам солиш керак. Келинлар, қаламларни санаб ҳамма идишга 15 тадан солиб қўямиз. Тарбиячи болалар билан қаламларнинг 15 тасини битталаб санаб 1-бўш идишга олиб қўяди. Ҳар бир олган қаламини “бу печанчиси?”, “идишда нечта бўлди?”, деб сўраб боради. Шу тартибда 2-бўш идишга ҳам 15 та қалам санаб солинади. Кейин қаламлар бор бўлган идишлардаги қаламлар ҳам саналади. “Мана ҳамма идишларга 15 тадан қалам солинди”, деб таъкидланади.

Болажонлар энди амалий ишга ўтишдан олдин қўлимизни ювиб келамиз.

#### Болалар учун амалий иш.

Ҳар бир столга қутичалар қўйилади. Тарбиячи қутичаларда маккажўхори қаламчалари борлигини айтиб, 15 та маккажўхори қаламчасини олдиларида турган ликобчага санаб солишларини айтади.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, бу ширин маккажўхори қаламчаларини мазза қилиб еб қўямиз, фақат мен «бир» деганимда 1-қаламчани, «икки» деганимда 2-қаламчани, «уч» деганимда 3-қаламчани, «тоқтинчи» деганимда 7-қаламчани, «онинчи» деганимда 10-қаламчани санаб берингиз.



нимда 3-қаламчани ва ниҳоят «ўн беш» деганимда 15-қаламчани оғзингизга солишингиз керак. Болажонлар, маккажўхори қаламчаларини мазза қилиб еб олдик, энди қўлимизни ювиб келамиз ва ўйин ўйнаймиз.

**Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Ким чаққон”**

Болалар 2 гуруҳга бўлиниб, икки қатор бўлиб турадилар. Болалардан 5 метр узоқликда коптокчалар тўлдирилган 2 та қути қўйилади. Ҳар бир гуруҳга биттадан қопча берилади. Болалар қопчага 15 та коптокни солиб тўлдиришлари керак. Ҳар икки гуруҳдан 1 тадан бола 5 метр узоқликда қўйилган қутидан 1 дона копток олиб келади ва 1-бола 1 деб, 2-бола 2 деб ва ниҳоят 15-бола 15 деб қопга солади. Қоплардаги коптоклар болалар билан биргаликда санаб кўрилади.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Ҳар бир идишга нечтадан қаламлар солдик?
2. Сиз нечта маккажўхори қаламчасини едингиз?
3. 2 та мушук учун нечта оёқ кийим керак бўлади?
4. Қопга нечта копток солдик?
5. Поезд йўлида 13 та вагон турибди, улар 15 та бўлиши учун яна нечта вагон керак?

Машғулот давомида ва якунида болаларни рағбатлантириш.

### **34-МАШҒУЛОТ ГЕОМЕТРИК ШАКЛЛАР**

**Мавзу: Таёқчаларнинг ўрнини алмаштириш  
натijasида берилган шаклларни ўзгартиришга  
мўлжалланган масалалар ечиш**

**Мақсад:**

- Болаларга муаммоли топшириқларни ечишни ўргатиш.

**Кутилаётган натижалар:**

- Болалар муаммоли вазифаларни ҳал қилишни ўрганадилар.

• Болалар маълум миқдордаги таёқчалардан турли геометрик шакллар ясаш ва шакллар кўринишини айтилган сондаги таёқчаларни олиш йўли билан ўзгартиришни ўргандилар.

**Керакли жиҳозлар:**

• Таёқчалар (ўлчами 10 см)

**Машгулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, биз сизлар билан таёқчалардан турли шаклларни, буюмларни ясашни ўрганган эдик. Бугун яна таёқчалардан турли шаклларни ясаймиз ва таёқчалардан ясалган шакллардан таёқчаларни олиш йўли билан кўринишини ўзгартиришни ўрганамиз.

Қар биримизда нечта таёқча бор?

Биргаликда санаб, таёқчаларнинг қанчалигини билиб оламиз: 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.

Таёқчаларимиз нечта экан?

**Болалар:** – 10 та

**Тарбиячи:** – Болажонлар, 10 та таёқча донасидан 3 та квадрат шаклини ясаймиз. Ушбу квадратлардан 4 та таёқчанинг ўрнини шундай ўзгартириб қўйингки, калитча ҳосил бўлсин.

29-расм.




**Тетиклаштирувчи машқ.**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, доира шаклида туринг. Квадрат шаклида туринг. Учбурчак шаклида туринг. Энди болажонлар, ўтириб кейинги топшириқни бажарамиз.

**Тарбиячи:** – 15 та таёқча донасидан ясалган ушбу шаклдаги 2 та таёқча донасининг ўрнини алмаштириб, 5 та тенг квадрат ясанг.

30-расм.




Жавоб:




Тарбиячи 15 таёқча ёрдамида сигирни тасвирлайди.

**Тарбиячи:** – 15 таёқча ёрдамида сигир расми тасвирланган. Иккита таёқчани олиб шундай қўйингки, сигир тескари томонга қарасин.

31-расм.



Жавоб:



**Болалар билимини текшириш ва таъкамлаш учун саволлар:**

1. Болажонлар, топшириқлардан қайси бири сизга кўпроқ ёқди?
2. 10 та таёқчадан ясалган 3 та квадрат шаклидан нечта таёқчани олиб калит ясадик?
3. 15 та таёқчадан ясалган 4 та квадратдан нечта таёқчанинг жойини ўзгартириб 5 та тенг квадрат ясадик?
4. 15 та таёқча ёрдамида тасвирланган сигир расмидан нечта таёқчани олиб сигирни бошқа томонга қаратдик?
5. Сиз қайси топшириқни бажаришда қийналдингиз?
6. Сиз таёқчалар билан яна қандай ўйинлар ўйнашни хоҳлардингиз?

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## 35-МАШҒУЛОТ МИҚДОР (КАТГАЛИК)

**Мавзу:** Шартли ўлчов ёрдамида ўлчаш

**Мақсад:**

- Болаларга шартли ўлчов ёрдамида ўлчашни ўргатиш.

**Қўтилаётган натижалар:**

- Болалар сочилувчи ва суюқ жисмларни шартли ўлчов ёрдамида аниқлашни, узунликни шартли ўлчов (тасмача) ёрдамида ўлчашни ўрганадилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- 10 та машина.
- 10 пиёла мош солинган тоғорача ва пиёла.
- 10 та кубик.
- Лента ва уни ўлчаш учун полоска.
- Сув солинган графин ва стакан.
- Турли геометрик шакллардан 10 тадан.

**Машғулотнинг бориши:**

Тарбиячи столи устига машиналарни қўйиб, уларни санаб чиқишни таклиф этади. Болалар санайдилар, тарбиячи ҳаммаси бўлиб нечта машина эканлигини сўрайди. Болалар машиналар 10 та деб жавоб берадилар.

**Тарбиячи:** – Болалар бугун биз сиз билан бошқача санашни ва санаш натижасида ўлчашни ўрганамиз.

Тарбиячи столга мош солинган идишни қўяди ва “Мошнинг қанчалигини қандай билиш мумкин?”, деб сўрайди.

**Тарбиячи:** – Мошнинг қанчалигини мана бу пиёла билан ўлчаб аниқласак бўлади. Ҳозир биз сиз билан тоғорада печта пиёла мош борлигини ўлчаб кўрамыз.

Тарбиячи битта болани чиқариб мошни ўлчаб иккинчи идишга солишни ва санаб туришни таклиф этади. Иш жараёнида болаларнинг диққатини пиёланинг тўла бўлишига қаратади. Пиёлада ўлчанган мошни бошқа идишга тўкади. Ҳар бир пиёла мошни тоғорачага тўкканда бола стол устига биттадан кубик қўяди. Нечта пиёла мош бўлса, шунча

кубик бўлиши керак. Сўнг тарбиячи бошқа болалар билан ҳам худди шу ишни такрорлайди. Болалар ҳам пиёладаги мошнинг қанча эканлигини ўлчайдилар ва кубиклар ёрдамида санайдилар. Шунда 10 та пиёла мош ва 10 та кубик бўлиши керак. Тарбиячи болалар нутқига эътибор беради. Болалар қуйидагича гапиришлари лозим, масалан, тоғорадаги мош 10 пиёла экан.

**Тарбиячи:** – Санаш осон бўлиши учун тоғорадаги мошни бошқа тоғорага тўкаётганингизда олдингизга кубикларни қўйиб санаб бордингиз. Кубиклар ёрдамида санайверсангиз, тезда кубикларсиз санашни ҳам ўрганиб оласиз.

Тарбиячи лентани олиб болалардан уни қандай қилиб ўлчаш кераклигини сўрайди. Тарбиячи тасмани кўрсатиб “Тасма билан лентани ўлчаш мумкинми?”, деб сўрайди. Сиз уни қандай ўлчасиз? Чақирилган бола лентани қандай ўлчаш кераклигини кўрсатади.

**Болалар учун амалий иш.**

Болаларга банкадаги сувни шартли ўлчов бўлган стакан билан ўлчаш таклиф қилинади. Ҳар бир бола навбат билан келиб сувни стакан билан ўлчаб кўради. Тарбиячи ҳар бир боланинг ўлчовини алоҳида геометрик шакллар билан белгилаб боради. Охирида уларнинг ҳаммаси бир хил натижами ёки йўқлиги аниқланади.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, бугун биз сизлар билан нарсаларни шартли ўлчовлар ёрдамида ўлчадик. Шартли ўлчов қилиб нималарни олдик? Мошни пиёлада, лентани тасма билан, сувни стаканда ўлчадик. Демак, пиёла, тасма, стакандан шартли ўлчов сифатида фойдаландик.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Биз мошни нимада ўлчадик?
2. Мош қанча экан?
3. Биз лентани нимада ўлчадик?
4. Банкадаги сувни ўлчаганингизда қанча чиқди?
5. Биз нарсаларни нималар ёрдамида ўлчадик? Бу нарсаларни нима деб атадик?

Тарбиячи машғулот давомида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## 36-МАШҒУЛОТ ВАҚТ ҲАҚИДА ТАСАВВУР

**Мавзу: Йил тақвими билан таништириш**

**Мақсад:**

- Болаларда йил тақвими ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

**Кутилаётган натижа:**

- Болалар йил тақвими ҳақида дастлабки тушунчаларни эгаллайдилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Йил тақвимлари.
- Ойларнинг номи алоҳида-алоҳида ёзилган карточкалар (ҳар бир болага)

**Машғулотнинг бориши:**

Тарбиячи болаларга тақвим (календар)ни кўрсатади ва “Болалар, бу нималигини биласизми?”, деб сўрайди.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, бу тақвим (календар) дейилади. Сизлар бир йилда 4 та фасл борлигини биласизлар, мана шу фаслларнинг ҳар бирида 3 та ой бор. Мана шу ойлар тақвимда акс этади. Масалан: баҳор ойлари – март, апрел, май, ёз ойлари – июн, июл, август, куз ойлари – сентябр, октябр, ноябр, қиш ойлари – декабр, январ, феврал.

**Болалар учун амалий иш.**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, олдингиздаги тақвимни қўлингизга олиб қаранг, мана бу алоҳида-алоҳида 1 дан 31 гача сонлар ёзилган қаторлар бир ойни билдиради. Бу сонларнинг ҳар бири бир кун. Эътибор берган бўлсангиз бир хил ойлар 30 кундан, яна бир хили 31 кундан иборат. Фақат феврал ойигина 28 кундан иборат. Энди мана шу ойларни санаб чиқинг, бир йилда нечта ой бор экан?

Болалар мустақил санаб айтиб берадилар.

Ҳозир ҳаммамиз биргаликда бир йилдаги ойларни айта-миз. Болалар билан 5 марта ой номлари такрорланади.

**Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Қайси ой?”**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, келинглар, 2 гуруҳга бўлиниб “Қайси ой?” ўйинини ўйнаймиз, мен мана бу 2 та тақвимни деворга илиб қўяман. Сизларга ой номларини тарқатиб чиқаман, сизлар бу номларни тақвимдаги номларга солиштириб қайси фаслнинг, қайси ойи эканлигини топасизлар.

Агар болалар ойларнинг номини топишга қийналмасалар, ой неча кундан иборат эканлигини ҳам сўраш мумкин.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Биз бугун нимани ўргандик?
2. Бир йилда неча фасл бор?
3. Ҳар бир фаслда неча ой бор?
4. Бир йилда неча ой бор?
5. Ҳозир йилнинг қайси ойи?
6. Қайси ойларнинг номи сизнинг эсингизда қолди?
7. Ойларнинг номини айтиб беринг.
8. Тақвимдан нималарни билиб олишимиз мумкин?

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

### **37-МАШҒУЛОТ СОН ВА САНОҚ**

**Мавзу: 20 гача бўлган сонлар билан таништириш  
ва тартиб билан санашга ўргатиш**

**Мақсад:**

- Болаларга 20 гача санашни ўргатиш.

**Кутилаётган натижа:**

- Болалар 20 сони ичида тартиб билан санашни ўрганадилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Китоблар -20 та
- Копток

Рақамлар ёзилган ва баъзи рақамлар тушириб қолдирилган жадваллар

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, сизлар билан нечагача санашни ўрганган эдик?

**Болалар:** – 15 гача

**Тарбиячи:** – Тўғри, болажонлар, биз 15 гача санашни ўрганиб олганмиз. Бугун сизлар билан 20 гача санашни ўрганимиз. Болажонлар, эътибор берган бўлсангиз менинг столимга кўн китоблар қўйилган. Ҳозир биргаликда санаб кўрамиз, неча китоб бор экан?

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15 та китоблар бор экан.

15 та китобга яна битта китоб қўшсак, 16 та бўлади.

Ҳаммамиз биргаликда айтаемиз, 15 та китобга яна битта китоб қўшсак 16 та бўлади. 16 та китобга яна битта китоб қўшсак 17 та бўлади. 16 та китобга яна битта китоб қўшсак неча бўлар экан? (*Болалар жавоби*) Тўғри, 17 та бўлар экан. 17 та китобга битта китоб қўшсак, китобларимиз сони 18 та бўлади. 18 та китобга яна битта китоб қўшамиз ва китобларимиз 19 та бўлади. 19 та китобга яна битта китоб қўшсак 20 та бўлади. Энди китобларимизнинг ҳаммасини яна бир марта санайемиз:

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20.

Китоблар неча экан?

**Болалар:** – 20 та.

Болалар билан биргаликда бир неча марта 20 гача санаб ўрганилади. Сўнг тарбиячи болаларни 16 дан 20 гача бўлган рақамлар билан таништиради.

**Билимларни мустақкамлаш учун ўйинлар:** “Давомини санаиш”

**Ўйиннинг мақсади:** сонларнинг натурал қатори тартибга амал қилишга, тўғри санашга, хотира, диққатни ривожлантиришга ёрдам беради.

Ўйинда коптокдан фойдаланилади. Болалар ярим доира ёки доира бўлиб турадилар. Доиранинг ўртасида ўйинни олиб борувчи туради. Тарбиячи ўйин бошланишидан ол-



дин болалар билан улар тўғри тартибда 1 дан 20 гача санашларини келишиб олади.

1-вариант. Тарбиячи 1 сонини айтиб, болалардан бирига коптокни отади. Коптокни илиб олган бола кейинги сонни айтади ва коптокни тарбиячига қайтаради. Тарбиячи кейинги сонни айтади ва 2-болага коптокни отади. 2-бола кейинги сонни айтиб, коптокни тарбиячига қайтаради. Шу тарзда 1 дан 20 гача санайдилар.

2-вариант. Болалар коптокни бир-бирларига отадилар ва ҳар бир бола тўғри тартибда битта сонни айтади. Саноқ 20 гача давом этади.

Ўйин тезлик темпида ўтади ва барча болаларнинг унда иштирок этишига имкон бериш учун шунча марта қайтарилади. Болаларга бериладиган топшириқлар уларнинг билим ва малакаларига қараб белгиланади. Масалан: 10 ёки 20 гача тўғри ёки тескари санаш, айтилган сондан олдингиларини ёки кейингиларини айтиш.

**“Қочиб кетган сонлар” ўйини.**

Ўйиннинг мазмуни: Тарбиячи доскага катагида тушириб қолдирилган сонларни қўйиш учун тайёр жадвалларни навбат билан қўяди. Жадвалларда сонлар 1 дан 20 гача бўлади.

Болалар саноқ тартибига мувофиқ керакли сонни қўйиши керак.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, бу ерда ҳар бир сон ўзининг уйчасида яшайди. Эътибор берган бўлсангиз баъзи бир уйчалар бўш. Улардаги сонлар қочиб кетган. Булар қайси сонлар? Ўйлаб кўринг ва қочиб кетган сонларни ўз уйларига қайтаринг.

Болалар сонларни топиб тўғри тартибда қўйиб чиқадилар.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Биз бугун нечагача санашни ўргандик?
2. 15 каттами 20 ми? 19 дан кейин қайси сон келади?
3. 14 ва 16 сонларининг орасида қайси сон бор?
4. 16 ва 18 сонларининг ўртасида қайси сон бор?
5. 18 дан олдинги ва кейинги сонни айтинг?

6. “Давомини сананг” ўйинида қайси сонларни айтдингиз?

7. Сонлар жадвалида 1 дан нечагача сонлар ёзилган?

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## 38-МАШҒУЛОТ МИҚДОР (КАТТАЛИК)

**Мавзу:** Шартли ўлчов ёрдамида нарсаларнинг бўйи ва энини ўлчашни ўргатишни давом эттириш

**Мақсад:**

- Болаларга шартли ўлчов ёрдамида нарсаларнинг энини ва бўйини ўлчашни ўргатиш.

**Қутилаётган натижа:**

- Болалар ҳамма нарсани ҳам маълум ўлчов билан ўлчаш мумкинлигини билиб оладилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Стакан, қошиқ, картондан тасма ва бошқалар.
- Лента
- Қоғоздан ёки картондан тасма
- Тўғри тўртбурчак шаклидаги қоғоз ва геометрик шакллар
- Арқон, тасма, маркер

**Машғулотнинг бориши:**

Стол устида турли хил предметлар туради: стакан, қошиқ, картондан тасма ва бошқалар.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, олдинги машғулотлардан бирида стакан билан нимани ўлчадик? (*Болалар жавоби*) Тўғри болажонлар, сувни ўлчадик. Пиёла билан нимани ўлчадик? Мошни ўлчадик.

Стол устидаги буюмларга эътибор беринг, бу буюмларни бир сўз билан нима деб аташ мумкин? Болажонлар, буларни **шартли ўлчов** дейишимиз мумкин.

Келинглр, болалар, лентани ўлчаб кўраимиз. Уни нима билан ўлчашимиз мумкин? Болалар, лентани тасма билан ўлчашимиз мумкин. Лентани ўлчаб бўлишгач, стол юзини ўлчашади. Тарбиячи болаларга столнинг четидан ўлчаш

қулайроқ эканлигини тушунтиради. Картон тасма тугаган жойдан ўлчаш лозимлигини таъкидлайди.

#### **Болалар учун амалий иш.**

Тарбиячи болаларга стол устида турган қоғознинг эни ва бўйини ўлчашни таклиф этади ва ўлчов ҳисобини билиш учун фишкалар билан белгилашни эслатади. Қоғозни ўлчаш учун 3 хил узунликдаги 3 та тасма берилади. Болалар ҳар бири мустақил равишда қоғозни хоҳлаган узунликдаги тасма билан ўлчаб кўрадилар ва қайси тасма билан ўлчаганда нечта тасма бўлганлигини айтадилар.

#### **Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Тортишмачоқ”**

Болалар 2 гуруҳга бўлиниш учун 1 ва 2 сонини навбат билан айтадилар. 1 сонини айтганлар 1-гуруҳ, 2 сонини айтганлар 2-гуруҳ бўлиб бирлашадилар. Полга чизиқ чизилади, чизиқнинг бир томонида 1-гуруҳ, иккинчи томонида 2-гуруҳ болалари турадилар. Уларга битта арқон берилади, арқоннинг 3 та жойига қизил ранг билан белги қўйилган бўлади- ўртадаги белги полдаги чизиқнинг устида туриши керак, қолган икки белгидан бошлаб 2 гуруҳ болалари арқонни ушлайдилар. Арқоннинг ўртасини топишда тарбиячи болалар билан арқонни ўртасидан буклайди ва ўртасини белгилайди, яна иккита белгини қўйиш учун махсус тасма ёрдамида арқонни ўлчайдилар ва келишган ҳолда маълум ўлчов бирлигида белги қўядилар.

Тарбиячининг сигнали билан 2 гуруҳ арқонни икки томонга тортади. Қайси гуруҳ арқонни кўпроқ тортиб олса, ўша гуруҳ ғолиб бўлади, бунда ютқизган гуруҳ болаларидан 2 таси чизиқдан ўтиб кетиши керак. Ўйин бир неча марта такрорланиши мумкин, агар битта гуруҳ ғолиб бўлаверса, гуруҳлар қайтадан ҳосил қилинади.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Биз нималарни ўлчадик?
2. Биз столнинг бўйи ва энини нима билан ўлчадик?
3. Арқоннинг белгиларини нечта тасмага тенг қилиб қўйдик?

4. Қоғознинг бўйи нечта тасма чиқди?
5. Қоғознинг эни нечта тасма чиқди?
6. Биз нималарни шартли ўлчов қилиб олдик?

Машғулот якунида болаларни ширин сўзлар билан рафбатлантириш.

## 39-МАШҒУЛОТ ФАЗОВИЙ ТАСАВВУР

### Мавзу: Катак қоғозда кўпбурчаклар чизиш

#### Мақсад:

• Болаларнинг катакли дафтар варағида кўпбурчак шаклларини ҳосил қила олиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

#### Кутилаётган натижалар:

• Болалар катакли дафтар варағида кўпбурчак чиза олишни ўрганадилар.  
• Болаларнинг майда қўл моторикаси ривожланади.

#### Керакли жиҳозлар:

• Катакли дафтар, ручка ёки қалам, бўр.

#### Машғулотнинг бориши:

**Тарбиячи:** – Болажонлар, биз олдинги машғулотларимизнинг бирида дафтар варағига қандай қилиб турли геометрик шакллар чизишни билиб олган эдик.

Болалар, ручкани қандай ушлаш керак экан? Варақнинг қайси томонидан бошлаб чизамиз? Чизиқ чизишда бизга варақдаги катаклар ёрдам берадими?

Болалар, бугун биз жуда ҳам қизиқарли шаклларни – кўпбурчакларни чизамиз. Кўпбурчак геометрик шакллар ичида томонларининг, бурчакларининг кўплиги билан ажралиб туради. Кўпбурчак чизиш учун биз яна ҳам ақлли, эпчил бўлишимиз керак. Чунки чизиқлар чизиш учун катакларнинг орасидан ўзимиз мустақил тўғри чизиқлар тортишимизга тўғри келади. Бу ишни сизлар албатта удалайсизлар.

Мен ҳозир сизларга варақда турли кўпбурчакларни қандай чизиш кераклигини тушунтириб бераман. Ручкани ўнг қўлимга ушлайман ва кўпбурчакларни чизаман.



### Болалар учун амалий иш.

Тарбиячи болаларга кўпбурчак шаклини ҳавода ҳосил қилдириб кўради. Болалар тарбиячининг топширигини эшитиб бажарадилар. Сўнг тарбиячи болаларга шаклни дафтарнинг қасридан бошлаб чизишни кўрсатиб туради, болалар катакларни санаб нуқталар қўядилар ва шу нуқталарни бирлаштирадилар. Болаларнинг ишни мустақил бажаришларига эътибор берилади, ишни охиригача бажаришлари шарт. Агар бола тўла тушуна олмаса, хатога йўл қўйса унга бироз ёрдам бериш зарур, лекин чизишни ўзи тугатиши керак.

### Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Варраклар”

**Тарбиячи:** – Келинглар, болалар, энди ҳовлига чиқиб ўйин ўйнаймиз. Сизларга чизиш учун бўр бераман. Асфальтга ёки ерга варрак расмини чизамиз. Варракларни чизишда кўпбурчак шаклларида фойдаланамиз. Қани кимнинг варраги чиройли чиқар экан.



Болалар кўпбурчаклар асосида ерга варрак расмини чизадилар. Ўйин якунида тарбиячи ва болалар биргаликда расмларни кўриб чиқадилар.

### Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Сиз чизган варракда нечта бурчак бор?
2. Сиз чизган варракдаги кўпбурчакнинг нечта томони бор?

3. Варрак баландроқ учиши учун яна нималар чизиш мумкин?

4. Кўпбурчак билан овалнинг фарқини айтиб беринг.

Машғулот давомида ва якунида болаларни рағбатлантириш.

## 40-МАШҒУЛОТ ВАҚТ ҲАҚИДА ТАСАВВУР

**Мавзу:** Йил тақвими ҳақидаги билимларни  
муштаҳкамлаш

**Мақсад:**

- Болаларнинг йил тақвими ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш.

**Кутилаётган натижа:**

- Болалар йилнинг 12 ойга, ойларнинг ҳафталарга ва кунларга бўлинишини билиб оладилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Йил тақвими

- Катак дафтар (ҳар бир болага), рангли қаламлар

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, сизларга бир эртақ айтиб берайми? Эртагим Йил бобо ҳақида. Қадим замондан Йилбобо яшаб келар экан. Унинг 364 та сеҳрли таёқчаси бор экан. Йилбобо ҳар куни 1 тадан сеҳрли таёқчасини силкитиши керак экан. Нимага дейсизларми? Чунки сеҳрли таёқча силкитиши билан янги кун бошланар экан. Йилбобо барча таёқчаларини силкитиб бўлганидан кейин 1 йил тугаганини билар экан. Янги йилдан яна ҳар куни таёқчаларини силкитишни давом эттирар экан. Йилбобонинг борган сари ёши улғайиб борар экан.

Йилбобонинг 12 та фарзанди бор экан. Улар оталарига ёрдам бермоқчи бўлиб, шундай дейишибди: – Отажон, сиз чарчаб қоляпсиз, келинг, биз сизга ёрдам берайлик, таёқчаларингизни бизга бўлиб беринг, биз уларни ҳар куни навбат билан силкитиб борамиз.

Йилбобо фарзандларидан жуда хурсанд бўлибди. 1-фарзандининг исми – март экан (шарқ тақвими бўйича), 2–апрел, 3–май, 4–июн, 5–июл, 6–август, 7–сентябр, 8–октябр, 9–ноябр, 10–декабр, 11–январ, 12–феврал. Барчасига 30 ёки 31 тадан таёқча берибди, лекин энг кичигига бошқаларга нисбатан озроқ таёқча тегибди. Шундай қилиб Йилбобога фарзандлари ёрдам беришни бошлабдилар.

Болалар, “сеҳрли таёқчалар” нима эканлигини билиб олдингизми? Сеҳрли таёқча бизнинг бир кунимиз экан.

Мана бу тақвимда Йилбобонинг 12 та фарзандининг исми ёзилган – булар ойлардир, уларнинг нечта сеҳрли таёқчаси – кун борлиги рақамлар билан ёзиб қўйилган. Одамлар тақвимга қараб бугун қандай кун ёки келгуси ой неча кун экан, деб билиб оладилар. Тақвимга қараб қайси кун нима иш қилишни белгилаб ҳам боришади.

#### **Болалар учун амалий иш.**


Болалар столига ҳар бир боланинг катак дафтари ва рангли қаламлар қўйилади.

**Тарбиячи:** – Келинлар, болалар, биз ҳам ҳар биримиз тақвим яратамиз. Варағимиз чап томонидан 6 та катак санаб белги қўямиз. Юқори томонидан пастга 10 та катак санаб белги қўямиз. Худди шу белгидан яна пастга қараб 10 та катак санаб белги қўямиз. Юқоридаги 1-белгидан ўнг томонга 10 та катак санаб белги қўямиз ва худди шу белгидан яна ўнг томонга 10 та катак санаб белги қўямиз. Худди шу белгидан пастга қараб 10 та катак санаб белги қўямиз ва яна 10 та катак санаб белги қўямиз. Худди шу белгидан чап томонга 10 катак санаб белги қўямиз ва белгиларни бирлаштириб чизиқ тортамыз. Сўнг квадратимизнинг ўртасини аниқлаб белги қўямиз. Катта квадратдан 4 та кичик квадрат ҳосил қилиш учун ўртадаги нуқта ва томонлар ўртасидаги нуқталар бирлаштирилади. Натижада 4 та квадрат ҳосил бўлади – буларни фасллар деб ҳисоблаймиз. Мана шу кичик квадратларнинг ҳар бирига 3 тадан овал шаклини чизамиз – булар ойлар бўлади. Овал шакллари-ойларни ҳам рақамлар билан белгилаб чиқамиз.

Энди уларни рангли қаламда бўяймиз. Баҳорни қайси рангда тасвирлаймиз? (*Болалар жавоби*) Тўғри, яшил ранг-

да тасвирлаймиз. Ёзни – сариқ рангда, кузни – тўқсариқ ва қизил рангда тасвирлаймиз, қиш – оқлигича қолади, бўямаймиз. Агар хоҳласангиз ойларни, яъни овалларни ҳам хоҳлаган рангга бўяб чиқишингиз мумкин. Мана болалар тақвим (календар) ҳам тайёр бўлди, уни яратишда қийналмадингизми?

Сизга ўзингиз ясаган тақвим ёқдими? Келинглар, ясаган тақвимларимизни “Йил фасллари” бурчагига илиб қўямиз ва ҳар ойни белгилаб борамиз.



34-расм.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Йилбобонинг нечта фарзанди бор экан?
2. Йилбобонинг сеҳрли таёқчаси нимани билдирар экан?
3. Бир йилда нечта фасл бор?
4. Катта квадратни нечта кичик квадратга бўлдик ва нима деб ҳисобладик?
5. Битта кичик квадрат ичига нечтадан овал шакли чиздик?
6. Нима учун кичик квадратнинг ҳар бирига 3 тадан овал шаклини жойлаштирдик?
7. Бир фаслда нечта ой бор?
8. Овал шаклларининг ҳаммаси нечта?

Машгулот давомида ва якунида болаларни рағбатлантириш.



## 41-МАШҒУЛОТ СОҢ ВА САНОҚ

### Мавзу: Арифметик масала тузиллиши билан тавиштиришни давом эттириши

#### Мақсад:

- Болаларга арифметик масаланинг шартини ва саволини тўғри тузишни ҳамда масаланинг жавобини тўғри топишни ўргатиш.

#### Кутилаётган натижалар:

- Болалар масала ва ҳикоянинг фарқини билиб оладилар.
- Болаларда масаланинг шартини ва саволини тўғри тузиш ва жавобни тўғри топиш кўникмалари ривожланади.

#### Керакли жиҳозлар:

- Турли шакллар, мевалар, сабзавотлар, ўйинчоқлар тасвирланган расмли карточкалар.

#### Машғулотнинг бориши:

**Тарбиячи:** – Болажонлар, сиз масала тузиш ва масаланинг жавобини топишни ўрганиб олганмиёиз? Ҳозир буни синаб кўрамиз? Мен сизларга масала айтаман, сизлар масаланинг шартини ва саволини айтасизлар, сўнг жавобини топасизлар.

“Салимада 5 та китоб бор. Ҳикмат унга яна 1 та китоб совға қилди. Салиманинг китоблари нечта бўлди?” Мен тузган масаланинг шартини айтинг. *(Болалар жавоби)* Тўғри, болажонлар, – “Салимада 5 та китоб бор, Ҳикмат унга яна 1 та китоб совға қилди” – бу масаланинг шартини. Энди масаланинг саволини айтинг. *(Болалар жавоби)* Тўғри, болажонлар, масаланинг саволи – “Салиманинг китоблари нечта бўлди?” Энди масаланинг жавобини топинг, масаланинг жавобини топиш учун нима қилиш керак? *(Болалар жавоби)* Тўғри, 5 та китобга 1 та китобни қўшиш керак. Масаланинг жавоби – Салиманинг китоблари ... (6 та) бўлди.

Болажонлар, сизларни яна бир синаб кўраман: Акаси Жамолбекка бир нечта ёнғоқлар берди, опаси ҳам берди. Мен нима ҳақда гапирдим? Мен масала туздимми? Мен ҳикоя айтдим. Менинг ҳикоямда сонлар борми? Бу ҳикояда савол борми?

Болажонлар, диққат билан эшитинг: Акаси Жамолбекка 11 та ёнғоқлар берди, опаси ҳам 5 та ёнғоқ берди. Жамолбекнинг ёнғоқлари нечта бўлди? Бу нима? Бу масалами, буни қандай билдингиз? (*Болалар жавоби*) Тўғри, болажонлар, энди мен масала туздим, масала ҳикоядан нимаси билан фарқ қилади? Ҳикояда акаси ва опасининг Жамолбекка нечта ёнғоқ берганлиги айтилмаган эди. Масалада бўлса, акасининг 11 та ёнғоқ берганлиги, опасининг 5 та ёнғоқ берганлиги айтилган. Масалада 2 та сон бор. Ҳикояда бирорта сон ҳам, савол ҳам йўқ. Масалада савол бор. Биз бу масалани еча оламизми? Мен тузган масаланинг шартини ва саволини айтинг. Шартида нечта сон қатнашган? Энди жавобини айтинг.

Болажонлар, энди сизлар ҳам масала тузинг.

**Болалар учун амалий иш.**

Ҳар бир бола масала тузади, бошқа болалар масаланинг шартини, саволини ва жавобини топадилар.

**Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Ким тўғри масала тузади ва ечади?”**

Болалар бир қатор бўлиб турадилар, сўнг 1, 2 сонларини навбат билан айтиб икки гуруҳга бўлинадилар ва 2 та стол атрофига бориб ўтирадилар. Икки гуруҳга ҳам расмлар карточкалар (ёки турли ўйинчоқлар) берилади. Расмлар карточкаларда турли шакллар, мевалар, сабзавотлар, ўйинчоқлар тасвирланган бўлади. Масалан, биринчи ликобчада 4 та олма, иккинчи ликобчада 3 та олма – болалар мана шу тасвирга қараб масала тузадилар. Масала: Битта ликобчада 4 та олма бор, иккинчи ликобчада 3 та олма бор. Ҳамма олмалар нечта?

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Қўйидаги масалаларнинг шартини, саволини айтинг ва жавобини топинг.

• Дарахтда 15 та нок бор эди. Камол 5 тасини узиб олди. Дарахтда нечта нок қолди?

• Улуғбек легодан 5 та машина, 8 та бино ясади. Улуғбек легодан ҳаммаси бўлиб нечта нарсга ясади?

- Жамолбекнинг 15 та кубики бор эди, онаси яна 5 та кубик олиб берди. Жамолбекнинг кубиклари нечта бўлди?

- Салимда 20 та қалам бор эди, 8 тасини Камолга берди. Салимда нечта қалам қолди?

2. Масала нимаси билан ҳикоядан фарқ қилади?

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## 42-МАШҒУЛОТ ГЕОМЕТРИК ШАКЛЛАР

**Мавзу: Ромб шакли билан таништириш**

**Мақсад:**

- Болаларда ромб шакли ҳақида тасаввур ҳосил қилиш.

**Кўтиляётган натижа:**

- Болалар ромб шакли ҳақида билиб оладилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Тарбиячи учун катта ўлчамда квадрат, тўғри тўртбурчак ва ромб шакллари 1 тадан

- Болалар учун кичик ўлчамда квадрат, тўғри тўртбурчак ва ромб шакллари 1 тадан (конвертга солинган бўлади)

- Оқ қоғоз ва рангли қаламлар

- Квадрат, тўғри тўртбурчак ва ромб шаклидаги медальонлар

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, сизлар билан қандай геометрик шакллارни ўрганганмиз? (*Болалар жавоби*) Тўғри, сизлар билан доира, квадрат, учбурчак, тўғри тўртбурчак, олтибурчак, бешбурчак, саккизбурчак шакллари ҳақида гаплашганмиз.

Болажонлар, квадрат, учбурчак, тўғри тўртбурчак, олтибурчак, бешбурчак, саккизбурчак шаклларини бир сўз билан қандай ифодалашимиз мумкин? (*Болалар жавоби*) Тўғри, уларни бир сўз билан кўпбурчаклар дейишимиз мумкин. Бугун болажонлар, сизларга яна битта янги шаклни

олиб келдим. Бу шакл ҳам кўпбурчакларга ўхшайди, мана қаранглар бу шакл қайси шаклларга ўхшаб кетади? (*Болалар жавоби*)

Тўғри, болажонлар, бу шакл квадарт ва тўғри тўртбурчакка ўхшаб кетади, қани болажонлар, айтингларчи, қандай ўхшаш жиҳатлари бор? (*Болалар жавоби*)


Тўғри, бу шаклнинг ҳам 4 та бурчаги ва 4 та томони бор, лекин унинг озгина фарқ қиладиган жиҳатлари ҳам бор, бурчакларининг 2 таси учли, 2 таси бўлса унчалик учли эмас, шунинг учун бу шакл ўз номига эга. Бу шакл **ромб** дейилади.

**Болалар учун амалий иш.**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, столдаги конвертни очинглар, конвертда нима бор экан? Конвертда тўғри тўртбурчак, квадрат ва ромб шакллари бор. Бу шакллари олиб бир-бирининг устига қўйиб фарқини кўриб чиқамиз. Биринчи бўлиб тўғри тўртбурчакни кўриб чиқамиз ва столга қўямиз. Унинг устига квадратни қўямиз. Энди уларнинг устига ромбни қўямиз. Бу 3 та шаклнинг ҳам 4 та томони ва 4 та бурчаги бор, лекин улар бир-биридан томонларининг узунлиги ва бурчакларининг кўриниши билан фарқ қилади.

Энди столдаги оқ қоғоздан бирини оламиз ва ромб шаклини мана шу оқ қоғозга қўйиб четидан қаламда чизамиз. Хоҳласангиз 2 та ромб чизишингиз мумкин, иккисини ўзингиз мустақил чизинг.

*35-расм.*



Болалар ромбларни чизиб бўлганларидан сўнг хоҳлаган рангга бўяйдилар.

**Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Кластер”.**

Тарбиячи болаларга тўғри тўртбурчак, ромб ва квадрат шаклидаги медальонлардан биттадан бериб чиқади.

Полда катта ромб, унинг атрофига кичик ромблар, катта тўғри тўртбурчак – унинг атрофида кичик тўғри тўртбурчаклар, катта квадрат – унинг атрофида кичик квадратлар чизилган бўлади.

Агар тарбиячи “Шакллар юришибди” деса, болалар юришади, “Шакллар катта уйга” деса, кимда қандай шакл бўлса, худди шундай катта шаклнинг ичига йиғилинади. “Шакллар 2 тадан бўлиб терилди” дейилса, катта шаклдан чиқиб 2 қатор бўлиб терилишади. “Ромблар кичик уйга” дейилса, ромб шаклини таққан болалар кичик ромб шаклларига туриб олишлари керак. “Шаклларни алмаштиринглар” дейилса, болалар шаклларни алмаштиришади. Болалар хоҳлаганларича ўйинни давом эттириш мумкин.

**Болаларнинг билимини ошириш ва мустақамлаш учун саволлар:**

1. Ромб шаклининг нечта томони бор?
2. Доира шаклининг нечта бурчаги бор?
3. Ромб шаклининг нечта бурчаги бор?
4. Тўртбурчак шаклининг нечта бурчаги бор?
5. Тўғри тўртбурчак, квадрат ва ромб шаклларининг ўхшаш жиҳатларини айтинг.
6. Тўғри тўртбурчак, квадрат ва ромб шаклларининг фарқларини айтинг.

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

### **43-МАШҒУЛОТ ФАЗОВИЙ ТАСАВВУР**

**Мавзу: Ўзига нисбатан нарсаларнинг жойлашувини аниқлаш**

**Мақсад:**

- Болаларга ўзига нисбатан нарсаларнинг қаерда жойлашганлигини аниқлаш малакасини сингдириб бориш.

**Кутилаётган натижа:**

• Болалар нарсаларнинг ўзига нисбатан жойлашувини аниқлашни ўрганадилар.

**Керакли жиҳозлар:**

• Турли ўйинчоқлар

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болалар, сизларга бир воқеани айтиб берайми? Чумолини биласизлар-а? Бир чумоли ўртоқлари билан кетаётган экан. Улар кўлмак бўйлаб ўз уяларига дон қишга озиқ-овқат ташиб кетаётган эканлар. Бизнинг чумоли бирданига кўлмак сувига тушиб кетибди. Ўртоқлари тўхтаб уни қутқаришни маслаҳат қилишибди. Бизнинг чумоли бир хашакка маҳкам ёпишиб олиб кўлмак ўртасида қолиб кетибди. Мен ҳозир сизларга кўлмакни ва чумолини чиқиб кўрсатаман. Кўлмакнинг ўнг томонида тош бор экан, чап томонида эса ўсиб турган майса бор экан. Олдинда катта барг бор экан. Кўлмакнинг орқа томонида эса узун новда бор экан. Чумоли кўлмакдан кутулиш учун, ўзига нисбатан энг яқин турган нарсани мўлжаллаб, ўша томонга сузиб бормоқчи бўлибди.

Болалар, қаранглар, чумолига энг яқин турган нарсани биз ҳам аниқлайликчи. Шундай қилиб чумоли ўртоқлари ёрдамида кўлмакдан чиқиб олибди.

Тарбиячи шу тарзда тушунтиришни давом эттиради.

**Болалар учун амалий иш.**

Тарбиячи болаларни хонанинг ҳар томонига битталаб жойлаштириб чиқади. Ҳар бир бола атрофидаги нарсалар, ўртоқларининг ўзига нисбатан жойлашувини аниқлаб айтиб берадилар.

– Менинг ўнг томонимда Сардорбек, Нозимахон турибди. Сардорбек яқинроқ. Нозимахон узоқроқ жойда турибди. Чап томонимда Робия ва Мадина турибди. Олдимда доска бор. Орқа томонимда эшик бор. Ўнроқда шкаф бор, чапроқда дераза бор, деб нарсаларнинг ўзига нисбатан жойлашувини айтиб берадилар. Товшириқларни қизиқарли қилиш учун хонанинг турли жойларига ўйинчоқлар қўйиб чиқилади.

**Ҳаракатли ўйин:**

- Биз биламиз ўзимиз, (Болалар икки кўзини  
Қайда икки кўзимиз. кўрсатадилар).
- Чап-чап-чап, (Чап кўзини кўрсатади),  
Ўнг-ўнг-ўнг. (Ўнг кўзини кўрсатадилар).
- Ширмой нондек ва ойдек, (Болалар икки юзини  
Бизнинг икки юзимиз. кўрсатадилар).
- Чап-чап-чап, (Чап юзини кўрсатадилар),  
Ўнг-ўнг-ўнг. (Ўнг юзини кўрсатадилар).
- Гўё учқур сайёҳлар, (Болалар оёқларини  
Бизнинг икки оёқлар. кўрсатадилар).
- Чап-чап-чап (Чап оёқларини  
кўрсатадилар),  
Ўнг-ўнг-ўнг (Ўнг оёқларини  
кўрсатадилар).
- Анча кучга тўлибмиз, (Қўлларини ҳаракат  
Қаранг кучли қўлимиз. қилдирадилар).
- Ўнг-ўнг-ўнг, (Ўнг қўлни кўрсатадилар),  
Чап-чап-чап. (Чап қўлни кўрсатадилар).
- Энди сизга ўртоқлар. (Болалар хайр ишорасини  
"Хайр", – дейди бармоқлар. қиладилар).
- Ўнг қўлда, ўнг қўлда
- Машғулот якунида болалар рағбатлантирилади.

#### 44-МАШҒУЛОТ ВАҚТ ҲАҚИДА ТАСАВВУР

**Мавзу:** Соат ва унинг турлари билан таништириш

**Мақсад:**

- Болаларга соат ҳақида тушунча бериш.

**Кутилаётган натижа:**

- Болалар соатнинг вазифасини билиб оладилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Соат.
- Оқ қоғоз, саноқ чўплари, доира шакли, қалам.
- Кесма рақамлар, бўр.

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, вақт қандай қисмлардан иборат? Тўғри вақт йилларга, ойларга, кунларга бўлинади. Кунларимиз – эрталаб, кундузи, кечқурун, тунга бўлинади.

Болажонлар, ҳар бир дақиқамиз ҳам ҳисоблаб борилишини биласизларми? Бунга биз соат ёрдамида ҳисоблаймиз. Барчангизнинг уйингизда соат бор. Соатнинг қандай овоз чиқаришини биласизларми? Соатлар ҳар хил кўринишда бўлади. Уларни уйнинг деворига илиб қўйиш мумкин, стол устига қўйиб қўйиш мумкин, билагимизга тақиб юришимиз ҳам мумкин. Соатлар турли шаклларда бўлади. Ким айтади, соатлар қандай шаклларда бўлади? (*Болалар жавоби*) Тўғри, соатлар – доира, овал, тўртбурчак, кўпбурчак шаклларда бўлади.

Нима учун соатлардан овоз чиқади? Соатларнинг ичига механизм ўрнатилган. Мана шу механизм овоз чиқаради. Агар соатдан овоз чиқиб турмаса, у ишламаётган бўлади. Соатнинг юзи ойна билан қопланган. Эътибор берган бўлсангиз соатда рақамлар ёзилган. Рақамларни мен кўрсатаман, сизлар биргаликда қайси сон эканлигини айтинглар. Бу ерда неча рақам ёзилган экан? (*Болалар жавоби*) Тўғри болажонлар 1 дан 12 гача сонлар ёзилган. Бу рақамларни 2 га кўрсаткич кўрсатиб турибди. Кўрсаткичлар секин ўрнидан силижиб ва вақтни кўрсатиб туради. Биз кўрсаткич кўрсатиб турган рақамга қараб соат неча бўлганини билиб оламиз. Бир суткада бу кўрсаткичлар соатнинг юзи бўйлаб 2 марта айланиб чиқади.

Тарбиячи шу тарзда тушунтиришни давом эттиради.

#### **Болалар учун амалий иш.**

Болалар столига ҳар бир бола учун доира шакли (картондан), оқ қоғоз, ручка ёки қалам ва саноқ чўпи қўйилади.

**Тарбиячи:** – Болалар, олдингизда турган оқ қоғозда соат тасвирини ҳосил қиласиз. Оқ қоғознинг ўртасига картондан қирқилган доира шаклини қўйиб четларидан қалам билан юргизиб чиқинг ва доира шаклини четга олиб қўйинг. Мана оқ қоғозимизда доира шакли ҳосил бўлди, бу доирани қайчи билан қирқамиз. Энди доирани олиб тенг 2 га буклаймиз, яна буклаймиз. Доирамизни текислаб кўрамиз. Қоғозда 4 та чизиқ ҳосил бўлди. Ҳар бир чизиқ оралигини



кўз билан чамалаб 2 та нуқта қўйиб чиқамиз, шунда ҳар бир чизиқ оралиғи 3 га бўлинади. Нуқталар оралиғи тенг бўлсин. Ўнг томондан юқоридаги нуқтага 1 рақамини ёзамиз, ундан кейинги нуқталарга 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12 рақамларини ёзиб чиқамиз. Соатнинг кўрсаткичсини саноқ чўпдан ёки қоғоздан қирқиб қилишимиз мумкин. Мана соатимиз ҳам тайёр бўлди. Болаларнинг иши «Вақтни ўрганамиз» деб номланган бурчакга қўйилади.

#### **Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин:**

Тарбиячи доира шаклини чизади ва шаклга битта рақамни қўяди. Болалар соатнинг қолган рақамларини ўз ўринларига қўйишлари керак. Ўйинда болалар 2 гуруҳга бўлиниб навбат билан ўйнашлари мумкин.

#### **Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Соат нима учун керак?
2. Соат ёрдамида биз нимани биламиз?
3. Соатда қайси рақамлар ёзилган?
4. Соатлар қандай шаклларда бўлади?
5. Соатдаги рақамларнинг ўрнини алмаштириб қўйиш мумкинми?
6. Бугун биз нимани ўргандик?
7. Ҳозир соат неча бўлди?

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

### **45-МАШҒУЛОТ СОН ВА САНОҚ**

**Мавзу: 20 гача бўлган ҳар бир сонни биттага орттириш ва камайтиришга ўргатиш**

#### **Мақсад:**

• Болаларда 20 гача бўлган сонларни биттага орттириш ва камайтириш малакасини ҳосил қилиш.

#### **Қўтилаётган натижа:**

- Болалар 20 гача бўлган сонлар орасидаги муносабатларни тушуниб оладилар (масалан, 12 сони 11 сонидан 1 тага ортиқ, 11 сони 12 сонидан 1 та кам).

**Керакли жиҳозлар:**

- Магнитли доска, 20 та олма, 20 та нок
- Саноқ тахтчаси, учбурчак ва доира шакллари
- 2 та обрuch, 40 та копток солинган қути, 1 дан 20 гача рақамлар

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Келинглр, болалар, мана бу магнит доскасидаги олмаларни санаб кўрамиз. (Болалар билан биргаликда саналади).


1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10-10 та экан. Яна битта олма қўйсам, олмалар нечта бўлади? (*Болалар жавоби*) Тўғри, 11 та бўлади. Олмалар 12 та бўлиши учун нечта олма қўйишим керак? Тўғри, 11 та олмага 1 та олма қўшсам, 12 бўлади. 12 та олмага яна битта олма қўшсам, олмалар нечта бўлади? Тўғри, энди олмалар 13 та бўлди. (Шундай қилиб тарбиячи олмалар сонини биттага орттириб 20 тага етказди). Мана олмалар 20 та бўлди.

Энди нокларни санаб қўйиб чиқамиз (ноклар ҳам олмалар каби 10 гача саналади ва 10 дан кейинги сонлар битта-лаб санаб қўшиб борилади). Ноклар ҳам 20 та экан. Олмалар ва нокларнинг сони тенг бўлди. Нокнинг биттасини олиб қўйсам нечта қолади. 19 та қолади. Олмалар нечта? Ноклардан битта кўп – 20 та. Шундай қилиб тарбиячи ноклар ва олмалар сонини биттадан камайтириб 10 тага етказди. Кейин яна биттадан орттириб 20 тага етказилади.

**Болалар учун амалий иш.**

Болаларга саноқ тахтчаси берилади. Тахтчачада 2 қатор қилиб учбурчак ва овал шакллари 10 тадан терилади.

36-расм.



Тарбиячининг топшириғи билан ҳар бир қатордаги шакллар бир-бирига нисбатан биттадан орттирилиб ва камайтирилиб борилади.

Амалий иш охирида шакллар 20 тага етказилади. Ҳар бир шакл рақам билан белгиланган бўлса янада тушунарли бўлади.

### **Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Ортиқ-кам”**

Тарбиячи болаларни 2 гуруҳга бўлиш учун 1, 2 сонларини навбат билан санашни айтади ва “Бир сонини айтганлар ўнг томонимга, 2 сонини айтганлар чап томонимга қатор бўлиб туринглар”, дейди. Болалардан 6 метр узоқликда обрuch ва ўйинчоқлар солинган қути мана шундай

○ □ ○ қўйилади.

Ўйин қойдаси: Тарбиячи 13 рақамини кўрсатиб “13 тадан битта ортиқ”, дейди. Икки қаторнинг бошида 1-турган болалар обрuchлар олдиға югуриб борадилар ва қутичадан 14 та ўйинчоқни санаб, обрuchнинг ичига қўядилар, орқаға қайтиб, қаторнинг охирида турадилар. Қаторда 2-турган болалар югуриб бориб ўйинчоқларни санаб қутиға соладилар ва тўғри ёки нотўғрилигини айтадилар, орқаға қайтиб қаторнинг охиридан турадилар. Тарбиячи кейинги рақамни айтиб, “битта кам”, дейди. Навбатдаги болалар топшириқни бажарадилар. Ўйин шу тарзда давом этади.

### **Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Менда 7 та қалам бор, Улуғбекда 8 та. Кимнинг қалами битта ортиқ, кимники битта кам?

2. Сизда 10 та олма бор, ўртоғингизда 9 та. Кимники битта ортиқ?

3. Менда 15 та ёнғоқ бор, сизда 16 та. Кимнинг ёнғоғи битта ортиқ, кимники битта кам?

4. Сизда 20 та қалам бор, ўртоғингизда 19 та. Кимники битта кам?

5. Дафтарлар 20 та, болалар 19 та. Болаларға биттадан дафтар берсак, ҳамма болаларға дафтар етадимми?

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## 46-МАШҒУЛОТ МИҚДОР (КАТТАЛИК)

**Мавзу:** Аниқ кўргазмали мисоллар асосида бутуннинг қисмдан катталлигини, қисмнинг бутундан кичиклигини фарқлаш

### **Мақсад:**

- Болаларга бир бутун нарсани қисмларга бўлганда кичик ҳолатга келишини ҳамда бутун-катта, қисмлар-кичик эканлигини тушунтириш.

### **Кутилаётган натижа:**

- Болаларнинг бутун ва қисм ҳақидаги тасаввурлари кенгайди.

### **Керакли жиҳозлар:**

- Катта ўлчамида учбурчак, тўғри тўртбурчак, квадрат шакллари

- ДВД, “Дутор” рақси куйи (ёки бошқа куй)

Болалар учун рангли қоғоздан учбурчак, квадрат, тўғри тўртбурчак шакллари, альбом варағи, қайчи, елим. Ижодий иш учун намуна.

### **Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болалар, қарангларчи, хонамизда қандай ўзгариш бўлибди. Қани, ким топа олади? (*Болалар жавоби*) Ҳа, хонамизга жуда ҳам катта шакллар: учбурчак, квадрат, тўғри тўртбурчак меҳмон бўлиб келибди. Улар сизларга “Ассалом-у алайкум” деб жилмайиб туришибди. Биз ҳам уларга “Ассалом-у алайкум” деймизми?

Нима учун улар бизнинг гуруҳга меҳмонга келишди экан-а, деб ҳайрон бўляпсизларми?

Улар бугунги машғулотимизда сизларга ёрдам беришмоқчи. Биз аввало улар билан танишиб олайлик ёки уларни танийсизларми? Ундай бўлса учбурчак ҳақида ким менга гапириб беради...


Болалар учбурчак, квадрат, тўғри тўртбурчак ҳақида гапириб берадилар.

**Тарбиячи:** – Болалар, энди менга диққат билан қараб туринглар. Ҳозир мен катта кўринишдаги қоғозни олиб дос-

кага қўяман. Кейин меҳмон бўлиб келган учбурчакни қоғоз устига қўяман ва учбурчакнинг ўртасидан чап қўлимда бо-сиб туриб ўнг қўлимдаги қалам билан учбурчакнинг четла-ри бўйлаб чизаман. Мана катта қоғозга учбурчакнинг рас-ми чизилиб қолди. Учбурчакни жойинга қўйиб, катта қоғоз-даги расмини қайчида қирқиб оламан. Қийиб олган учбур-чагимни меҳмон учбурчакнинг ёнига қўяман. Қаранглар, улар иккаласи тенгми?

Энди қийиб олган учбурчагимни тенг иккига буклаб ола-ман ва букланган жойидан қирқаман. Мана, учбурчакни икки қисмга бўлдим. Уларни меҳмон учбурчак ёнига қўяман. Бо-лалар яхшилаб эътибор беринглар. Ҳозир ясаган учбурча-гим икки қисмга бўлинди.

37-расм.



Меҳмон учбурчак бутун, бу қисмдан катта. Иккига бўлин-ган учбурчакнинг 1 та қисми бутундан кичик.

Демак, бутун қисмдан катта, қисм бутундан кичик бўлар экан.

Тарбиячи шу тарзда тўғри тўртбурчак ва квадрат шакл-ларини ҳам қисмларга бўлиб амалда кўрсатиб беради.

### **Жисмоний дақиқа**

Келинлар, болалар, меҳмонларимизни ҳам, ўзимизни ҳам бир хурсанд қилайлик. Барчамиз “Дутор” рақси ҳаракатла-рини биламиз-а? Келинлар, рақсга тушамиз. Тарбиячи ДВДда “Дутор рақси” куйини қўйиб беради.


### **Болалар учун амалий иш.**

Тарбиячи олдиндан болалар столига ҳар хил рангдаги учбурчак, тўғри тўртбурчак, квадрат шакллари (ҳар бир бола учун 3 тадан), қайчи, елим, альбом варағини тайёрлаб қўяди.

Болалар шаклларнинг биттасини бутун қолдириб, иккинчисини икки қисмга бўладилар, яримни чоракка, чоракни нимчоракка бўладилар. Бўлинган қисмларни бутунига таққослайдилар.

Бутун ва қирқилган қисмлардан уйни ижод қилиб альбом варағига ёпиштириб чиқадилар. Ишни тугатганларидан кейин биргаликда кўриб чиқадилар.

38-расм.



Болалар ижодий ишни бажараётганларида ёқимли куй секин таралиб туради.

**Болалар билимини текширини ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Учбурчакнинг қайсиниси бутун, қайсиниси қисм?
2. Бутун каттами, қисм каттами? Нимага бутун қисмдан катта?
3. Тўғри тўртбурчакнинг қайси қисми катта?
4. Сизнингча, мана бу бутун тўртбурчак яна неча қисмга бўлинади?

Маишғулот якунида болалар бажарган ижодий ишлар баҳоланади ва болалар рағбатлантирилади.

## 47-МАШҒУЛОТ ГЕОМЕТРИК ШАКЛЛАР

**Мавзу:** Таёқчалардан ҳосил бўлган геометрик шакллардан бир нечта таёқчани олиш усули билан кўринишини ўзгартириш

**Мақсад:**

- Болаларга муаммоли вазиятларда тўғри ечим топишни ўргатиш.

**Қутилаётган натижалар:**

- Болалар берилган маълум шаклнинг баъзи қисмларининг жойини ўзгартириш билан янги шакл ясаш мумкинлигини билиб оладилар.

- Болалар муаммоли вазиятда тўғри ечим топишни ва муаммони ҳал қилишни ўрганадилар.

- Болаларда ижодкорлик ва эътиборлилик ошади.

**Керакли жиҳозлар:**

- Таёқчалар (12 см)

**Машғулотнинг бориши:**


**Тарбиячи:** – Азиз болажонлар, таёқчалар ёрдамида турли шаклларни ҳосил қилишни сизлар билан ўрганган эдик. Ҳозир эгаллаган билимларимизни эслаб 12 та таёқчадан 3 та квадрат шаклини ясаймиз.

Болажонлар, ушбу 12 та таёқчадан ясалган 3 та кичик квадратнинг 3 та таёқчасини олиб шундай қўямизки, натижада битта катта квадрат ичида 4 та бир-бирига тенг квадрат ҳосил бўлади.

39-расм.



Жавоб:




Болажонлар, 3 та таёқчани олиб квадратларнинг сонини ва жойланишини ўзгартиришни билтиб олдингиз. Энди мустақил ҳолда ўзингиз ҳам худди шу квадратнинг сонини ва жойланишини ўзгартиришга ҳаракат қилиб кўрасизлар.

**1-ғошириқ.** Болажонлар, 12 та таёқчадан ясалган 4 та кичик ва 1 та катта квадратнинг 4 та таёқчасини олиб шундай қўйингки, натижада яна бошқача кўринишда турган 3 та квадрат ҳосил бўлсин.

40-расм.



Жавоб:



**2-ғошириқ.** Болажонлар, 10 та таёқчадан ясалган қисқичбақа юқорига қараб ўрмалаяпти. 3 та таёқчани олиб шундай қўйингки, натижада қисқичбақа настга қараб ўрмаласин.

41-расм.



Жавоб:



### Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Ким тез?”

Болалар 1 дан 4 гача бўлган сонлар ёрдамида 4 та туруҳга бўлинадилар. Ҳар бир туруҳга таёқчалар тўғлами берилди.

Таёқчалардан ясалган нарсанинг раёми тасвирланган қоғоз 4 та туруҳга ҳам берилди. Болалар берилган маълум вақт ичида ушбу раёмда тасвирланган нарсани таёқчалар ёрдамида ясашлари керак. Сўнг маълум сондаги таёқчаларнинг ўрнини алмаштириб бошқа шакл ясайдилар, нечта та-



ёқчанинг ўрнини ўзгартириб, нима яшаш кераклигини тарбиячи айтиб туради. Қайси гуруҳ берилган вақтда топшириқни тўғри бажарса, ўша гуруҳ ғолиб бўлади.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Болажонлар, топшириқлардан қайси бири сизга кўпроқ ёқди?

2. 3 та квадратдан битта катта квадрат ичида 4 та кичик квадратлар яшаш учун нечта таёқчанинг ўрнини алмаштирдик?

3. 12 та таёқчадан ясалган битта катта квадрат ичидаги 4 та кичик квадратларнинг 4 та таёқчаси жойини алмаштириб нечта квадрат ясадик?

4. 10 та таёқчадан ясалган қисқичбақани бошқа томонга ўрмалатиш учун нечта таёқчанинг ўрнини ўзгартирдик?

Машғулот охирида барча болаларни рағбатлантириш.

## **48-МАШҒУЛОТ ВАҚТ ҲАҚИДА ТАСАВВУР**

**Мавзу: Соат ва унинг ишлатилиши билан танишгиришни давом эттириш**

**Мақсад:**

- Соат неча бўлганини аниқлашни ўргатиш.

**Кутилаётган натижалар:**

- Болалар соат неча бўлганини аниқлашни ўрганиб оладилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Соат
- Олдинги машғулотда болалар ясаган соатлар
- Арқон ёки ип, бўр

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, биз аввалги машғулотларимизда соат билан бироз танишган эдик. Соат нима учун керак? Соатда қайси рақамлар ёзилган? Биз соат неча бўлганини қандай биламиз? (Болалар тушунчаси аниқланади).

Болалар сизларга Лолахон исмли қизчанинг қандай қилиб соат неча бўлганлигини аниқлашни билиб олганини ҳикоя қилиб берайми?

Лолахон бувисиникига 10 кунга меҳмонга борибди. Бувиси Лолахоннинг келганига жуда хурсанд бўлибди. Лолахон бувисининг қўшниси Раъно исмли қиз билан танишиб олибди.

Бир куни бувиси: –Лолахон, соатга қарачи, неча бўлди экан? дебди. Лолахон соатни билмас экан, лекин ўртоғининг олдиди уялиб “соатни билмайман”, дея олмабди. –Ҳозир соатга қараб чиқаман, дебди ва уйга кирибди, қайтиб чиқибди-да, “Соат 10 бўлибди”, деб ёлғон гапирибди. Лекин ўша вақтда соат 12 бўлган экан. Бувиси соат 12 да қўшнисиникига меҳмонга чиқиши керак эканда, “Ҳа, ҳали вақт бор экан”, деб бувиси ишини қилиб юраверибди. Лекин бироздан кейин бувисини қўшниси чақириб чиқибди, “ҳамма меҳмонлар келди сизни кутяпмиз”, дебди. Бувиси, “соат энди 10 бўлди, меҳмонлар 12 да келади деган эдингиз-ку”, дея ҳайрон бўлибди. Қўшниси, “соат 12 дан ошиб кетди, тезроқ чиқа қолинг”, деб чиқиб кетибди. Лолахон бувисининг ва ўртоғининг олдиди жуда уялибди, лекин улар Лолахонни уялтиришмабди.

Эртасига Раъно катта, ишлатилмаётган бузуқ соатни кўтариб Лолахоннинг олдига чиқибди ва “кел, мактаб-мактаб ўйнаймиз, қўғирчоқларингни олиб чиқ”, дебди.

– Иккаламиз ўқитувчи бўламиз, қўғирчоқларимиз ўқувчилар бўлади. Мен ўқувчиларимга соат неча бўлганини қандай билишни ўргатаман, сен мени кузатиб тур, кейин сен дарс ўтасан, дебди ва дарсни бошлабди.

У соатни қўғирчоқлар кўриши қулай бўлган жойга қўйибди ва дарсни бошлабди.

–Азиз, ўқувчилар бу соат бўлади. Ундан вақтни билиш учун фойдаланамиз. Соатдаги 1 дан 12 гача бўлган рақамларни кўряпсизларми? Соатнинг ўртасида кўрсаткичлари бор, уларнинг бири узун, бири калта, агар мана шу калта кўрсаткич 1 рақамини, узун 12 ни кўрсатиб турган бўлса, соат 1 бўлган бўлади. Агар калта кўрсаткич 2 рақамини,

узуни 12 ни кўрсатиб турган бўлса, соат 2 бўлган бўлади. Мана шу калта кўрсаткич 3 рақамини, узуни 12 ни кўрсатиб турган бўлса, соат 3 бўлган бўлади. Агар калта кўрсаткич 1 ва 2 рақамининг ўртасини, узуни 6 ни кўрсатиб турган бўлса, соат 1 ярим бўлган бўлади.

Кейин Раъно Лолахонга: – Кел, энди мен ҳозир тушунтирганларимни сен яна бир марта қўғирчоқларга тушунтириб бер, дебди. Лолахон Раънонинг гапларини қўғирчоқларга қайта гапириб берибди ва хурсанд бўлиб кетибди, чунки у соат неча бўлганини аниқлашни анча ўрганиб олибдида. Лолахон ҳар куни Раъно билан қўғирчоқларига дарс ўтиб соатни яхшилаб ўрганиб олибди, ҳар куни соатга қараб “Бувижон соат 1 ёки 3 бўлди”, деб айтиб турар экан.

Болалар, сизлар ҳам соат неча бўлганини аниқлашни ўрганиб олдингизми? Келинг, ўзингизни бир синаб кўрингчи.

**Болалар учун амалий иш.**

**Тарбиячи:** – Олдинги машғулотимизда ясаган соатларимиз ёрдамида “Мен соат неча бўлганини биламан” ўйинини ўйнаймиз. Мен сизларга топшириқ бераман, “соат 2 бўлди” десам, сизлар соат кўрсаткичларини 2 га тўғрилайсизлар. Бунда калта кўрсаткич 2 ни, узун кўрсаткич 12 ни кўрсатиб туриши керак.

Ўйин шу тарзда давом этади, тарбиячи неча бўлганини айтади, болалар соат кўрсаткичларини тўғрилайдилар.

**Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Соат”**

Тарбиячи катта доира чизади ва унга рақамларни соат бўйича жойлаштиради. Доиранинг ўртасида бир бола 2 та узун ва калтароқ арқоннинг учини ушлаб туради, арқонларнинг 2-учини доира атрофида турган болалардан 2 таси ушлайди. Ҳамма болалар ва тарбиячи доира атрофида турадилар. Болалар доира атрофида соат йўналишида юрадилар, тарбиячи “тўхтадик”, деганда юришдан тўхтайдилар. “Соат кўрсаткичи” қўлида бўлган болалар қайси рақам тўғрисида тўхтаса, болалар соат неча бўлганини айтадилар. Агар болалар тўғри жавобни айтишга қийналсалар, тарбиячи уларга ёрдам беради.

**Болалар билимини аниқлаш ва мустақамлаш учун саволлар:**

1. Соатда қайси рақамлар ёзилган?
2. Агар соат 7 бўлса, кўрсаткич қандай туради?
3. Соат 10 бўлганини кўрсатиб беринг.
4. Ҳозир соат неча бўлди?
5. Соат 8 бўлганини кўрсатиб беринг.
6. Соат 3 бўлганини кўрсатиб беринг.
7. Соат 9 бўлганини кўрсатиб беринг.

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

### **49-МАШҒУЛОТ СОН ВА САНОҚ**

**Мавзу: 20 гача бўлган сонларни ёзувда фарқлаш ва санаш малакаларини мустақамлаш**

**Мақсад:**

- Болаларнинг 20 гача бўлган сонларни ёзувда таниш ва 20 гача санаш малакаларини мустақамлаш.

**Кутилаётган натижалар:**

- Болалар 20 гача бўлган сонларни ёзувда фарқлашни ўрганадилар.

- Болаларда 20 гача санаш малакаси мустақамланади.

**Керакли жиҳозлар:**

- 1 дан 20 гача сонлар тасвирланган карточкалар (бўйи 12 см, эни 10 см).

- 1 дан 20 гача сонлар ёзилган тожлар.

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, биз нечагача санашни ўрганиб олганмиз?

**Болалар жавоби:** – 20 гача санашни ўрганиб олганмиз.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, келинлар, 20 гача рақамлар ёзилган карточкалар ёрдамида 20 гача бўлган сонларни санаймиз. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20.

Тарбиячи 20 гача рақамлар ёзилган карточкаларни болаларга яхши кўринадиган жойга қўйиб қўяди.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, бугун сизлар билан турли ўйинларни ўйнаймиз ва 20 гача бўлган сонларни санашни ва уларни ёзувда қандай ёзилишини яхшироқ билиб оламиз. Дастлаб, “Мен қандай сон ўйладим?” ўйинини ўйнаймиз.

**“Мен қандай сон ўйладим?” ўйини**

**Керакли жиҳозлар:** 1 дан 20 гача рақамлар ёзилган карточкалар.

**Ўйиннинг мазмуни:** “Болажонлар, мен бир сон ўйладим (тарбиячи қўлида карточка ушлаб туради, лекин болаларга кўрсатмайди). Бу қандай сонлигини топинг, мен ўйлаган сонга 1 ни қўшсак, 15 сони ҳосил бўлади. Мен қандай сон ўйлаганман?” Тарбиячи болалардан олган жавобидан кейин рақам ёзилган карточкани кўрсатади.

Тарбиячи ўйинни давом эттиради: “Мен бир сон ўйладим, мен ўйлаган сондан 1 ни олсак, 19 сони ҳосил бўлади. Мен қандай сон ўйлаганман?” Тарбиячи болалардан олган жавобидан кейин рақам ёзилган карточкани кўрсатади.

Тарбиячи ўйинни давом эттиришни болалардан бирига топширади. Бу бола худди тарбиячидай карточкалардан бирини олади ва болалардан неча сон ўйлаганини сўрайди: “Мен бир сон ўйладим, Бу қандай сонлигини топинг, мен ўйлаган сонга 1 ни қўшсак, 16 сони ҳосил бўлади. Мен қандай сон ўйлаганман?” Ўйин шу тариқа давом этади.

Ўйинда болалар осонлик билан жавобни топишса, топшириқни озгина мураккаблаштириш мумкин, яъни 1 соннинг ўрнига 2 ёки 3 сони ёрдамидаги қўшиш ва айириш амаллари айтилади. Масалан, “Мен бир сонни ўйладим. Бу қандай сонлигини топинг, мен ўйлаган сонга 2 ни қўшсак, 14 сони ҳосил бўлади. Мен қандай сон ўйлаганман?”

**Тарбиячи:** – Болажонлар, “Мен қандай сон ўйладим?” ўйини сизларга ёқдими? Ҳозир сизлар билан “Қайси сон етмайди?” ўйинини ўйнаймиз.

**“Қайси сон етмайди?” ўйини**

“Қайси сон етмайди?” ўйини ёнма-ён турган сонларни, иккита соннинг ўртасидаги сонни эслаб қолишга, хотира ва диққатни ривожлантиришга ёрдам беради.

Ўйиннинг мазмуни: Тарбиячи иккита сон айтади, болалар бу икки сон орасида жойлашган сонни айтишлари керак. Масалан, тарбиячи “9 ва 11” дейди. Болалар “10” деб жавоб берадилар. Тарбиячи “16 ва 18” дейди. Болалар “17” дейдилар. Ўйин шу тарзда давом этади. Ўйинда 1 дан 20 гача бўлган сонлар айтилади.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, “Қайси сон етмайди?” ўйини сизларга ёқдими? Сизлар, бу ўйинни жуда яхши ўйнадингиз, баракалла! Энди сизлар билан «**Ҳаракатдаги сонлар**» ўйинини ўйнаймиз.

Ҳар бир бола 1 дан 20 гача бўлган сонлар ёзилган тожлардан бирини бошига кийиб олади. Полда ҳар хил геометрик шакллар чизилган ёки қўйилган бўлади. Тарбиячи ўйин қондасини болаларга тушунтиради.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, агар мен «хона бўйлаб юринг» десам, юрасизлар, “1 дан 20 гача тўғри сафланнинг” десам, 1 дан 20 гача тўғри сафланасизлар ва ҳар бирингиз ўз рақамингизни айтасиз. “Рақсга тушинг” десам, рақс ҳаракатларини бажарасизлар, “20 дан 1 гача тескари саноқ тартибида туринг” десам, 20 дан 1 гача тескари саноқ тартибида турасизлар ва ҳар бир киши ўз рақамини айтади. “Қимдаги сон 5 дан катта сон бўлса, доирага кириг?” десам, тожида 5 сонидан катта сон ёзилган болалар доира ичига кириб оладилар. “18 дан кичик сонлар бешбурчакка кириб олинг” десам, тожида 1 дан 18 гача бўлган сонлар бешбурчакнинг ичига кириб оладилар.

Тарбиячи ўйин давомида янги шартларни қўшиши мумкин. Ўйин болаларнинг қизиқишига қараб давом этади.

**Билимларни мустаҳкамлаш ва аниқлаш учун саволлар:**

1. Биз бугун қайси ўйинларни ўйнадик?
  2. 1 дан 10 гача санаб беринг.
  3. 1 дан 20 гача санаб беринг.
  4. 10 дан 1 гача тескари санай оласизми?
  5. 20 гача бўлган рақамлар ёзилган карточкаларни тўғри санаб, ўнгдан чапга қўйиб чиқинг.
  6. 18 сонидан олдинги ва кейинги рақамларни кўрсатинг.
- Машғулот давомида ва якунида болаларни рағбатлантириш.

## 50-МАШҒУЛОТ МИҚДОР (КАТТАЛИК)

### Мавзу: Болаларнинг кўз билан чамалаш қобилиятларини ривожлантириш

#### Мақсад:

- Болаларнинг кўз билан чамалаш малакаларини ривожлантириш.

#### Кутилаётган натижалар:

- Болалар буюмларнинг катталикларини (баландлиги ва узунлигини) кўз билан чамалаш орқали фарқлашни ўрганадилар.

- Болаларнинг кўз билан чамалаш малакалари ривожланади.

#### Керакли жиҳозлар:

- Турли узунликдаги тахталар, қурилиш материаллар.
- Турли машиналар.
- Турли узунликда ленталар.

#### Машғулотнинг бориши:

**Тарбиячи:** – Болажонлар, биз сиз билан олдинги машғулотларда ҳар хил кўприклар қурганмиз. Ҳозир ўша кўприкларни бир эслаб кўринг. Кўприкларни нималардан қуриш мумкин? Тахтадан, темирдан, қуришимиз мумкин.

Биз бугун сизлар билан, тахталар ва қурилиш материаларидан кўприк қурамиз. Бунинг учун 2 тадан бўлиб ишлаймиз. Ҳозир 2 тадан бўлиб бўлиниш учун мана бу кўприкларнинг расмларини оласиз. Кимларнинг расмидаги кўприклар бир хил бўлса, улар биргаликда кўприк қурадилар. Мана болалар, 2 тадан бўлиндингиз, энди ўртоғингиз билан қандай кўприк қуришни келишиб олинг ва мана бу материаллардан ўзингизга кераклигини ажратиб олинг. Мен кўприк қуришда сизларга ёрдам берадиган маслаҳатларни бераман. Олдин кўприкнинг узунлиги ва баландлиги қанча бўлишини белгилаб оласиз. Масалан, кўприкнинг узунлигини мана бу тахта узунлигида қилмоқчисиз. Бунинг учун аввало кўз билан чамалаб кўрасиз, қайси тахтанинг узунлиги қўлимда-

ги тахтанинг узунлигига тенг. Кейин қўлимдаги тахтани чамалаган тахтамыз устига қўйиб, ўлчаб кўрамиз. Уларнинг узунлиги тенг экан. Бошқа тахталарни ҳам худди шу усулда ўлчаб кўриб ажратиб оласиз.

Кўприкнинг баландлигини қуриш учун ҳам битта тахта-ни белгилаб оласиз ва шу тахта узунлигида бошқа тахталарни кўз билан чамалаб кўрасиз. Тўғри келса керак, деб ўйлаган тахтани қўлингиздаги тахтанинг устига қўйиб ўлчайсиз. Уларнинг узунлиги тенг экан. Мана буниси билан ўлчаб кўрамиз. Буниси озгина калта экан, демак бу тахта тўғри келмайди.

Ҳамма тахталарни ажратиб олганингиздан кейин кўприк қуришни бошлайсиз. Ҳамма жуфтликлар кўприкларни қурадилар ва қилган ишларини изоҳлаб берадилар. Болалар ҳаммаси биргаликда қурилган кўприкларни кўриб чиқадилар. Сўнг кўприклардан машиналарни ўтказиб ўйнайдилар.

**Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Бир хилини топ”**

Стол устига турли узунликдаги ленталар тўплами қўйилади. Тарбиячи битта лентани кўрсатади, болалар навбат билан келиб стол устидаги ленталардан қайси бири тарбиячи кўрсатган лента билан тенг бўлиши мумкинлигини кўз билан чамалаб кўрадилар ва бир хил деб ўйлаганини олиб тарбиячининг лентасига ўлчайдилар. Агар ленталар бир хил бўлса бола лентани олиб жойига ўтиради, агар ленталар бир хил бўлмаса бола лентани олмай жойига ўтиради. Ҳамма болалар биринчи уринишдан ўтганларидан кейин бир хил лентани топа олмаганларга 2- ва 3-уринишларга рухсат берилади. Ҳамма болалар бир хил узунликдаги ленталарни ажратиб олганларидан кейин ленталарни олиб доира бўлиб турадилар ва ленталар ёрдамида турли машқларни бажарадилар.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Кўз билан чамалаш усулидан бир хил узунликдаги тахталарни ажратишда қандай фойдаландик?
2. Кўприк қуришда нечта бир хил тахтадан фойдаландик?



3. Бир хил узунликдаги ленталарни қандай танладингиз?

4. Сизга қурилган кўприклардан қайси ёқди?

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## 51-МАШҒУЛОТ ГЕОМЕТРИК ШАКЛЛАР

**Мавзу:** Геометрик шаклларни турли белгилари:  
кўриниши, ўлчами, рангига кўра гуруҳларга ажратиш

**Мақсад:**

- Болаларга геометрик шакллар турли кўринишда, ўлчамда, рангда бўлиши уларнинг шаклини ўзгартирмаслиги ҳақида тушунча бериш.

**Кутилаётган натижалар:**

- Болалар геометрик шакллар турли кўринишда, ўлчамда рангда бўлиши уларнинг шаклини ўзгартирмаслигини билиб оладилар.


**Керакли жиҳозлар:**


- Турли катталиқдаги геометрик шакллар, таёқчалар, 42-43 расмлар.

**Машғулотнинг бориши:**

Тарбиячи турли ўлчамдаги ва турли рангдаги доира, квадрат, учбурчак, ромб, бешбурчак, саккизбурчак, овалларни саноқ доскасига териб чиқади.

42-расм.





**Тарбиячи:** – Болажонлар, доскада турли геометрик шакллар жойлашган. Уларнинг катталиги ва ранги ҳар хил. Мана бу катта доира қизил рангда, буниси эса кичик доира сариқ рангда. Улар бир-бирига ўхшайдими? Тўғри улар бир-бирига ўхшайди фақат бири кичик, иккинчиси катта, яна уларнинг ранги ҳар хил.

Тарбиячи ҳар бир шаклни қиёслаб, уларни турли ўлчамда бўлиши ҳақида тушунча беради.

**Болалар учун амалий иш.**

Тарбиячи болаларга олдиларидаги қутидан энг катта ромб шаклини олиб олдиларига қўйишларини айтади. Шу ромб ичига яна бироз кичикроқ, яна ундан кичикроқ ва ниҳоят энг кичик ромбни устма-уст қилиб қўйишларини айтади. Болалар уларни таққослаб чиқадилар ва ўз фикрларини билдирадилар.

Ҳар бир столга турли геометрик шакллар тўплами қўйилади. Тарбиячи геометрик шаклларни турли белгиларига кўра йиғишни айтиб туради, болалар бажарадилар.

Масалан, энг катта яшил рангдаги ромбларни йиғинг.

– Турли рангдаги энг кичик бешбурчакларнинг ҳаммасини йиғинг.

– Сарик рангдаги ҳамма геометрик шаклларни йиғинг.

– Яшил рангдаги доираларнинг ҳаммасини йиғинг.

– Оқ рангдаги кўпбурчакларнинг ҳаммасини йиғинг.

Болалар топшириқни бажарганларидан кейин, тарбиячи қандай бажарганликларини кўриб чиқади.


**Билимларни мустақкамлаш учун ўйин: “Шакл яса”**

Болалар 3 гуруҳга бўлиниб 3 жойда турадилар. 1-гуруҳга 18 та таёқча, 2-гуруҳга 12 та таёқча, 3-гуруҳга 6 та таёқча берилади. Ҳар бир гуруҳ тарбиячининг буйруғидан сўнг олдидаги таёқчалардан олти бурчак шаклини ясайди. Натижада уч хил катта-кичик шакллар пайдо бўлади. Болаларни тўғри ёки нотўғри бажарганликлари текшириб чиқилади. Гуруҳлар ўрни ўзгартирилиб, ўйин яна шу шарт билан давом этади.

**Болалар билимини текшириш ва мустақкамлаш учун саволлар:**

1. Сизнингча энг катта шакл хонамиздаги қайси буюмда акс этган?
2. Энг кичик шакл хонамиздаги қайси буюмда акс этган?
3. Хонамизда 2 та бир хил шакл борми?
4. Саккизбурчакларнинг энг кичиги нечинчи турибди?
5. Саккизбурчакларни ўзингиз хоҳлаган рангларга бўянг ва қайси бири қандай рангда эканлигини айтинг.

43- расм.



Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## 52-МАШҒУЛОТ ВАҚТ ҲАҚИДА ТАСАВВУР

**Мавзу:** Соат ва ундан ярим соат аниқликда  
фойдаланишга ўргатиш

**Мақсад:**

- Болаларга соатдан тўғри фойдаланишни ўргатиш.

**Кутилаётган натижа:**

- Болалар соатдан ярим соат аниқликда фойдаланишни ўрганиб оладилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Соат.
- Болалар ясаган соатлар.
- Соат тасвири.

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, ўтган машғулотларимизда соатнинг тузилиши ва унинг ишлатилишини ўрганган эдик. Лолахоннинг қандай қилиб соатни ўрганиб олгани эсингиздами? Лолахон бувисиникидан ўз уйларига қайтиб келибди, дадаси, ойиси ва укаларига бувисиникида бўлган воқеаларни айтиб берибди, оиласидагилар ҳам Лолахоннинг соатни ўрганиб олганини эшитиб жуда хурсанд бўлишибди. Энди Лолахон билганларини укаларига ўргатибди. У соатдан ярим соат аниқликда фойдаланишни ҳам ўрганиб олибди. Қандай қилиб дейсизми? Соатнинг мана бу катта кўрсаткичи 12 да турибди. Шу ерда рақамнинг охири жойлашган. Энди катта кўрсаткични рақамларнинг ўрта қисми 6 га олиб келиб қўямиз. 6 рақамларнинг ярмида турибди. Катта кўрсаткич 6 да турганида кичкина кўрсаткич ҳам 2 та рақамнинг ўртасида, яъни ярмида туради – бу ярим дегани. Масалан, кичик кўрсаткич 4 билан 5 нинг ўртасида турса, соат “тўрт ярим” бўлган бўлади. (Тарбиячи, шу тарзда тушунтиришни давом эттиради)

### **Болалар учун амалий иш.**

Тарбиячи болаларнинг ўтган машғулотда ясаган соатларини столлари устига тайёрлаб қўяди. Тарбиячи болаларга соат кўрсаткичини ярим соат аниқликда белгилаш бўйича топшириқлар беради ва болалар ишини кузатиб, баҳолаб боради.

### **Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Соат неча бўлди?”**

Болалар кетма-кет “Поезд” бўлиб турадилар. Тарбиячи қўлидаги соатни улар томонга кўрсатиб болалардан бироз узоқроқда туради. Болалар “илон изи” бўйлаб бир-бирининг тирсакларидан ушлаб юрадилар. Болалар тарбиячининг олдидан ўтаётганида биринчи боладан соат неча бўлганини сўрайди, агар бола соатни тўғри айтса, сафнинг охирига ўтади, агар нотўғри айтса, сафдан чиқади ва ўйинда иштирок этмай, ўртоқларининг жавобини тинглаб, соатни ўрганиб туради.

Тарбиячи соат кўрсаткичларини бураб қўяди ва навбатдаги боладан соат неча бўлганини сўрайди. Ўйин якунида фақат соатни яхши ўрганиб олганлар қолади. Соатнинг неча бўлганини аниқлашни яхши ўрганмаганларга яна алоҳида ўргатилади.

### **Болалар билимини аниқлаш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Соат нечани кўрсатяпти?
2. Соат беш ярим бўлиши учун калта кўрсаткич қайси рақамда, узун кўрсаткич қайси рақамда туриши керак?
3. Соат уч ярим бўлиши учун калта кўрсаткич қаерда, узун кўрсаткич қайси рақамда туради?
4. Ўзингиз ясаган соат ёрдамида ўн бир ярим, бир ярим бўлганлигини кўрсатинг.
5. Эрталабки олти яримда соат кўрсаткичлари қайси рақамларда туради, кечқурунги олти яримдачи?
6. Сиз бугун эрталаб соат нечада уйқудан турдингиз?
7. Соатда ёзилган рақамларни айтиб беринг.

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## 53-МАШҒУЛОТ СОҢ ВА САНОҚ

**Мавзу:** Қўшиш ва айиришга доир содда арифметик масалалар тузиш ва ечишни ўргатишни давом эттириш

**Мақсад:**

- Болаларга қўшиш ва айиришга доир содда арифметик масалалар тузиш ва ечишни ўргатишни давом эттириш.

**Кутилаётган натижа:**

- Болалар қўшиш ва айиришга доир содда арифметик масалалар тузиш ва ечишни ўрганадилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Дафтар, ручкалар (ҳар бир болага)
- Турли буюмлар

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, мен арифметик масалалар тузишни жуда яхши кўраман, сизларчи? Сизлар ҳам қандай қилиб масалалар тузишни ўрганиб олгансизлар, тўғрими? Қўшиш ва айиришга доир масалалар тузиш ҳеч ҳам қийин эмас. Агар тузаётган масалани диққат билан тингласангиз, масаланинг ечимини дарров топиб оласиз.

1-масала. Дарахт шоҳида 7 та чумчуқ бор эди. Уларнинг ёнига яна битта чумчуқ келиб қўшилди. Чумчуқлар нечта бўлди?

Бу масаланинг ечимини топиш учун қандай амални бажаришимиз керак? 7 га 1 ни қўшамиз. 7 га 1 ни қўшсак неча бўлади? Тўғри, 8 бўлади, биз масаланинг ечимини топдик. Кейинги масалаларни ечишга ҳаракат қилинг.

2-масала. Мен 12 та тухум сотиб олдим, 2 тасини қуймоқ қилиб пиширдим. Тухумлар нечта қолди? (Жавоб: 10 та).

3-масала. Робиянинг чўнтагида 8 та ёнғоқ бор эди. Унга онаси яна 5 та ёнғоқ берди. Робиянинг ёнғоқлари нечта бўлди? (Жавоб: 13 та).

**Болалар учун амалий иш.**

Тарбиячи болаларнинг столига турли буюмлар, ўйинчоқлар қўяди ва улардан фойдаланиб масалалар тузишни таклиф этади.



## 54-МАШҒУЛОТ ФАЗОВИЙ ТАСАВВУР

**Мавзу:** Қоғоз сатҳини аниқлаш (график диктант)

**Мақсад:**

- Қоғоз сатҳида мўлжал ола билишга ўргатиш. Болаларни мактаб таълимига тайёрлаб бориш.

**Қутилаётган натижалар:**

- Қоғоз сатҳида мўлжал олиш малакаси ривожланади.
- Бармоқ мускуллари (майда моторика) ривожлантирилади.

**Керакли жиҳозлар:**

- Катакли дафтар варағи, ручка.

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болалар, столларингиз устида турган катакли дафтар варағига ручка билан жуда кўп сеҳрли чизиқлар чизиш мумкин.

Бунинг учун диққатимизни бир жойга жамлаб фикрлашимиз ва эшитишимиз зарур бўлади. Болалар, мен ҳозир қўлимдаги дафтар варағида сеҳрли чизиқлар ҳосил қиламан.

Бунинг учун варақнинг чап, ўнг, юқори, пасти ва бурчак томонларини билишимиз керак. Яна энг асосийси, қоғозимиздаги катакларни билишимиз зарур.

Ўнг қўлимизда ручкани мана бундай қилиб ушлаймиз. Варақнинг юқори томонидан бешта катак санаб пастга, варағимизнинг чап томонидан тўртта катак чизиб бунга ҳам белги қўямиз. Ручка билан белги қўйилган жойдан ўнг томонга икки катак чизамиз. Икки катак пастга, икки катак ўнгга, икки катак юқорига, икки катак ўнгга... шу тарзда давом этамиз (тарбиячи доскага қўйилган дафтар варағига чизиб кўрсатади).

*45-расм.*



Тарбиячи шу тарзда бошқа шаклларни ҳам чизиб кўрсатиши мумкин.



### **Болалар учун амалий иш.**

Тарбиячи болаларга чизиқни қаердан бошлаб чизишни кўрсатиши (варақнинг устки чап бурчаги чеккасидан бироз жой ташлаб) ва айтиб туриши лозим. Бола хатога йўл қўйса ёрдам бериши зарур. Бола иложи борича мустақил чизиши ва ишини охирига етказиши керак.

**Тарбиячи:** – Болалар, олдингизга қўйилган ручкани ўнг қўлингизга олинг. Ручкани қандай ушлагандигингизни кўрсатинг. (Болалар қўлларини юқорига қилиб кўрсатадилар). Энди ҳавода доира шаклини ва уйча шаклини чизиб кўрамиз. Сизлар менга диққат билан қулоқ солинг ва мен айтган йўналиш бўйича чизинг.

Энди дафтарнинг ўртасидан озгина пастга квадрат шаклини чизамиз. Квадрат шаклининг юқорисига, квадрат шаклига теккизиб учбурчак шаклини чизамиз. Болажонлар, нимани чиздик? (*Болалар жавоби*) Тўғри, уйчани чиздик. Сизлар, мана шу уйчадан юқорига, пастга, ўнг томонига ва чап томонига хоҳлаган нарсани чизишларингиз мумкин.

### **Жисмоний дақиқа:**

Болалар ўрnidан туриб қўлларини юқорига кўтарадилар.

1-ҳаракат: Бармоқлар жим-жима қилинади.

2-ҳаракат: Сувда сузиш машқи: Қўллар елка атрофида айланади.

3-ҳаракат: Белда ҳалқа айлантририш. Қўллар белга қўйилиб, бел айлантририлади.

Сўнг жойларига ўтириб, ишларини давом эттирадилар. Болалар чизиб бўлганларидан кейин расмлар “Ижодий ишлар” бурчагига қўйилади ва биргаликда кўриб чиқилади.

### **Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Нима учун ручкани тўғри ушлаш керак?
2. Қоғознинг ўнг қисмини кўрсатинг.
3. Агар қоғозга битта гул ёки уй чизмоқчи бўлсангиз, гулни (уйни) қоғознинг қаерига чизасиз?
4. Қоғознинг юқори ва пастки қисмларини кўрсатинг.
5. Қоғознинг чап қисмини кўрсатинг.

Машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантириш.

## 55-МАШҒУЛОТ ВАҚТ ҲАҚИДА ТАСАВВУР

**Мавзу: Ойлар номи билан таништиришни давом эттириш**

**Мақсад:**

- Болаларга ойлар навбат билан келишини тушунтириш.

**Кутилаётган натижалар:**

- Ойларнинг номларини ва кетма-кетлигини билиб оладилар ҳамда тугаётган ойдан сўнг қайси ой келишини билиб оладилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Кичик гуруҳларга бўлиниш учун фасллар тасвирланган расмлар, ҳар бир фаслнинг расми 2 тадан бўлади –1 расм 5 та қисмга бўлинади.

- Бешта ҳалқа (обруч), фаслларнинг белгилари чизилган расмлар.

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, бир йилда нечта фасл бор? Бир йил нечта ойдан иборат? Ҳозир қайси фасл, қайси ой? (Болаларнинг жавоби тингланади).

Болалар баҳор фасли нечта ойдан иборат? Тўғри уч ойдан иборат. Болалар мен сизларга уйга вазифа берган эдим. 12 та ой ҳақида шоир Абдулла Шернинг “Ойлар” шеърини ота-онанинг ёрдамида ёдлаб келишингиз керак эди. Шеърни айтиб бера оласизларми? Қани эпитайликчи ойлар ўзларини ҳақида нима дер экан? Ўн икки нафар бола даврага чиқиб навбат билан шеърни айтадилар:

“Ойлар”

1. “Январ”

Бошлаб бераман йилни,

Даналарда қорим мўл.

Армига байрамни,

Ўтказишга тайёр бўл.

Хўш, мен зўрми, Феврал зўр?

Ёш дўстим, бир ўйлаб кўр!

2. “Феврал”

Мен ерни тайёрлайман,

Етаклайман кўкламни.

Халқим яшнатсин дейман,

Хўр мустақил ўлкамни

Хўш, мен зўрми ё Март зўр?

Ёш дўстим, бир ўйлаб кўр!

3. “Март”

Мен баҳорнинг бошиман,

Олам кўклами менда.

Саккизинчи март билан,

Наврўз байрами менда

Хўш, мен зўрми ё Апрель зўр?

Ёш дўстим, бир ўйлаб кўр!

4. “Апрел”

Гуллар очилиб менда,

Чигитлар қадалади.

Отим ҳам хўп чиройли –

Апрел деб аталади.

Хўш, мен зўрми ё Май зўр?

Ёш дўстим, бир ўйлаб кўр!

5. “Май”

Менда қизгалдоқ яшнаб,

Кунлар қизиб боради.

Чақину қалдиरोқлар

Кўк бағрини ёради.

Хўш, мен зўрми, Июнь зўр?

Ёш дўстим, бир ўйлаб кўр!

6. “Июн”

Болалар байрам қилиб.

Даврага тушар менда.

Ўт-ўланлар қулф уриб,

Буғдойлар пишар менда.

Хўш, мен зўрми, Июл зўр?

Ёш дўстим, бир ўйлаб кўр!

7. “Июл”  
Ям-яшил далаларга  
Тафт пуркайди Саратон.  
Ғўзага ишлов берар  
Тер тўкиб Бободехқон.  
Хўш, мен зўрми, Август зўр?  
Ёш дўстим, бир ўйлаб кўр!

8. “Август”  
Ғўзалар кўсак тугиб,  
Ғарқ пишар қовун-тарвуз.  
Мен йўл очиб бермасам,  
Келолмайди олтин КУЗ.  
Хўш, менми, Сентябрь зўр?  
Ёш дўстим, бир ўйлаб кўр!

9. “Сентябр”  
Боғча болалар менда  
Мактабга йўл олади.  
Мустақиллик байрами  
Юртга доврўқ солади.  
Хўш, менми, Октябр зўр?  
Ёш дўстим, бир ўйлаб кўр!

10. “Октябр”  
Мен кузнинг ўртасиман,  
Йиғим-теримнинг авжи.  
Менда дарёлар тиниб,  
Мовийлашади мавжи.  
Хўш, менми, Ноябрь зўр?  
Ёш дўстим, бир ўйлаб кўр!

11. “Ноябр”  
Мен сарҳисоб ойиман,  
Менда уйилар хирмон.  
Пешона тер сидириб,  
Енгил тортади деҳқон.  
Хўш, менми, Декабр зўр?  
Ёш дўстим, бир ўйлаб кўр!

12. “Декабр”  
Бахтимиз қомусини

Байрами мендадир, бил.  
Мен йилнинг сўнги ойи  
Менсиз келмас Янги йил  
Хўш, менми ё Январ зўр?  
Ёш дўстим, бир ўйлаб кўр!

Тарбиячи шеърлар асосида болалар билан суҳбат ўтказди.

#### **Болалар учун амалий иш.**

Болалар баҳор, ёз, куз, қиш, фасллари тасвирланган расмларнинг бўлақларини йиғиши лозим. Бунинг учун ҳар бир фасл тасвирланган расмдан 2 тадан бўлиши керак. Масалан: ёз фасли тасвирланган 2 та расмдан бири болалар столнинг бирида туради. Худди шундай иккинчи расм 5 бўлақга бўлинади. Болалар бўлақларни йиғиб қайси фасл эканлигини топшлари керак.

#### **Билимларни мустақкамлаш учун ўйин: “Белгисини топ”**

Болалар амалий ишда 4 фаслнинг расмлари ёрдамида 4 та гуруҳга бўлинган эдилар, ҳар бир гуруҳ қайси фаслни йиғган бўлса ушбу ўйинда ўша фаслнинг белгиларини йиғиши керак бўлади.

Тарбиячи 5 та ҳалқа (обруч) ни куйидаги шаклда қўяди ва ўртадаги ҳалқага барча ойларнинг ёки фаслнинг бирор белгисини ёки расмини қўяди. Болалар ўртадаги ҳалқа ёнида турадилар.

46-расм.



**Ўйин қондаси:** Болалар ўртадаги белгиларни фаслга мослаб ажратадилар ва ўзларига берилган ҳалқага қўйдилар. Тарбиячи топшириқ тўғри ёки нотўғри бажарилганлигини кўриб чиқади.

**Болалар билимини аниқлаш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Ҳозир қайси ой?
2. Кейинги ой қандай номланади?
3. Январ ойидан кейин қайси ой келади?
4. Март ойидан кейин қайси ой келади?
5. Бир йилда неча ой бор?
6. Июнь ойидан кейин қайси ой келади?
7. Сиз қайси ойда туғилгансиз?
8. Апрель ойидан кейин қайси ой келади?
9. Сентябрь ойидан кейин қайси ой келади?

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## **56-МАШҒУЛОТ СОН ВА САНОҚ**

**Мавзу:** 20 гача бўлган сонларни ёзувда фарқлаш ва санаш малакаларини мустаҳкамлаш

**Мақсад:**

- Болаларга 20 гача бўлган сонларни ёзувда фарқлашни ўргатиш ва санаш малакаларини мустаҳкамлаш.

**Қўтилаётган натижалар:**

- Болалар 20 гача бўлган сонларни ёзувда фарқлашни ўрганадилар.

- Болаларда 20 гача санаш малакаси ҳосил бўлади.

**Керакли жиҳозлар:**

- Савагчада турли ўйинчоқлар.
- 1 дан 20 гача сонлар тасвирланган карточкалар (бўйи 12 см, эни 10 см).
- 10 дан 20 гача сонлар ёзилган доира шакллари (диаметри 25 см).

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, биз нечагача санашни ўрганиб олганмиз?

**Болалар жавоби:** – 20 гача санашни ўрганиб олганмиз.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, бугун сизлар билан турли ўйинларни ўйнаймиз ва 20 гача бўлган сонларни яхшироқ билиб оламиз, уларни ёзувда қандай ёзилишини яхшилаб ўрганиб оламиз. Дастлаб, “Топинг, нечта ўйинчоқ?” ўйинини ўйнаймиз.

**“Топинг, нечта ўйинчоқ?”**

**Жиҳозлар:** Саватчага турли ўйинчоқлар солинган.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, ҳозир сизлар билан “Топинг, нечта ўйинчоқ?” ўйинини ўйнаймиз. Бу ўйинда мен савол бераман, сиз жавоб берасиз. Саволлар:

1. Саватчадаги коптокларнинг сони 15 тадан кўп, 17 тадан кам. Ким айтади коптоклар нечта экан? Қани келиб санаб кўрингчи, тўғри айтибсизми? Энди карточкадан шу рақамни топинг (жавобни айтган бола ўйинчоқларни санаб бўлганидан сўнг жавоб ёзилган карточкани кўрсатиши лозим).

2. Саватчадаги қуёнчаларнинг сони 18 тадан кўп, 20 тадан кам. Ким айтади, қуёнчалар нечта экан? Қани келиб санаб кўрингчи, тўғри айтибсизми? Энди карточкадан шу рақамни топинг.

3. Саватчадаги кубикларнинг сони 17 тадан кўп, 19 тадан кам. Ким айтади, кубиклар сони нечта? Келиб санаб кўрингчи, тўғри айтибсизми? Энди карточкадан шу рақамни топинг.

Ўйинда барча болаларнинг иштирок этишига имкон яратиш учун, бола айтган сонни барча болалар карточкада кўрсатиши мумкин.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, “Топинг, нечта ўйинчоқ?” ўйини сизларга ёқдимиз? Сизлар бу ўйинни жуда яхши ўйнадингиз, баракалла! Энди “Мен қандай сон ўйладим?” ўйинини ўйнаймиз.

**“Мен қандай сон ўйладим?” ўйини**

**Керакли жиҳозлар:** 1 дан 20 гача рақамлар ёзилган карточкалар.

**Ўйиннинг мазмуни:** “Болажонлар, мен бир сон ўйладим (тарбиячи қўлида карточка ушлаб туради, лекин болаларга кўрсатмайди). Бу қандай сонлигини топинг, мен ўйлаган

сонга 1 ни қўшсак, 15 сони ҳосил бўлади. Мен қандай сон ўйлаганман?” Тарбиячи болалардан олган жавобидан кейин рақам ёзилган карточкани кўрсатади.

Тарбиячи ўйинни давом эттиради: “Мен бир сон ўйладим, мен ўйлаган сондан 1 ни олсак, 19 сони ҳосил бўлади. Мен қандай сон ўйлаганман?” Тарбиячи болалардан олган жавобидан кейин рақам ёзилган карточкани кўрсатади.

Тарбиячи ўйинни давом эттиришни болалардан бирига топиради. Бу бола худди тарбиячидай карточкалардан бирини олади ва болалардан неча сон ўйлаганини сўрайди: “Мен бир сон ўйладим, Бу қандай сонлигини топинг, мен ўйлаган сонга 1 ни қўшсак, 16 сони ҳосил бўлади. Мен қандай сон ўйлаганман?” Ўйин шу тариқа давом этади.

Ўйинда болалар осонлик билан жавобни топишса, топириқни озгина мураккаблаштириш мумкин, яъни 1 сонининг ўрнига 2 ёки 3 сони ёрдамидаги қўшиш ва айириш амаллари айтилади. Масалан, “Мен бир сонни ўйладим. Бу қандай сонлигини топинг, мен ўйлаган сонга 2 ни қўшсак, 14 сони ҳосил бўлади. Мен қандай сон ўйлаганман?”

**Тарбиячи:** – Болажонлар, “Мен қандай сон ўйладим?” ўйини сизларга ёқдими?

Энди сизлар билан “Гараж” ўйинини ўйнаймиз.

**“Гараж” ўйини.**

“Гараж” ўйини иккинчи ўнликдаги рақамларни билишни мустақамлаш, болаларнинг диққатини ривожлантиришга имкон беради. Ўйинда 10 дан 20 гача ёзилган доиралардан фойдаланилади. Гуруҳнинг ҳамма болалари “машинани” тасвирлайдилар, уларнинг қўлларида машина номери ёзилган доиралар бўлади. Ҳар бир доирада иккинчи ўнликнинг рақамларидан бири ёзилган. Тарбиячи гуруҳнинг ҳар қайси жойида “гараж”лар бўлишини, қандай рақамли машиналар қайси гаражга бориши мумкинлигини айтади. Масалан, бир гаражда 10, 13, 15 рақамлари, бошқасида-11, 12, 16 рақамлари ва бошқа гаражларда қолган рақамлар илинган бўлади. “Машиналар” кўча ҳаракати қоидаларига риоя қилган ҳолда кўчалар бўйлаб юрадилар: фақат яшил чироқда юрадилар, қизил чироқда тўхтайдилар (“светофор”ни тарбиячи



бошқаради). Тарбиячининг “Машиналар гаражга!” деган ишорасига мувофиқ ҳамма машиналар ўз гаражларидан жой эгаллашлари керак, яъни машиналарнинг тартиб рақами ёзилган “гараждан” жой олишлари керак.

Ўйин бир неча марта такрорланади. Тарбиячи “гараж”-ни ўзгартириши мумкин.

Машгулот давомида ва якунида болаларни рағбатлантириш.

## **57-МАШГУЛОТ МИҚДОР (КАТТАЛИК)**

**Мавзу: Шартли ўлчов билан ўлчаш, ўлчов натижасини сонлар билан аниқлаш**

**Мақсад:**

- Болаларга нарсаларни шартли ўлчов билан ўлчаш, ўлчов натижасини сонлар билан аниқлашни ўргатиш.

**Кутилаётган натижалар:**

- Болалар нарсаларни шартли ўлчов билан ўлчаш, ўлчов натижасини сонлар билан аниқлашни билиб оладилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Тоғорачада ун (10 стакан), қошиқ, коса, доиралар.
- Турли ўлчамда картон қирқимлари, ленталар.
- Катта ва кичик стакан (ёки пиёла), банкада сув, учбурчаклар, кубиклар.
- Шакар, қошиқ ва саноқ чўплари.

**Машгулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, олдинги машгулотларда қандай шартли ўлчовлар билан нарсаларни ўлчаган эдик?

Болалар ўтган машгулотларда мошни пиёлада, сувни стаканда стол юзасининг бўйи ва энини тасма билан ўлчаганликларини эсга оладилар.

**Тарбиячи:** – Менинг столимда ун, стакан ва қошиқ бор. Стакан ва қошиқнинг қандай умумий белгиси бор?

(Болалар бу иккита предмет шартли ўлчов бўлиши мумкинлигини айтишлари керак).

**Тарбиячи:** – Келинлар, болалар, бугун унни қошиқ билан ўлчаб кўрамиз. Тарбиячи қошиққа унни текис қилиб тўлидириб солади, қолган унни ҳам худди шу ҳажмда қошиққа солиш лозимлигини таъкидлайди, қошиқдаги унни косага солиб, болалардан косага нечта қошиқ ун солинганини унутиб қўймаслик учун нима қилиш кераклигини сўрайди. Болалар олдиларига доираларни қўйиб боришларини айтадилар.

Тарбиячи болаларга сув солинган банкани кўрсатиб сўрайди: Банкадаги сувни нима билан ўлчаш мумкин? Болалар жавобини тинглайди ва стакан ёки пиёла бунинг учун шартли ўлчов бўлиши мумкинлигини айтади. Кейин тарбиячи банкадаги сувни стакан билан ўлчашни бошлайди ва болаларга ҳар бир стаканга солинган сув хотирада қолиши учун биттадан учбурчакни доиранинг олдидан қўйишни таклиф этади. Ҳар сафар стаканга сув солинганда стакан тўла бўлиши кераклигини таъкидлайди, акс ҳолда стакан шартли ўлчов бўла олмаслигини тушунтиради. Тарбиячи сувни яна пиёлада ёки қошиқда ўлчанг мумкинлигини айтади.

Тарбиячи болалардан “Банкада неча стакан сув бор эди”, – деб сўрайди. Болалар жавоб беришади: “Банкада 10 стакан сув бор экан”. Агар банкадаги сувни кичкина стакан билан ўлчасак, унда катта стакандаги сув кўп бўладими ёки кичкина стакандагими? Болаларнинг жавоби тингланади. Сўнг болалар банкадаги сувни кичик стакан билан ўлчаб, ҳар гал кубик қўйиб боришади. Тарбиячи болалардан нечта стакан сув борлигини сўрайди. Болалар тўлиқ жавоб беришади. Масалан, “Банкада 15 стакан сув бор экан”. Тарбиячи хулоса қилади “Агар ўлчаётган идишимиз катта бўлса, кичик сон чиқади, агарда ўлчаётган идишимиз кичик бўлса, каттароқ сон чиқади. Чунки катта идишга кўп сув кетади, кичик идишга кам сув кетади.”

#### **Болалар учун амалий иш.**

Тарбиячи болаларга стакандаги шакарни қошиқ билан ўлчашни таклиф этади. Болалар шакарни қошиқлаб ўлчанади ва ҳар гал саноқ чўпи ёки доирачалардан фойдаланиб санашади. Тарбиячи болалар ишини кузатиб боради. Қошиқ-

ларга шакар солинаётганида қошиқ тўла бўлиши кераклигини таъкидлайди. Стакандан косага солинган шакарни яна қошиқда ўлчаб стаканга солиш таклиф қилинади. Агарда олдинги ўлчовдан кўп чиқса ёки кам чиқса нима учун шундай бўлганлиги сўралади.

Тарбиячи тасма билан нимани ўлчаш мумкинлигини сўрайди. Болалар тасма билан лентани, арқонни, столини юзасини, шкафни ўлчаш мумкинлигини айтадилар.

Болалар 20 см узунликдаги тасма билан ленталарни ўлчайдилар, қайси лента 4 ўлчовли бўлса, ўналарни олиб машқ қилишга тайёрланадилар.

**Жисмоний дақиқа:** Узун лента билан машқ.

1. Лентанинг 2 учидан ушлаб қўлларни юқорига кўтариш ва тушириш.

2. Лентанинг 2 учидан ушлаган ҳолатда қўллар пастда, гавдани ўнга ва чапга буриш.

3. Лентани букмасдан гавдани энгаштириб, қўлларни ерга теккизиш – ер ўлчаш.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар, топшириқлар:**

1. Унни қандай шартли ўлчов билан ўлчадик?

2. Шакарни нимада ўлчадик?

3. Сувни катта стаканда ўлчаганда нечта стакан бўлди?

Кичик стаканда ўлчаганимизда нечта стакан сув бўлди?

4. Лентамиз нечта тасма узунлигида экан?

5. Турли ўлчайлиган нарсаларни қандай айтар эканмиз?

6. Биз бутун машғулотда нималарни ўргандик?

7. Сувни нима билан ўлчадик?

8. Лентани нима билан ўлчадик?

9. Шакарни нима билан ўлчадик?

10. Унни нима билан ўлчадик?

11. Гуручни нима билан ўлчаш мумкин?

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## 58-МАШҒУЛОТ ГЕОМЕТРИК ШАКЛЛАР

**Мавзу:** Турли геометрик шакллар йиғмасидан  
ҳар хил ўйинлар ўйнаш

**Мақсад:**

- Болаларнинг геометрик шакллар ҳақидаги тасаввурларини ривожлантириш.

**Кутилаётган натижалар:**

- Болаларнинг геометрик шакллар ва атрофдаги нарсалар орасидаги ўхшашликлар ҳақидаги тушунчалари мустаҳкамланади.

- Бир тўпلام геометрик шакллардан аниқ буюмларни, нарсаларни ва иморатларни ясай олишни ўрганадилар.

- Болалар мустақил фикрлашга ва ҳар бир ишга ижодий ёндашишга ўрганадилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Турли ўлчамдаги геометрик шакллар
- Ромб, бешбурчак, доира, овал шаклларидаги медальонлар
- Геометрик шакллар атрибути
- Ҳар бир болага саккизбурчак шакли

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, сизлар геометрик шаклларни жуда яхши танийсизлар, тўғрими? Ҳозир мен сизларга турли геометрик шаклларни кўрсатаман, сизлар уларнинг номини айтасизлар?

Тарбиячи доира, овал, учбурчак, тўғри тўртбурчак, бешбурчак, олтибурчак, ромб, квадрат шаклларини кўрсатади, болалар уларнинг номларини тўғри айтиб беришлари керак.

Бугун болажонлар, турли геометрик шакллар ёрдамида қизиқарли ўйинлар ўйнаймиз.

Бунинг учун кичик жамоаларга бўлиниб оламиз. Кичик жамоаларга бўлиниш учун ҳар бир бола “Ромб”, “Квадрат”, “Доира”, “Овал” шаклларидаги медальондан биттасини танлаб олади ва шу шакл турган столга бориб ўтиради.

Мана “Ромб”, “Бешбурчак”, “Доира”, “Овал” номли жамоаларга бўлиниб олдик.

Ҳар бир жамоа турли геометрик шакллардан хоҳлаган нарсаларини ясадилар. Бунинг учун ҳар бир столда турли геометрик шакллар тўплами, плакат ва елим қўйилган. Берилган вақтда ишни тугатгандан сўнг, ҳар бир жамоа геометрик шакллардан нималарни ясаганликларини изоҳлаб бердилар.

#### **Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Кластер”**

Болаларга турли кўпбурчаклар: квадрат, бешбурчак, ромб, олтибурчак шаклларидаги атрибутлардан биттадан берилади ва болалар атрибутларни тақиб оладилар.

Полда катта олтибурчак – унинг атрофига кичик олтибурчаклар, катта бешбурчак – унинг атрофига кичик бешбурчаклар, катта ромб – унинг атрофига кичик ромблар, катта квадрат – унинг атрофига кичик квадратлар чизилган бўлади.

**Ўйиннинг бориши:** Агар тарбиячи “Шакллар юришибди” деса, болалар юрадилар, “Шакллар катта уйга” деса, кимда қандай шакл бўлса, худди шундай катта шаклнинг ичига йиғиладилар. “Шакллар ўйинга чиқдилар” дейилса, болалар катта шаклдан чиқиб ўйнаб юрадилар, “Шакллар кичик уйларга” дейилса, кимда қандай шакл бўлса шундай кичик шаклларга турадилар. “Бешбурчаклар кичик уйларга” дейилса, бешбурчак шаклини таққан болалар кичик бешбурчакларга туриб оладилар. “Шаклларни алмаштиринг” дейилса, болалар шаклларни алмаштирадилар. Болалар хоҳлаганича ўйинни давом эттириш мумкин.

#### **Ўйин: Саккизбурчаклар**


Энди болажонлар, ҳаммамиз биттадан саккиз бурчак шаклини оламиз ва бу шаклнинг бурчакларини санаймиз.

Шаклларни олиб 4 тадан бўлиб қаторга туриг, ҳозир шакллар билан машқ бажарамиз. Ҳаммамиз шаклни кўкрагимиз ёнида ушлаймиз, қўлимизни баландга кўтарамиз, қўлимизни олдинга – тўғрига узатамиз. (Бу ҳаракатлар 4 марта бажарилади).

Қўлимиздаги шаклни полга қўямиз ва устида турли машқлар бажарамиз. (Тарбиячи ва болалар ўзлари хоҳлаган ҳаракатларни бажаришлари мумкин).

Энди болажонлар, мана шу шаклларни бирлаштириб битта гиламча ясаймиз.

47-расм.



**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Қайси топшириқни бажариш сиз учун осон бўлди?
2. Геометрик шакллардан нималарни ясадингиз?
3. Нечта учбурчакдан фойдаландингиз?
3. Нечта кўпбурчакдан фойдаландингиз?
4. Қайси кўпбурчаклар кўп ишлатилди?
5. Овал шаклидан нималарни ясадингиз?
6. Гиламчани қандай шакллардан ясадик?
7. Бинони қуришда учбурчакдан нимани ясадингиз?
8. Уйларни доира шаклида қуриш мумкинми?

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида барча болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## 59-МАШҒУЛОТ ФАЗОВИЙ ТАСАВВУР

### Мавзу: Нарсаларнинг бир-бирига нисбатан жойлашинини аниқлаш

#### Мақсад:

- Болаларни атрофдаги нарсаларнинг вазиятини аниқлашга ўргатиш (узоқда, яқинда, пастда, кетма-кет, қарама-қарши, ёнма-ён каби).

#### Кутилаётган натижа:

- Атрофдаги нарсаларнинг жойлашиш масофасини аниқлашни ўрганадилар.

#### Керакли жиҳозлар:

- Ўйинчоқлар
- Ҳар бир бола учун оқ қоғоз, саноқ чўплари
- Китоблар

#### Машғулотнинг бориши:

**Тарбиячи:** – Болажонлар, агар эътибор берган бўлсангиз, бугун мен барча ўйинчоқларни стол устига олиб қўйдим.

Келинглар, болалар, хонамизнинг қайси жойида, қайси ўйинчоқ туриши кераклигини келишиб оламиз ва ўйинчоқларни ўша жойга қўямиз. Гуруҳимиз хонасида 2 та ўйинчоқлар қўйиладиган жавон бор, улар бир-бири билан ёнма-ён қўйилган. Аввало ўйинчоқларни жавонга қўйиб чиқайлик. Мана бу ўйинчоқ поезд жавоннинг пастки тоқчасида тургани яхши, чунки унинг рельслари юқоридаги тоқчага сиғмайди. Темир йўл рельслари устига вагончаларни кетма-кет қилиб жойлаштирамиз. Жавон тоқчаларига қолган майдароқ ўйинчоқларни қўйиб чиқамиз.

Мана бу катта айиқчани бошқа томонга, яъни ўйинчоқлар жавонига нисбатан қарама-қарши турган стол устига қўямиз. Қуёнча ўйинчоғини 2-дераза ёнига қўяман. Қуёнча ўйинчоқлар жавонидан узоқроқда жойлашди. Мана бу катта машинани поездга яқин қилиб ёнма-ён қўямиз.

Болалар, қарангларчи, ўйинчоқларимизнинг жойлашини сизларга ёқдими?

Энди менга ўйинчоқларни қандай жойлаштирганимни, уларнинг бир-бирига нисбатан жойлашиш тартибини айтиб беринглар.

**Болалар жавоби:** Ўйинчоқлар қўйилган жавонлар ёнма-ён турибди. Поезд жавоннинг пастки тоқчасида турибди. Вагончалар кетма-кет қўйилган. Юқори тоқчадаги ўйинчоқлар ёнма-ён қўйилган. Айиқча ўйинчоқлар жавонининг қарама-қарши томонида турибди. Ўйинчоқ қуёнча жавондан узоқроққа жойлаштирилди. Ўйинчоқ машина поездининг яқинига қўйилди.

**Билимларни мустақамлаш учун ўйин: “Китобларни жойлаштирамиз”**

Болалар 2 гуруҳга бўлиниб оладилар. Тарбиячи китоб бурчагидаги китобларни стол устига қўйиб, китоб жавонини бўшатиб қўяди. Жавоннинг биринчи ва иккинчи тоқчаларига 1-гуруҳ болалари, учинчи ва тўртинчи тоқчаларига 2-гуруҳ болалари китобларни катта-кичиклигига қараб теришлари керак.

**Ўйиннинг бориши:** Тарбиячи 1-гуруҳ болаларига жавоннинг биринчи ва иккинчи тоқчаларига берилган китобларни териб чиқишларини айтади. Болалар китобларни териб бўлганларидан кейин уларнинг жойлашиш тартибини изоҳлаб берадилар.


Ўйинни 2-гуруҳ давом эттиради. Қайси гуруҳ китобларни тўғри жойлаштира ва жойлашиш тартибини тўғри изоҳлаб берса, ўша гуруҳ ғолиб бўлади.

**Болалар учун амалий иш.**

Олдиндан болалар столига ҳар бир бола учун оқ қоғоз, саноқ чўплари тайёрлаб қўйилади.

**Тарбиячи:** – Болалар, столингиз устига оқ қоғоз ва саноқ чўпларини қўйиб қўйдим. Саноқ чўпларидан оқ қоғозга тасвир ҳосил қиламиз. Мен сизларга аввало тасвирни чизиб кўрсатаман. Сўнг сизлар тасвирни саноқ чўплари ёрдамида ҳосил қиласизлар.





Болалар ҳосил қилган тасвирларингизга эътибор берингларчи: уйча, уйчанинг икки томонида ўриндиқлар, уйчадан узоқроқда ўнг томонда қуёш, уйчадан узоқроқда чап томонда дарахтларни тасвирладик. Тасвирда ниманинг орасида нима турибди? Уйчадан пастроқда нима турибди? Тасвирда ёнма-ён турган нарсани топинг. Қарама-қарши турган нарсани топинг.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Доскага нималар яқин турибди?
2. Хонада сиздан узоқда турган нарсаларни аниқланг.
3. Сизга энг яқин турган нарсаларни айтинг.
4. Кетма-кет деганда нимани тушунасиз?
5. Сизга қарама-қарши турган нарсаларни айтинг.
6. Ўртоғингизнинг ёнида турган нарсаларни айтинг.
7. Сиз билан ёнма-ён турган ўртоғингизнинг исми нима?

Машғулот давомида ва якунида болаларни рағбатлантириш.

## 60-МАШҒУЛОТ ВАҚТ ҲАҚИДА ТАСАВВУР

Мавзу: Йил фаслларининг кетма-кетлиги ҳақидаги  
билимларни мустаҳкамлаш

**Мақсад:**

- Болаларнинг йил фасллари ҳақидаги тасаввурларини мустаҳкамлаш.

**Кутилаётган нагига:**

- Болалар йил фаслларида содир бўладиган ҳодисаларни билиб оладилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Оқ қоғоз, рангли қаламлар.
- Баҳор, ёз, куз, қиш фасллари тасвирланган медальонлар.
- 1, 2, 3, 4 рақамлари ёзилган карточкалар.
- Йил фасллари тасвирланган мозаикалар.

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, сизлар фасллари жуда яхши ўрганиб олгансиз, тўғрими? Буни ҳозир билиб оламиз, қани менинг саволларимга жавоб берингларчи: Нечта фасл бор? Ҳозир қайси фасл?

Болалар мен ҳозир сизларга топишмоқ айтаман, сизлар яхшилаб эшитиб, ўйлаб, жавобини айтинглар:

1. Ерни қор қоплар,  
Сойни муз ёпар,  
Аёз-беҳазил,  
Бу қайси фасл? (*Қиш*)

2. Қор эриб шошар,  
Ариқлар тошар,  
Гуллар кўп, асл  
Бу қайси фасл? (*Баҳор*)

3. Қиздирар қуёш,  
Чўғдек ёнар тош,

Далада-ҳосил,  
Бу қайси фасл? (Ёз)

4. Бўм-бўш дала, қир,  
Ёғади ёмғир-  
Тинмай муттасил:  
Бу қайси фасл? (Куз)

Болалар, бир йилда тўрт фасл бор. Фасллар доим биринкетин келади. Қиш бўлмай туриб, баҳор келмайди, баҳор бўлмай туриб ёз келмайди, ёз бўлмай туриб куз келмайди. Улар доимо бир-бирига ўрнини навбат билан бўшатиб беради. Агар фаслларнинг ўрни алмашиб кетса нима бўлишини биласизларми? Келинлар, сизларга фаслларнинг ўрни қандай алмашиб қолгани ҳақида эртак айтиб бераман.

Қадим-қадим замонларда бир жодугар кампир бўлган экан. Жодугар кампир бир куни уйда мазза қилиб ухлаб ётган экан. Бирдан тўполон шамол бўлиб, жодугар кампирнинг эшиклари, деразаларини очиб юборибди. Жодугар кампир уйғониб кетибди. Уйқуси бузилган кампирнинг жаҳли чиқиб кетибди-да тўғри Йилбобонинг уйига борибди. Йилбобо Жодугар кампирни яхши кутиб олибди. Кампир Йилбобога: “Баҳор исмли фарзандинг менинг тинчимни бузди, энди уни жазолашим керак” – дебди-да, “Баҳор”ни қўлидан ушлаб сафланиб турган акаларининг орқасига, яъни фаслларнинг охирига олиб бориб қўйибди. “Қиш”нинг қўлидан ушлаб “Баҳор”нинг орқасига олиб келиб қўйиб: “Бир совуққотгин” дебди.

Шундай қилиб Баҳор ва Қишнинг ўрнини алмаштириб қўйибди. Энди биринчи бўлиб Ёз фасли, иккинчи Куз, учинчи Баҳор ва охири Қиш фасллари келадиган бўлибди. Баҳорнинг ўрнига Ёз фасли бошланибди. Бирданига ҳаво исиб, гуллаб турган дарахтларнинг гуллари иссиқда қуриб тўкилиб кетибди. Баҳор фаслида очиладиган гуллар ҳам дарров сўлиб қолибди. Ёз фасли тугаб, Куз фасли келибди, дарахтлар у ёқда турсин, ҳатто полизларда экинлар йўқ эмиш. Ўша йили одамлар мева ва сабзавотларсиз қолишибди. Куз фас-

ли тугаб, дарахтларнинг барглари сарғайиб тўкилибди. Куздан кейин Баҳор бошланиб, энди уйқуга кетган дарахтлар яна уйғониб, бир-бирига: “Яқиндагина ухлашга ётдикку”, деб ҳайрон бўлишибди-да, яна куртак чиқариб гуллай бошлашибди. Баҳор фасли жуда қийналибди. Чунки орқасида Қиш фасли бўлганлиги учун жуда совуқотибди. Йилбобонинг бундан аччиғи чиқиб, жодугар кампирни ёрга қамаб қўйибди-да фаслларни яна ўз ўрнига тартиби билан қўйиб қўйибди. Баҳор, ёз, куз, қиш фасллари ўз навбати билан келадиган бўлибди ва ҳамма нарса ўз ўрнига тушибди.

#### **Болалар учун амалий иш.**

Болалар олдиларидаги оқ қоғозга тартиб билан баҳор, ёз, куз ва қишнинг ўзига хос белгиларини чизадилар. Масалан, баҳорнинг белгиси – лола, ёзнинг белгиси – қуёш, кузнинг белгиси – сарғайган барг, қишнинг белгиси – қордан ясалган қорбобо.

#### **Тетиклаштирувчи машқ.**

4 та жойга доира чизилади, битта доирага битта фаслнинг белгиси чизилади, ўртада болалар туради. Тарбиячи “Баҳор” деса, болалар баҳор белгиси бор доирага, “Қиш” деса, болалар қиш белгиси бор доирага, “Куз” деса куз белгиси бор доирага, “Ёз” деса ёз белгиси бор доира ичига кириб турадилар. Ҳар бир доирада давом этади.

#### **Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Фасллар мозаикаси”**

Болаларга баҳор, ёз, куз ва қиш фасллари тасвирланган медальонлар тарқатилади, болалар медальонларни тақиб оладилар. Баҳор фасли тасвирланган медальонни олганлар 1 сони турган столга, ёз фасли тасвирланган медальонни олганлар 2 сони турган столга, куз фасли тасвирланган медальонни олганлар 3 сони турган столга, қиш фасли тасвирланган медальонни олганлар 4 сони турган столга бориб ўтирадилар. Шу тариқа 4 та кичик жамоа ҳосил бўлади.

1-столдаги болалар баҳор фаслини, 2-столдаги болалар ёз фаслини, 3-столдаги болалар куз фаслини, 4-столдаги болалар қиш фаслини мозаикадан йиғадилар. Бу фасл ҳақида

билганларини ҳикоя қилиб берадилар. Шу фасл ҳақида шеърлар, топишмоқлар айтишлари мумкин.

**Болалар билимини аниқлаш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Бир йилда нечта фасл бор?
2. Қайси фаслда ҳаво иссиқ бўлади? Қайси фаслда қор ёғади?
3. Қайси фаслда дарахтларнинг барглари тўкилади?
4. Сиз қайси фаслни яхши кўрасиз?
5. Баҳордан кейин қайси фасл келади?
6. Ёздан кейин қайси фасл келади? Қишдан олдин қайси фасл бўлади?

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## **61-МАШҒУЛОТ МИҚДОР (КАТТАЛИК)**

**Мавзу:** Турли хил ўлчамдаги нарсалар орасидан бир хил ўлчамдаги нарсаларни ажратиш ва фарқлаш

**Мақсад:**

- Болаларни ўзига таниш бўлган ўлчамдаги нарсаларни ажратиб фарқлай олишга ўргатиш.
- Нарсаларни бир-бирига нисбатан тартиблаштириш кўникмасини мустаҳкамлаш.

**Кутилаётган натижалар:**

- Болалар ўзига таниш бўлган ўлчамдаги нарсаларни ажратиб фарқлашни ўрганадилар.
- Болалар ҳар бир нарсага зийраклик билан муносабатда бўлишга ўрганадилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Турли ўлчамдаги леголар.
- Турли ўлчамдаги геометрик шакллар.
- Харита.

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, келинлар, биргаликда шаҳар қурамыз. Шаҳарни леголардан қурамыз. Мана бу жойда турли ўлчамдаги леголар турибди, уларнинг ичидан биз бир хил ўлчамдаги леголарни ажратиб олишимиз керак. Масалан: мана бу катталиқдаги леголарни топиб бир жойга тартиб билан қўйишимиз керак. Бунинг учун аввало кўз билан чамалаб кўрамыз, кейин қўлимиздаги легони чамалаган легомиз устига қўйиб кўрамыз. Улар тенг экан. Шундай қилиб бир хил ўлчамдаги леголарни бир жойга тартиб билан қўямиз.

Леголарни гуруҳларга ажратганларидан кейин, тарбиячи улардан леголарнинг катта-кичиклигини, сони нечталигини сўрайди.


**Тарбиячи:** – Бу леголардан шаҳар қурамыз. Шаҳар қуриш учун мен тахминий харита тайёрлаб келдим, ҳозир сизлар билан бу харитани кўриб чиқамиз.

1 сони билан белгиланган бино бизнинг боғчамиз, 2 сони билан белгиланган бинолар 2 қаватли уйлар, 3 сони билан белгиланган бино ҳам кўп қаватли уй, 4 сони билан белгиланган бино дўкон, 5 сони билан белгиланган бино поликлиника, 6 сони билан белгиланган бино мактаб.

Сизларга шаҳримиздаги биноларнинг жойлашиши маълум. унда ҳар бир иншоотни қуриш учун маълум гуруҳларга бўлинамиз боғчани 4 та бола қуради, 2 қаватли уйни 4 та бола қуради, кўп қаватли уйни 4 та бола қуради, дўконни қуришга 2 та бола, поликлиникани 4 та бола қуради, мактабни 4 та бола қуради. Мен сизларга леголарни бўлиб бериб тураман қандай катталиқдаги леголардан қанча керак бўлса сонини айтасиз ва шунча олиб ишлатасиз, агар яна керак бўлса яна келасиз. Сизда лево қолиб кетса, қайтариб олиб келасиз. Ҳар бир бинога қайси леводан қанча кетганлигини санаб айтиб берасиз.

Биноларни қуриш учун жой белгиланади ва болалар қуришни бошлайдилар. Тарбиячи болалар ишини кузатади, маслаҳатлар бериб, уларга ёрдам бериб туради.

Болалар биноларни қуриб бўлганларидан кейин бажарган ишларини изоҳлаб берадилар.



**Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Ўхшашини топ”.**

Болалар 2 гуруҳга бўлинадилар. Биринчи гуруҳ болаларининг қўлига ҳар хил ўлчамдаги геометрик шакллар берилади, худди шундай шакллар иккинчи гуруҳ болаларига ҳам берилади. Тарбиячи болаларга қўлларидаги нарсанинг тuzилишига эътибор беришларини айтади, кейин ўртоқларининг қўлига эътибор беришларини айтади. Энг кичик шакл кимнинг қўлида бўлса баланд кўтаришини, сўнг энг катта шакл кимнинг қўлида бўлса у ҳам баланд кўтаришини айтади.

Тарбиячи 1 дан 15 гача санашини ва “15” деган вақтда болалар қўлидаги нарсга қайси боланинг қўлидаги нарсга мос тушишини аниқлаб, шу боланинг ёнига бориб нарсаларни устма-уст қўйиб, ушлаб туришларини айтади. Болалар бемалол бир-бирларининг олдига бориб шаклларни кўриб чиқишлари мумкин. Кейин шакллар алмаштирилади ва яна ўйин давом эттирилади.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Леголарни катта-кичikka ажратаётганда қийналдингизми? Нима учун?

2. Нарсаларнинг шакли уларнинг катта-кичиклигига боғлиқми?

3. Бир хил катталиқдаги нарсаларни ажратиш учун қандай усулдан фойдаланиш мумкин?

4. Биз қурган шаҳардаги энг баланд бинони кўрсатинг.

5. Биз қурган шаҳардаги энг кўп биноларни кўрсатинг.

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## 62-МАШҒУЛОТ ФАЗОВИЙ ТАСАВВУР

**Мавзу:** Катак қоғозга ҳар хил ўлчамдаги квадратлар чизиш

**Мақсад:**

- Болаларни ўқув топшириғини қабул қилишга, ўқув амалиётини бажаришга ўргатиш.

**Кутилаётган натижа:**

- Катакли дафтар варағида тушунган ҳолда ҳар хил ўлчамдаги квадратлар чиза олишни ўрганадилар.

- **Керакли жиҳозлар:**

- Ҳар бир бола учун дафтар, ручка ёки қалам.

Турли ўлчамдаги квадрат шакллари.

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, сизлар яқинда мактабга борасизлар, барчангиз дафтар, ручка билан қандай ишлашни олдиндан билиб олсангиз мактабда ҳеч қийналмайсиз. Ҳозир сизлар билан катакли дафтар варағида ҳар хил квадратлар чизишни ўрганамиз.

Квадратларни қандай чизишни тарбиячи айтиб туради, болалар эшитиб туриб, чизадилар.

**Тарбиячи:** – Мен сизларга тайёр чизмаларни намойиш этмайман, чизиқни қандай чизишни айтаман, сизлар эса мен айтгандай қилиб чизасизлар. Биз ўнг ва чап томонни фарқлашни, санашни ўрганиб олганмиз. Мана менинг ўнг қўлим, ручкани мана бундай қилиб ушлайман. Катакли дафтар ва-



рағида ишлаганимизда доимо варақнинг чап томонидан иш бошлаймиз. Ҳозир сизларга варақда қандай чизиш керак-лигини кўрсатиб, тушунтириб бераман.

Тарбиячи кўрсатиб, тушунтириб беради.

**Билимларни мустақамлаш учун ўйин: «Ўхшашини топ»**

Ҳар хил ўлчамда квадрат шакллари картон қоғоздан 5 тадан қирқилади. Болалар доира ҳосил қилиб турадилар. Ўйин марказига 5 тадан бола навбат билан чиқиб топшириқни бажаради.


Ўйин қоидаси: Болалар биттадан шаклни танлаб оладилар ва қўлларидаги шакл билан бир хилини квадратлар тўшламидан топишлари керак. Ўйинда навбат билан барча болалар иштирок этадилар.

**Болалар учун амалий иш.**

**Тарбиячи:** – Болалар, ўнг қўлингизга ручкани олиб мен кўрсатгандай ушланглар. Олдимиздаги катакли дафтар варағига қараймиз. Қоғозда чизиқлар ёрдамида катаклар чизилган. Биз катаклардан фойдаланиб ҳар хил квадратлар чизамиз. Мен қачон чизиқни ўнг томонга тортинг десам, ўнг қўлингиз томонга чизасиз. Чап томонга десам, чап қўлингиз томонга чизасиз. Сизларга чизиқнинг узунлиги 1, 2, 3, 4 катак бўлишини ҳам айтаман.

Болаларга чизиқни қаердан бошлаб (варақнинг юқори чап бурчагидан, чеккасидан 4 та ёки 5 та катак ташлаб) чизишни кўрсатиш ва айтиб туриш керак. Масалан: 3 та катак ўнгга, 3 та катак пастига, 3 та катак чапга, 3 та катак юқorigа. Шу тарзда бошқа ўлчамдаги квадратлар ҳам чизилади.

*50-расм.*



**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Квадратни тўғри тўртбурчакдан қандай фарқи бор?
2. Қоғозга квадратларни чизишда нималардан фойдаландик?
3. Энг кичик квадрат нечта катакдан иборат?
4. Учинчи квадрат нечта катакдан иборат?
5. Хонадаги квадратга ўхшаш нарсаларни айтинг.

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

### **63-МАШҒУЛОТ ВАҚТ ҲАҚИДА ТАСАВВУР**

**Мавзу: Вақтнинг энг кичик бирликлари – сония ва дақиқа ҳақида тушунча бериш**

**Мақсад:**

- Болаларда сония ва дақиқа ҳақида тушунча ҳосил қилиш.

**Кутилаётган натижа:**

- Болалар вақтнинг энг кичик бирликлари сония ва дақиқа ҳақида билиб оладилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Соат.
- Доиралар, учбурчаклар тўплами ҳар бир столга ва ҳар бир болага карточка.
- Турли ўйинчоқлар.
- Болалар ясаган соатлар.

**Машғулотнинг бориши:**

Тарбиячи болаларга соатни кўрсатиб сўрайди:

**Тарбиячи:** – Болажонлар, бу нима? (Болаларнинг жавоби). Тўғри, болажонлар, бу соат. Соат нима учун керак? (Болаларнинг жавоби).

Соат вақтни билишимиз, ишларимизни ўз вақтида бажаришимиз учун керак. Сизлар вақтни соат ёрдамида аниқлай оласизларми? Вақтни соат ёрдамида аниқлашимиз учун вақт нималарда ўлчанишини билишимиз керак. Вақтнинг энг ки-

чик бирлиги – сония дейилади. Сония жуда қисқа вақт. Секунддан кўпроқ вақтни биз дақиқа ёки дақиқа ёрдамида аниқлаймиз. Демак, дақиқа сониялардан иборат бўлади. 1 дақиқа 60 сониядан ташкил топади. Дақиқадан кўпроқ вақтни биз соат ёрдамида аниқлаймиз. Бир соат 60 дақиқадан иборат бўлади. Соатлар йиғилиб суткани ҳосил қилади. 1 суткамиз 24 соатдан иборат. Болажонлар, келинглар, сизлар билан олдин бир сония жим ўтирамыз ва тинчликни тинглаймиз. Бир сония вақтнинг қанча эканлигини ҳис қилиб кўрамыз-бошладик.

Болалар, бир сония вақт тез ўтдими ёки секин ўтдими? Сиз шу 1 сония вақтда нимага улгурдингиз? Нималарни эшитдингиз?

Энди болажонлар, 1 дақиқа давомида тинчликни тинглаб кўрамыз.

Бир дақиқа вақт давомида нималарни эшитдингиз ва ҳис қилдингиз? Болалар, бир дақиқа тез ўтдими ёки бир сониями?

**Болалар учун амалий иш.**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, келинглар, 1 сония давомида ва 1 дақиқа давомида нима ишлар қилиш мумкинлигини амалда сынаб кўрамыз. Ҳозир ҳаммамиз бир сония давомида олдимиздаги карточканинг юқори қаторига доираларни қўйиб чиқамиз. Мен соатга қараб тураман “Бошладик”, десам бошлайсизлар, “Тугатдик”, десам тугатасизлар. “Бошладик”. “Тугатдик”. Ким нечта доира қўйишга улгурди? Бу карточкани доираси билан бирга чап томонимизга қўйиб қўямиз.

Энди 2- карточкага 1 дақиқа давомида учбурчакларни қўйиб чиқамиз. Мен соатга қараб тураман “Бошладик”, десам бошлайсизлар, “Тугатдик”, десам тугатасизлар. “Бошладик”. “Тугатдик”. Ким нечта учбурчак қўйишга улгурди?

Тарбиячи болаларнинг столига турли ўйинчоқларни қўяди ва улардан фойдаланиб сония ва дақиқада қанча иш бажариш мумкинлиги текшириб кўришни таклиф этади.

Келинглар, болалар, сизларга эртак айтиб бераман. Эртак давомида соатни тўғри кўрсатиб боришингиз керак. Шунинг учун ҳар биримиз ўзимиз ясаган соатни олдимизга қўйиб оламиз. Бу эртагим “Маликанинг куни” деб номлана-

ди. “Қуёш жуда эрта, эрталаб соат олтида уйғонди.” Ўз соатингизда қуёш нечада уйғонганини кўрсатинг. Болалар катта стрелкани 12 га, кичкинасини 6 га қўядилар. “Мана қуёш эрта уйғониб, ўз нурларини таратиб, олмагоннинг қавагига, сичқоннинг уясига, сўнгра Маликанинг кўрпа-ёстиғига тушди. Малика ўрнидан туриб, соатга қаради ва соатнинг катта стрелкаси 12 да, кичкинаси 7 да турганини кўрди. Сиз ҳам ўзингизнинг соатингизни Маликанинг соатига тўғриланг. Малика соат нечада уйғонди?” Болалар ўзларининг соатларини худди тарбиячи айтгандай тўғрилаб, Малика соат 7 да уйғонганини айтадилар. “Малика яна бир оз, бир дақиқа ётай” деди, келинлар болалар бир дақиқанинг ўтишини кутамиз. “Бир дақиқадан сўнг Малика турди. Ҳайвонлар ҳам уйғониб чопдилар, сакрадилар, гимнастика қилдилар. Малика ҳам гимнастика қилди. Нонушта қилди ва мактабга тайёргарлик кўрди. У мактабда ўқишни, санашни, ёзишни ўрганди. Дарслан кейин, соат 12 да у уйга келди. Малика уйга соат нечада келганлигини соатларингизда кўрсатинг. У овқатланди, ўзининг яхши кўрган ўйинларини ўйнади, китоб ўқиди. Бир соат ўтди у дарс тайёрлашга кириши керак эди. Соат стрелкалари нечани кўрсатар эди”. Болалар кичкина стрелкани 1 га, каттасини 12 га қўядилар. “Малика дарсларини тайёрлаб бўлиб, онасининг топшириғига биноан дўконга бориб келди ва онасининг ишдан келишини кутди. Онаси ишдан 4 яримда келди. Соат стрелкалари қандай турган эди? Кечки овқатдан кейин Малика ухлаш учун тайёргарлик кўрди. Соат кечки 8 яримни кўрсатар эди, Малика соат нечада ухлаганини соатингизда кўрсатинг.”

Мана шу билан эртагим тугади, баракалла, болалар, сиз соатни яхши билиб олибсиз. Энди гуруҳимиз соатига қаранг, соат неча бўлибди? Қўлингиздаги соатни гуруҳимиз соатига тўғриланг.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Соат нима учун керак?
2. Дақиқа кўп вақтми ёки сониями?

3. 1 сонияда кўп иш қилиш мумкинми ёки 1 дақиқадами?
4. 1 дақиқа неча сониядан иборат?
5. 1 соат неча дақиқадан иборат?

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## **64-МАШҒУЛОТ ФАЗОВИЙ ТАСАВВУР**

**Мавзу: Теварак-атрофдаги нарсаларнинг вазиятини  
аниқлашга доир машқлар**

**Мақсад:**

- Болаларни атрофидаги нарсаларнинг вазиятини аниқлашга ўргатиш.

**Кутилаётган натижа:**

- Атрофдаги нарсаларнинг жойлашиш тартибини аниқлашни ўрганадилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Хона жиҳозлари, ўйинчоқлар
- Тетиклаштирувчи машқ учун шартли белгилар (51-расм)

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, сизлар мушукларни яхши кўрасизларми? Мен ҳозир сизларга Мошвой номли мушукча ҳақида гапириб бераман. Бир она мушукнинг Мошвой деган боласи бор экан. Мошвой шунақа ҳам чиройли, ширин эканки. Уни ким кўрса, “Вой, анави мушукчани”, дер экан. Мушукча Робия исмли қизнинг уйида яшар экан. Робия ҳар куни мушукчани ўйнайман, деб роса қийнар экан. Мушукча бечора жуда қийналар экан. Бир куни Робия Мошвойни яна қийнабди. Уни тушакчасига ўраб тоғорага солиб ювинтирмоқчи бўлибди. Шунда Мошвой Робиянинг қўлларидан чиқиб омборхонага кириб, беркиниб олмоқчи бўлибди. Омборхонада нарсалар шунчалик кўп эканки, Мошвой қаердан кирганини ва қаердан чиқиб кетиши кераклигини ҳам билмай қолибди. Мошвойнинг думини катта қоп босиб қолибди. Мошвой онасини “миёв-миёв”, деб роса чақириб-

ди. Она мушук Мошвойнинг овозини эшитиб омборхонага кирибди, лекин Мошвой кўринмабди. Она мушук “Мошвой қаердасан?”, дебди, Мошвой бўлса, “Думимни қоп босиб қолди”, дебди. Она мушук: “Турган жойинг қаерда, атрофингдаги нарсаларни айт, мен сени топиб қутқараман”, дебди. Шунда Мошвой атрофига қарабди ва шундай дебди: “Эски шкаф менинг чап тарафимда турибди, унинг устида синган лампа турибди, ўнг тарафимда турли қутилар устмауст тахлаб қўйилган. Олдимда эса аравача бор, аравачанинг устида ҳам турли буюмлар бор.” Она мушук Мошвой айтган нарсаларнинг устидан ўтиб қутқариб олибди. Шундай қилиб Мошвой атрофидаги нарсалар қаерда турганини тўғри айтиб бергани учун, уни онаси тезда қутқариб олибди.

Болалар биз жониворларни ўйнаб, қийнасақ яхшими? Йўқ, уларнинг ҳам жони оғрийди. Биз уларни асраб-авайлашимиз керак.

**Тарбиячи:** – Келинлар, болалар, ўзимиз яхши кўрган «Шартли белгилар асосида ҳаракат қиламиз» машқини бажариб, кейинги фаолиятга тайёрланамиз.

Бу машқда пиктограмма усулида томонлар шартли белгилар билан белгилаб олинади ва мусиқа остида кўрсатилган белги бўйича ҳаракат қилинади. Қайси белгида қандай ҳаракатни бажариш олдиндан ўргатилади.

51-расм.



Олдинга белгиси кўрсатилганда олдинга 1 қадам, орқага белгиси кўрсатилганда орқага 1 қадам юрилади. Чапга, ўнгга белгисида 1 қадам чапга ва ўнгга юрадилар. Сакраш белгисида 3-4 марта сакрайдилар, доира кўрсатилганда турган

жойида 1 айланиб оладилар. Шартли белгиларнинг жойини алмаштириб, ҳаракатлар бир неча марта такрорланади.

**Болалар учун амалий иш.**

Болаларни хонанинг ҳар хил томонларига биттадан туртизиб қўйилади. Тарбиячи ҳар бир боладан теварак-атрофидаги нарсаларнинг вазиятини айтиб беришларини сўрайди ва уларнинг жавобини тинглайди.

**Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: «Нима қаерда жойлашган?»**

Болалар 4 гуруҳга бўлинадилар. 1- ва 2-гуруҳ болаларининг кўзлари боғланади ва ҳар бир бола учун топшириқ берилади. Масалан: Камолжон, сиз каравот олдига боринг. Жамолбек, сиз доска олдига боринг, деб ҳар бир болани хонанинг турли томонида турган нарсалар олдига боришлари айтилади. 3-4-гуруҳ болалари кузатиб турадилар, сўнг гуруҳлар ўрин алмашадилар.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Ўнг томонингизда нима бор?
2. Чап томонингизда нима бор?
3. Айиқча қаерда турибди?
4. Орқангизда нима турибди?
5. Копток қаерда турибди?
6. Қўғирчоқ қаерда турибди?
7. Доска қаерда жойлашган?
8. Кўзингиз юмилган ҳолда юришга қийналмадингизми?

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## 65-МАШҒУЛОТ СОН ВА СЛНОҚ

**Мавзу: Ўзбек миллий сўмлари: 50 сўм, 100 сўм,  
200 сўм, 500 сўм ва пластик карточка билан  
таништириш**

### **Мақсад:**

Болаларни ўзбек миллий сўмлари: 50 сўм, 100 сўм, 200 сўм, 500 сўм ва пластик билан таништириш, сўмларни бир-биридан фарқлай олишга ўргатиш.

### **Кутилаётган натижалар:**

- Болалар ўзбек сўмлари: 50 сўм, 100 сўм, 200 сўм ва 500 сўм пулларнинг тузилиши, ранги, безаклари бўйича бир-биридан фарқини билиб оладилар.
- Пул ва пластикнинг инсон ҳаётида бажарадиган вазифасини тушуниб оладилар.

### **Керакли жиҳозлар:**

- 50 сўм, 100 сўм, 200 сўм, 500 сўм пуллар ва пластик
- Пластик ва пул ўлчамидаги оқ қоғоз қирқимлари, ручка ёки қалам
- Дўкон учун каробкаларда турли маҳсулотлар, ўйинчоқлар

### **Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Азиз болажонлар. Биз қандай давлатда яшаймиз, биласизларми? Ҳа, биз мустақил давлатда яшаймиз. Бизнинг давлатимиз қандай номланади? Ўзбекистон Республикаси дейилади. Давлатимиз рамзларини айтиб беринг (болалар жавоби).

Болалар биз дўкондан бирор нарса сотиб олмоқчи бўлсак, бизга шима керак бўлади?

Болалар, пулимиз, яъни ўзбек сўми ҳам давлатимиз рамзи ҳисобланади.

Болалар, мана мен ҳозир сизларга Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги бўлган сўмларимизни кўрсатаман ва таништираман сиз уларни танийсизларми?

Тарбиячи болаларга “50 сўм”, “100 сўм”, “200 сўм”, “500 сўм” ни кўрсатади. Болаларнинг ўзбек сўмлари ҳақидаги тасавурлари аниқланади.



Тарбиячи пулларнинг (“50 сўм”, “100 сўм”, “200 сўм”, “500 сўм”) кўриниши ҳақида тўла тушунча беради.

**Тарбиячи:** – Болалар, мана бу – “100 сўм”, унга кўпроқ сиёҳ рангда безак берилган бўлиб, миллий нақшлар хумо қуши тасвири билан уйғунлашган ҳамда давлатимизнинг тамғаси билан безатилган, иккинчи томонида Тошкент шаҳридаги “Истиқлол” саройи тасвирланган. “100 сўм”нинг икки томонига ҳам “Юз сўм” сўзи ва 100 рақами ёзиб қўйилган.

Мана бу “200 сўм” пулимизга кўпроқ яшил ранг берилган. “200 сўм”нинг бир томонига Самарқанддаги Регистон майдонида жойлашган “Шердор” мадрасасининг пештоқи-га чизилган шер тасвири миллий нақш элементлари билан берилган, иккинчи томони миллий нақш ҳамда давлатимиз рамзи-тамға билан безатилган. “200 сўм”нинг икки томонига ҳам “Икки юз” сўзи ва 200 рақами ёзиб қўйилган.

“500 сўм” пулимизга кўпроқ қизил ранг берилган бўлиб, миллий нақш билан безатилган. “500 сўм”нинг бир томонида давлатимизнинг тамғаси, иккинчи томонида Амир Темури бобомизнинг ҳайкали тасвирланган. “500 сўм”нинг икки томонига ҳам “Беш юз” сўзи ва 500 рақами ёзиб қўйилган.

Бу пулларнинг барчасининг рақами бор.

Болалар, пулларимизни ёруғликка тутиб, мана бу оқ жойига қарасак, пулимизнинг сирли белгиси кўринади. Пулнинг ич-ичида давлатимиз тамғаси тасвирланган. Буни синчиклаб қараган одам кўради, пул столнинг устида турганида, ёруғга тутмаганимизда бу тамғани кўра олмаймиз. Шундай усул билан пулнинг ҳақиқий эканлигини текшириш мумкин. Барча пулларга “Ўзбекистон марказий банки”, деб ёзиб қўйилган.

Тарбиячи шу тарзда болаларга пулни таништириб боради ва пул муомала воситаси эканлигини тушуқтиради.

**Тарбиячи:** – Ҳозирги кунда ота ва оналарингиз пул пластикка ўтказилгани ҳақида гапирганларини кўи эшитгансиз. Пластикда ҳам пул бўлади. Агар сиз дўкондан нарса олмоқчи бўлсангиз, пластик ёрдамида ҳам олишингиз мумкин.

**Болалар учун амалий иш.**

Ҳар бир столга 100 сўм, 200 сўм, 50 сўм, 500 сўм пул қўйилган бўлади. Болалар пулларни синчиклаб кўриб чиқадилар. Тарбиячи ҳар бир бола олдига оқ қоғоз қирқимларини ва қалам ёки ручка қўяди. Болаларга олдиларидаги қоғозни пул деб тасаввур қилишларини айтиб, қоғозларга 50, 100, 200, 500 деб ёзиб чиқишларини айтади. Болалар пластик ҳам тайёрлайдилар.

Болалар иши кузатилади ва ёрдам берилади.

**Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Дўкон-дўкон”**

Болалар сотувчи ва харидор ролларига бўлиниб оладилар.

**Ўйин қондаси:** Гуруҳ хонасининг бир томонида “Дўкон” ташкил этилади. Болалар ўзлари тайёрлаган пуллар ва пластикдан фойдаланиб, дўкондан турли маҳсулотлар сотиб оладилар ва сотадилар.

Ўйин шу тарзда давом этади.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. 50 сўм пулимизнинг кўриниши қандай?
  2. 100 сўм пулимизнинг кўриниши қандай?
  3. 200 сўм пулимизнинг кўриниши қандай?
  4. Пуллар ичидан 500 сўмликни топиб кўрсатинг.
  4. Пул нима учун керак ?
  5. Пластикда нима бўлади?
  6. Пластикдан фойдаланишни биласизми?
- Машғулот якунида болаларни рағбатлантириш.

## **66-МАШҒУЛОТ МИҚДОР (КАТТАЛИК)**

**Мавзу:** Ўз чамасини ўлчов бирлиги билан ўлчаб кўриб, текширишни ўргатиш

**Мақсад:**

- Болаларга ўз чамасини ўлчов бирлиги билан ўлчаб кўриб, текширишни ўргатиш.

**Қутилаётган натижалар:**

- Болалар нарсаларнинг ўлчамини чамалаб ва турли шартли ўлчовлар билан аниқлашни ўрганадилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Сув, 2 та банка, катта ва кичкина стаканлар, саккиз бурчак шакллари.

- Мош, пиёла.

- Турли ўлчамдаги полоскалар.

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, биз сиз билан турли нарсаларни шартли ўлчовлар ёрдамида ўлчашни билиб олганмиз. Бугун сизлар билан нарсаларни ўлчамасдан туриб қанчалигини чамалаб кўришни ва кейин уни ўлчаб тахминимиз тўғрими, йўқлигини аниқлашни ўрганамиз.

Мана бу банкада сув бор, қани ким айтади сувни катта стаканда ўлчасак нечта стакан чиқиши мумкин?

Болалар тахминий жавобларини айтадилар, тарбиячи уларнинг жавобини олдиндан тайёрланган жадвалдаги исмлари рўпарасига ёзиб қўяди.

Болалар билан биргаликда банкадаги сув катта стакан билан ўлчанади ва нечта стакан сув бўлса, шунча саккизбурчак шакли қўйиб борилади. Кейин болаларнинг олдиндан берган жавоблари билан ўлчаш натижаси солиштирилади ва кимлар тўғри айтганлиги аниқланади, лекин нотўғри жавоблар айтилмайди.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, энди сувни иккинчи банкадан яна биринчи банкага шартли ўлчов билан ўлчаб соламиз. Бу сафар кичкина стакан билан ўлчаймиз. Нима деб ўйлайсизлар, сув кичкина стаканда неча стакан бўлади? Яна болаларнинг жавоби жадвалга ёзилади ва сувни кичкина стакан билан ўлчаб натижа болаларнинг жавоби билан таққосланади.

Худди шу усулда мошни ҳам қанчалигини чамалаб, сўнг ўлчаб натижа аниқланади.

**Тарбиячи:** – Энди болажонлар, келинглар, сизнинг столлингиз юзасининг бўйи ва энини ўлчаймиз. Нима деб ўйлайсизлар, агар мана шу тасма билан ўлчасак нечта тасма чиқа-

ди? Болаларнинг жавоби иккинчи жадвалга ёзиб олинади ва натижа аниқлашгандан сўнг таққосланади.

#### **Болалар учун амалий иш.**

Болаларга турли узунликдаги тасмалар берилади.

Болалардан шкафнинг бўйи қўлларидаги шартли ўлчов тасмаларда қанча чиқishi мумкинлиги сўралади ва жадвалга ёзиб қўйилади. Сўнг ҳар бир бола ўз тасмаси билан шкафнинг бўйини ўлчаб кўради. Болаларнинг натижаси олдин берилган тахминий жавоблар билан таққосланади.

**Машғулот якунида тарбиячи билимларни умумлаштиради:** Демак, болажонлар ҳамма вақт ҳам тахминимиз тўғри чиқавермас экан. Аниқ жавобни билиш учун албатта ўлчаб кўришимиз керак экан, тўғрими?

**Болалар билимини аниқлаш ва мустақамлаш учун саволлар:**

1. Биз банкадаги сувни қандай шартли ўлчовлар билан ўлчалдик?

2. Сизнинг ўлчашдан олдинги чамалаган тахминингиз тўғри чиқдими?

3. Стол юзасини қайси шартли ўлчов билан ўлчалдик? Стол юзасининг бўйи нечта тасма чиқди?

4. Сиз қандай шартли ўлчовларни биласиз?

6. Бизнинг нарсаларнинг қанчалиги тўғрисидаги чамаларимиз ҳамма вақт ҳам тўғри чиқадими?

7. Нрсаларнинг узунлигини қандай шартли ўлчовлар билан ўлчаш мумкин?

8. Битта нарсани ҳар хил шартли ўлчовлар билан ўлчаганимизда натижа бир хил бўладими?

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## 67-МАШҒУЛОТ ГЕОМЕТРИК ШАКЛЛАР

**Мавзу:** Махсус шакллар тўпамидан фойдаланиб,  
намунадаги нарсаларни ҳосил қилиш

**Мақсад:**

- Болаларга махсус геометрик шакллар тўпамидан намунадаги нарсаларни ясашни ўргатиш.

**Кутилаётган натижа:**

- Болалар махсус геометрик шакллар тўпамидан намунадаги нарсаларни ясашни ўрганиб оладилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Оқ қоғоз (бўйи 20 см, эни 30 см) ва елим (ҳар бир болага).

- 1-топшириқ учун ҳар бир болага 1 рақами ёзилган конверт, 1 та учбурчак, 8 та доира, 4 та катта ва 1 та кичик тўғри тўртбурчак, 3 та кичик ромб, 2 та квадрат шакли (52-расм).

- 2-топшириқ учун 1 рақами ёзилган конверт, 21 та тўғри тўртбурчак шакллари ва оқ қоғоз (53-расм).

- 3-топшириқ учун турли ўлчамдаги геометрик шакллар тўплами, оқ қоғоз.

**Машғулотнинг бориши:**


**Тарбиячи:** – Болажонлар, биз сизлар билан геометрик шакллардан ҳар хил нарсаларни олдин ҳам ясаганмиз. Бугун янада қизиқарли нарсалар ясашни ўрганамиз.

1-топшириқ.


**Тарбиячи:** – Бир рақами ёзилган конвертларни олиш. Бу конвертларда поезд ясаш учун турли геометрик шакллар бор. Геометрик шаклларни сананг.

Қани, болажонлар, ким айтади нечта тўғри тўртбурчак бор экан? Нечта учбурчак ва доира бор экан? Нечта ромб бор экан? Нечта квадрат бор экан?

Болажонлар, ҳозир сиз билан поездни тасвирга қараб ясаймиз.



(Тарбиячи поезд тасвирини ҳаммага кўринадиган жойга олиб қўяди). Қани болажонлар, ишга киришдик.



**Тарбиячи:** – Поезд шаклини ясаш қийин эмасми? Шаклларни худди тасвирдагидай қўйиб олинг. Худди тасвирдагидай бўлиши керак, чунки тасвирда ва сизларда бир хил геометрик шакллар, уларнинг ўлчами ҳам бир хил.

Тарбиячи болалар ишини кузатади, топшириқни бажаришга қийналганларга маслаҳатлар беради ва ёрдамлашади. Болалар поездни ясаб бўлганларидан сўнг тарбиячи уларни рағбатлантиради:


- Поездларингиз жуда чиройли чиқди, баракалла, болалар.

### 2-топшириқ.

**Тарбиячи:** – Энди болажонлар, 2 рақами ёзилган конвертни олинг. Бу конвертда нима бор экан? Тўғри болажонлар, 2 рақами ёзилган конвертда турли ўлчамдаги тўғри тўртбурчаклар бор. Болажонлар, келинглар, фақат тўғри тўртбурчаклардан фойдаланиб робот ясаймиз.

Тарбиячи болалар ишини кузатади, топшириқни бажаришга қийналганларга маслаҳатлар беради ва ёрдамлашади.

**Тарбиячи:** Болажонлар роботни ясаш қийин эмасми? Баракалла, болажонлар, роботни жуда тўғри ясадингиз.



### 3- топшириқ.

**Тарбиячи:** – Болажонлар, сизлар махсус шакллар тўпладан турли нарсалар ясашни ўрганиб олдингиз. Энди сизларга ҳар хил шакллар берилади, сиз мустақил ҳолда ўзингиз хоҳлаган нарсани ясаб, мана шу оқ қоғозга елимайсиз.

Болаларнинг ишлари “Ижодий ишлар” бурчагига қўйилади.

### Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Болажонлар, поездни ясашда қандай шакллардан фойдаландик?
2. Поездни ясашда сизга нотаниш бўлган шаклдан фойдаландикми?
3. Поездни ясашда нечта учбурчак шаклини ишлатдик?
4. Поездни ясашда нечта доира ишлатдик?
5. Роботни ясашда қандай шакллардан фойдаландик?
6. Роботни ясашда нечта тўғри тўртбурчакдан фойдаландик?

Машғулот давомида ва якунида барча болаларни рағбатлантириш.

## 68-МАШҒУЛОТ ФАЗОВИЙ ТАСАВВУР

### Мавзу: Катак қоғозда квадрат ва учбурчак шакллари штрихлар орқали тасвирлаш

#### Мақсад:

- Болаларда катак дафтар варағига турли шакллари штрихлар (узук-узук чизиқлар) билан белгилаш кўникмасини ҳосил қилиш.

#### Кўтилаётган натижа:

- Болалар катак қоғозда квадрат, учбурчак шакллари чизишни ўрганадилар.
- Болаларнинг майда қўл моторикаси ривожланади.

#### Керакли жиҳозлар:


- Катак дафтар, ручка ёки қалам.
- Саноқ чўплари.

#### Машғулотнинг бориши:

**Тарбиячи:** – Болажонлар, сизлар геометрик шакллар: учбурчак ва квадрат шакллари жуда яхши танийсизлар. Улар бир-биридан нимаси билан фарқ қилади? Сизнинг-ча қайси шаклини чизиш осонроқ? Келинглар, болалар, квадрат ва учбурчак шаклини яна бир бор кўриб чиқайлик. Уларнинг томонлари ва бурчакларига қаранг, учбурчакнинг томонлари ва бурчаклари 3 та, квадратнинг бўлса томонлари ва бурчаклари 4 та.

Энди уларни чизишни ўрганамиз. Дафтар варағининг чап томонидан 4 та катак санаб, қаламда нуқта белгилаб оламиз. Юқоридан пастга қараб 4 та катак санаб тушамиз ва биринчи нуқтага тўғрилаб белгилаймиз. Нуқтадан ўнг томонга қараб 10 та катак санаб нуқта кўямиз. Чап томондаги нуқтадан пастга қараб 10 та катак санаб нуқта кўямиз. Ўнг томондаги нуқтадан ҳам пастга қараб 10 та катак санаб нуқта кўямиз. Мана квадрат шакли ҳосил бўлди. Энди нуқталар орасини калта чизиқлар билан белгилаб чиқамиз. Тарбиячи шу тарзда учбурчак чизишни ҳам тушунтиради.





### Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Эпчиллар ва чаққонлар”

Болалар 4 та гуруҳга бўлинадилар ва ҳамма гуруҳ бир вақтда саноқ чўплар ёрдамида штрихлагандек учбурчакни ясайдилар. Кейин квадратни ясайдилар, қайси гуруҳ тўғри ва тез бажарса ўша гуруҳ ғолиб бўлади.



### Болалар учун амалий иш.

Ҳар бир болага дафтар ва ручка берилди. Тарбиячи учбурчак ва квадрат шаклини узук-узук чизиқлар ёрдамида чизишни айтиб туради, болалар чизадилар.

### Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Қайси шаклни чизиш осон бўлди?
2. Қайси шаклни чизиш қийин бўлди?
3. Шаклларни чизишда қоғозда катаклар бўлмаса ҳам чиза оласизми?
4. Узук-узук чизиқлар билан чизиш сизга ёқдими?
5. Учбурчак ва квадрат шаклларининг ўхшаш жиҳатларини айтинг.

6. Учбурчак ва квадрат шаклларининг фарқли жиҳатларини айтинг.

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## 69-МАШҒУЛОТ ФАЗОВИЙ ТАСАВВУР

**Мавзу:** Дафтар сатҳини аниқлаш ва шаклларни штрихлар орқали чизиш

**Мақсад:**

- Болаларга дафтар сатҳини тўғри белгилай олишни ўргатиш.

**Кутилаётган натижа:**

- Болалар шаклларни дафтар сатҳига тўғри жойлаштиришни ўрганадилар.


**Керакли жиҳозлар:**

- Катак дафтар, ручка ёки қалам
- Намуна учун тасвирлар (56 - 57 расмлар).
- Ҳар бир болага 10 та ёки 20 та таёқчалар

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, бизнинг кўзларимиз, қошларимиз, бурнимиз ва оғзимиз қаеримизда жойлашган? Тўғри, улар бизнинг юзимизда жойлашган. Яхшилаб эътибор беринглар-чи, бурнимиз юзимизнинг қаерида жойлашган. Кўзимиз-чи? Оғзимиз-чи?

*56-расм.*



Доскадаги расмга қаранглар, бу ерда инсон юзи тасвирланган. Мен бу тасвири дафтар варағида акс эттирдим. Агар тасвирдаги қош, кўз, бурун ва оғизни ўз ўрнида чизмасак, у инсон юзига ўхшамай қолади.

Шунинг учун биз тасвири чизишдан олдин қоғоз сатҳини белгилашни билиб олишимиз зарур. Қоғоз сатҳини белгилашда қоғозга чизилган катаклардан фойдалансак ҳам бўлади. Катакли дафтар варағидаги чизиқлар бизга ёрдам бериши мумкин. Шаклни чизиш учун катакларни санаб ёки кўз билан чамалаб чизиш мумкин.

Масалан, одамнинг пешона қисми варақнинг юқори қисмига тўғри келади. Биз пешона ўрнига тўғри тўртбурчак чизишимиз мумкин. Тўғри тўртбурчакни калта чизиқлар билан белгилаймиз. Варақнинг чап томонидан 1 та, ўнг томонидан 1 та катак ташлаб белгилаймиз. Варақнинг юқори томонидан 1 та катак ташлаб белгилаймиз ва белгидан пас-тга яна 2 та катак ташлаб белгилаймиз. Белгилар асосида калта чизиқлар чизиб чиқамиз.

Тарбиячи шу тарзда қоғоз сатҳига штрихлар ёрдамида шаклларни ҳосил қилишни тушунтириб беради.

#### **Болалар учун амалий иш.**

Ҳар бир болага дафтар, ручка ёки қалам берилади. Болалар тарбиячи кўрсатган намуна асосида варақда шаклларни штрихлар ёрдамида тасвирлайдилар.

*57-расм.*



#### **Билимларни мустақкамлаш учун ўйин: “Сеҳрли таёқчалар”**

Болалар 2 гуруҳга бўлинадилар. 1-гуруҳ болаларининг ҳар бирининг қўлига 10 та ёки 20 та таёқчалар берилади. Тарбиячи 10 та катак чизади ва 1-гуруҳ болалари катак ол-

дига келиб турадилар. 2-гурух болалари кузатувчи ва баҳоловчи сифатида иштирок этадилар.

Ўйин қондаси: тарбиячининг ишораси билан 1-гурух болалари катак ичида таёқчалар ёрдамида шакл ҳосил қилишлари керак. 2-гурух болалари томонидан энг чиройли ва тўғри жойлаштирилган тасвир танланади. Ўйин гуруҳларнинг ўрнини алмаштириш билан давом этади.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Катак дафтар варағи қандай шаклда?
  2. Агар вараққа битта коптокнинг расмини чизмоқчи бўлсангиз, копток тасвирини қоғоз сатҳининг қаерига жойлаштирасиз?
  3. Агарда битта қоғозга 4 та шакл чизмоқчи бўлсангиз, уларни қоғоз сатҳининг қаерларига жойлаштирасиз?
  4. Катак дафтар варағига яна қандай тасвирлар чизиш мумкин?
  5. Таёқчалар ёрдамида қандай шакл ҳосил қилдингиз?
  6. Бугун нималарни ўргандингиз?
  7. Қайси топшириқни бажариш сизга қийин бўлди?
  8. Қайси топшириқни бажариш осон бўлди?
- Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## **70-МАШҒУЛОТ МИҚДОР (КАТТАЛИК)**

**Мавзу: Суюқ ва тўкилувчи жисмларнинг ҳажмини шартли ўлчов бирлиги билан ўлчаш**

**Мақсад:**

- Болаларнинг суюқ ва тўкилувчан жисмларнинг миқдорини ўлчаш ҳақидаги тасавурларини мустаҳкамлаш.

**Кўтилаётган натижа:**

- Болалар суюқ ва тўкилувчи жисмлар миқдорини ўлчашни ўрганиб оладилар.

- Ўлчамнинг натижаси ўлчамнинг аниқлигига боғлиқ эканлигини тушунадилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Ошхона жиҳозлари.
- Суюқ жисмлар-сув, сут, ёғ.
- Тўкилувчи жисмлар-уп, гуруч, қум.
- Ўйинчоқ челақча, катта челақ, пиёла, чўмич, қошиқ, бел-курақча.

- Болалар олдидарига тақин учун фартукча, сочиқ.

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болалар, бугунги машғулотимиз боғчамиз ошхонасида бўлиб ўтади. Чунки бугун сизлар суюқ ва тўкилувчи жисмларни ўлчамни ўрганишнинг из учун бу ерда барча шароитлар бор. Болалар, суюқ жисмлар нималар, биласизми? Суюқ жисмлар – бу сув, сут, ёғ. Тўкилувчи жисмлар нималар биласизми? Тўкилувчи жисмлар – уп, гуруч, яъни донли маҳсулотлар, бундан ташқари қум, тунроқ ҳам. Суюқ ва тўкилувчи жисмларни нимада ўлчам мумкин? (*Болалар жавоби*) Тўғри, тарози билан ўлчам керак, лекин тарози бўлмасачи?

Ҳозир ҳар куни ширил-ширил таомлар пишириб берадиган ошпаз оналаримиз ошхонада суюқ ва тўкилувчи жисмларни қандай ўлчаб, сизларга овқат тайёрлаб беришларини кўрсатиб берадилар.

Ошпаз аввало болаларга парти ўлчов бирликлари – банка (1 литрли, 0,5 литрли), чўмич, пиёла, коса, челақ, қошиқ эканлигини айтади. Овқат тайёрлаш жараёнида ёғни банкада, чўмичда ўлчам мумкинлигини айтади, масалан, 1 кг ёғнинг неча чўмич чиқишини ўлчаб кўрсатади. Овқат тайёрлаш учун ишлатиладиган катта ҳажмлиги (60 кг) кострюлкага челақда ўлчаб ҳар куни ўн челақ сувни қуйишларини айтади ва ўлчаб кўрсатади. Челақка эса неча банка сув сиғишини кўрсатади. Донли маҳсулотлар: гуруч, оқноқ, нўхатларни ўлчаб кўрсатади. Болалар қошиқ ҳам ўлчов бирлиги бўлиши мумкинлигини билишлари керак.

Болалар ошпазлар ишини кузатиб бўлишларидан сўн навбат билан донли маҳсулотларни амалда ўлчаб кўрадилар.

### **Болалар учун амалий иш.**

Болалар қум тўкилган майдонда ўйинчоқ челақлари билан катта челаққа қанча қум сиғишини ўлчаб кўрадилар.

### **Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин: “Бозор-бозор”**

Болалар уч гуруҳга бўлинадилар.

Биринчи гуруҳ “сотувчилар” бўлади, қолган икки гуруҳ “харидорлар” бўладилар. “Сотувчи” бўлган етти нафар бола қумларни ўз олдларига тўп қилиб уйиб оладилар. Ўлчов бирлиги сифатида ўйинчоқ пиёла, белкуракча, чўмич, қошиқ ёки челақчалардан фойдаланадилар.

Ўйин қоидаси: Етти нафар бола “сотувчи” сифатида ўз қумларини “ун”, “гуруч”, “туз”, “нўхат”, “ловия”, “мош”, “чой” деб номлаб оладилар.

“Келиб қолинг, унга, бир челаги 100 сўм”

“Келиб қолинг мошга, бир пиёласи 200 сўм” деб «харидорлар»ни чақирадилар.

“Харидорлар” “сотувчи”лардан хоҳлаганининг олдига бориб нарсаларни савдолашади ва қанча олишини айтадилар. “Сотувчилар” улар танлаган нарсани ўлчаб берадилар. “Харидорлар” ўлчов бирлигидаги моддани тўлиқ ўлчашига эътибор беришлари керак. Яъни идишлар тўла бўлиши зарур. Болалар ўлчовни санаб борадилар.

Болалар ўйнаб бўлганларидан кейин қўлларини ювадилар.

### **Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Суяқ жисмларни айтиб беринг.
2. Қандай шартли ўлчовларни биласиз?
3. Тўкилувчи жисмларга нималар киради?
4. Суяқ жисмларни нималар билан ўлчаш мумкин?
5. Донларни қандай ўлчов бирлиги билан ўлчаш мумкин?
6. Суяқ жисмларни қандай буюмларда ўлчаш мумкин?
7. Суяқ ва тўкилувчи жисмларни ўлчаган нарсаларимизни бир сўз билан қандай аташ мумкин?

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## 71-МАШҒУЛОТ ГЕОМЕТРИК ШАКЛЛАР

**Мавзу:** Етишмаган шаклни, жисм (шар, куб, цилиндр) ни топишга доир мантиқий масалалар ечиш

### **Мақсад:**

- Болаларнинг етишмаган шаклни, жисм (шар, куб, цилиндр) ни топишга доир мантиқий масалалар ечиш кўникмасини мустаҳкамлаш.

### **Кутилаётган натижалар:**

- Болаларнинг етишмаган шаклни, жисм (шар, куб, цилиндр) ни топишга доир мантиқий масалалар ечиш кўникмаси мустаҳкамланади.

### **Керакли жиҳозлар:**


- Ҳамма ҳажмли шакллар тўплами ва етишмаган шакллар тўплами тасвирланган карточкалар (кўргазма учун 58-расм, амалий ишлар учун 59-60 расмлар).

- Куб, шар, цилиндр-ҳажмли шакллар тасвирланган карточкалар (10 та).

### **Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, биз сизлар билан олдин ҳам етишмаган шаклларни топиш бўйича топшириқларни жуда кўп ечганмиз. Бугун етишмаган ҳажмли шаклларни топиш бўйича топшириқларни ечишни ўрганамиз.


**Тарбиячи:** – Болажонлар, мана бу карточкада тасвирланган ҳажмли шаклларга эътибор беринг. Бу расмда 3 та қаторга қандай ҳажмли шакллар чизилган? Тўғри, болажонлар, 1-қаторда куб, 2-қаторда цилиндр, 3-қаторда шар тасвирланган. Расмдаги ҳамма ҳажмли шакллар бир хил ўлчамдами? (*Болалар жавоби*) Тўғри, болажонлар, расмдаги ҳажмли шакллар ҳар хил ўлчамда. Ҳар бир қатордаги ҳажмли шакллар кичикдан каттагача қилиб тартибланган. 1- ва 2-қаторларга қандай катталиқдаги шаклларни тасвирлашни унутишган?



**Тарбиячи:** – Болажонлар, биринчи қаторга кичик кубдан каттароқ, катгасидан кичикроқ кубни қўйини керак. Иккинчи қаторга энг катга цилиндр қўйилади.

**Билимларни мустаҳкамлаш учун ўйин:** “Олинган шаклни топ”

10 та кагак чизиқ чизилади. Болалар 10 тадан бўлиб икки гуруҳга бўлинадилар. Биринчи гуруҳдаги 10 та боланинг ҳар бирига 1 тадан ҳажмли шакл тасвирланган карточка берилади. Болалар 1 тадан кагакни танилаб, ичига қўлларидати ҳажмли шаклни жойлаштирадилар ва жойларига бориб турадилар. Иккинчи гуруҳ болалари кагакларга қўйилган ҳажмли шаклларни яхшилаб кўриб чиқадилар ва тескари қараб турадилар. Биринчи гуруҳдан бир бола 1 та ҳажмли шаклни олиб қўяди. Иккинчи гуруҳ болалари қайси шакл олиб қўйилганини топдилари керак бўлади.






**Болалар учун амалий иш.**

Қайси қатордаги ҳажмли шакллар бир хил жойлашган?

Қайси қаторлардаги ҳажмли шакллар бир хил жойлашмаган?

Фарқини айтинг.

60-расм.



**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Етишмаган ҳажмли шаклни топишга доир топшириқлар қизиқарли эканми?

2. Ҳажмли шакллардан нималар қуриш мумкин?

3. “Олинган ҳажмли шаклни топ” ўйинида қайси ҳажмли шаклларни олиб қўйдингиз?

4. Етишмаган ҳажмли шаклларни топишга қийналмадингизми?

5. Мен сизга ҳозир 3 та ҳажмли шакл айтаман, диққат билан эшитинг ва эслаб қолинг: цилиндр, шар, куб. Энди яна бир марта айтаман: цилиндр, шар. Қайси ҳажмли шаклни айтмадим?

6. Минорани қайси ҳажмли шаклдан қуриш мумкин?

7. Уйни қайси ҳажмли шаклдан қуриш мумкин?

8. Мен сизга ҳозир геометрик шаклларни айтаман, диққат билан эшитинг ва эслаб қолинг: бешбурчак, цилиндр, квадрат, шар, куб. Энди яна бир марта айтаман: бешбурчак, квадрат, шар, куб. Қайси ҳажмли шаклни айтмадим?

Машғулот давомида ва якунида барча болаларни рағбатлантириш.

## 72-МАШҒУЛОТ ФАЗОВИЙ ТАСАВВУР

**Мавзу:** Қоғоз варағининг ўнг-чап, юқори-паст қисми ва ўртасини аниқлаш

**Мақсад:**

- Болаларнинг қоғоз варағида ўнг, чап, юқори, паст, ўрта қисмини аниқлаш кўникмасини мустаҳкамлаш.

**Кутилаётган натижа:**

- Болалар аниқ топшириқ ва машқларда қоғоз варағининг ўнг, чап, юқори, паст ва ўртасини аниқлашни ўрганадилар.

**Керакли жиҳозлар:**

- Оқ қоғоз (бўйи 20 см, эни 30 см)
- Геометрик шакллар: ромб, овал, саккизбурчак, олтибурчак, бешбурчак
- Оқ қоғоз ва рангли қаламлар

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** – Болажонлар, сизлар билан ўнг-чап, юқори-паст ҳақида олдин ҳам жуда кўп гаплашганмиз. Дафтар варағининг сатҳини аниқлашни ҳам машқ қилганмиз. Бугун оқ қоғознинг ўнг ва чап томонини, юқориси, паст ва ўртасини аниқлашни ўрганамиз.

Тарбиячи доскага илинган қоғоз варағида кўрсатиб беради. Ҳар бир бола ўзи мустақил бажаради.

**Тарбиячи:** – Бунинг учун ҳаммамиз олдимиздаги қоғоз варағининг ўнг қўлимиз томонига, юқорисига қизил бешбурчакни қўямиз. Бу томон қоғознинг юқориги ўнг бурчаги бўлади.


Қоғоз варағининг ўнг томони пастига сариқ ромбни жойлаштирамыз. Бу томон қоғоз варағининг пастки ўнг бурчаги бўлади.

Қоғоз варағининг чап қўлимиз томонига, юқорисига яшил овални қўямиз. Бу томон қоғоз варағининг юқори чап бурчаги бўлади.

Қоғоз варағининг чап томони-пастига кўк саккизбурчак шаклини қўямиз. Бу томон қоғоз варағининг пастки чап бурчаги бўлади.

Қоғоз варағининг ўртасига бинафша рангдаги катта олтибурчакни жойлаштирамиз. Демак, катта бинафша олтибурчагимиз варақнинг ўртасига қўйилди.

61-расм.



Энди ҳамма ёнидаги ўртоғининг ишни қандай бажарганлигини текшириб чиқади. Мен сиздан кейин ҳамманинг ишини текшириб чиқаман. (Топшириқни тўғри бажармаганларга ёрдам берилади).

#### **Билимларни мустақкамлаш учун ўйин: “Ҳа-йўқ”**

Ҳозир биргаликда “Ҳа-йўқ” ўйинини ўйнаймиз. Аввал ўйиннинг шарти билан танишиб чиқамиз. Мен қоғоз варағининг қайси жойида қандай шакл турганлигини айтаман, сиз “ҳа” ёки “йўқ” деб жавоб берасиз.

– Қоғоз варағининг юқориги чап бурчагига қизил доира қўйилган (Йўқ).

– Қоғоз варағининг юқориги ўнг бурчагига кўк доира қўйилган (Йўқ).

– Қоғоз варағининг юқори чап бурчагига яшил овал қўйилган. (Ҳа).

– Қоғоз варағининг пастки чап бурчагига тўқ сариқ тўртбурчак қўйилган (Йўқ).

– Қоғоз варағининг юқориги ўнг бурчагига қизил беш-бурчак қўйилган (Ҳа).

– Қоғоз варағининг ўртасига катта қизил доира қўйилган (Йўқ).

– Қоғоз варағининг пастки чап бурчагига яшил саккизбурчак қўйилган (Йўқ).

– Қоғоз варағининг ўртасига бинафша ранг олтибурчак қўйилган (Ҳа).

– Қоғоз варағининг юқориги чап бурчагига тўқ сариқ квадрат қўйилган (Йўқ).

– Қоғоз варағининг пастки чап бурчагига кўк саккизбурчак қўйилган (Ҳа).

– Қоғоз варағининг пастки ўнг бурчагига сариқ ромб қўйилган (Йўқ).

“Ҳа-йўқ” ўйинида ҳамма яхши қатнашди, қарсақ чалиб бир-биримизни олқишлаймиз. Баракалла, болалар.

**Тегиклаштирувчи машқ.**

**Болалар учун амалий иш.**

Болажонлар, расм чизишни яхши кўрасизларми? Ҳозир ҳаммамиз биргаликда расм чизамиз. Асосий чизадиган нарсаларни мен айтиб тураман, қолганини сиз ўзингиз хоҳлаганингизча давом эттиришингиз мумкин.

Ҳаммамиз қўлимизга сариқ қаламни оламиз ва қоғоз варағининг юқориги ўнг бурчагига қуёш расмини чизамиз. Ҳамма чиздимми?

Оч кўк қаламни олиб қоғознинг юқориги чап бурчагига булут расмини чизамиз. Сиз қандай тасаввур қилсангиз шундай чизаверинг.

Қора қаламни олиб қоғознинг пастки чап бурчагига уйча чизамиз.

Қоғознинг пастки ўнг бурчагига дарахт ва гулларнинг расмини чизамиз. Бунда қандай рангдан фойдаланамиз? (Болаларнинг жавоби). Жуда тўғри.

Қоғоз варағининг ўртасига участкан қуш расмини чизамиз.

Болажонлар расми ўзингиз хоҳлагандай давом эттиришингиз мумкин.

Энди ҳаммамиз расмимизни “Ижодий ишлар кўргазмасига” илиб қўямиз ва бир-биримизнинг ишимизни кўриб чиқамиз.

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Қоғознинг юқориги чап бурчагига ниманинг расмини чиздик?
2. Қоғознинг пастки ўнг бурчагига нималарнинг расмини чиздик?
3. Қуёшни қоғознинг қайси бурчагига чиздик?
4. Қоғознинг пастки чап бурчагига ниманинг расмини чиздик?
5. Қушни қоғознинг қаерига чиздик?
6. Уйни қоғоз варағининг қаерига чиздик?
7. Дарахтни қоғоз варағининг қаерига чиздик?
8. Булутни қоғоз варағининг қаерига чиздик?

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни ширин сўзлар билан рағбатлантиради.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари. – Тошкент, 2012.
2. Мирджалилова С.С. ва бошқалар. “Болажон” таянч дастури. – Тошкент: “Маърифат-Мадаккор”, 2010 й. 230 б.
3. Бекбоева Н.У., Алиева У.С. Математика. Болалар боғчалари учун қўлланма. – Тошкент, 1999.
4. Бекбоева Н.У., Ибраҳимова З.И., Қосимова Х.И. Мактабгача ёшдаги болаларда математик тасавурларни шакллантириш. Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1995 -184 бет.
5. Метлина Л.С. Болалар боғчасида математика. Тошкент, “Ўқитувчи”. 277 бет. 41, 102, 103 бетлар.
6. Генис А.Л., Зимнухова И.А., Шитов А.М. Считалочка. Учебное пособие по математике для дошкольников. – Москва, 1998 -80 с.
7. Дановская И.Б., Ҳайдаров Б. Ёш билимдонларга. Қизиқарли савол ва масалалар тўплами. Қомуслар Бош таҳририяти. – Тошкент, 1995 -142 бет.
8. Козлова В.А. Математика для дошкольников. Книга для детей и воспитателей. – Москва: “Школа-Пресс”, 88 ст.
9. Шевченко С.Г., Капустина Г.М. Предметы вокруг нас. Тетрадь с печатной основой для индивидуальных и групповых коррекционных занятий. – Смоленск, 1998 -64 стр.
10. Каримова Д. Болаларни ўлчашга ўргатиш. Тайёрлов гуруҳи болалари учун машғулотлардан намуналар. Методик тавсия. Тошкент, 2009 –35 бет.
11. Боситхонова М. Иқтисод алифбоси. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2001.
12. Бикбаева Н.У. Знакомимся с математикой. (Дидактический материал по математике). – Т.: “Ўқитувчи”, 1995.
13. Бола шахсини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари. II – Халқаро илмий-амалий анжуманининг тезис ва мақолалар тўплами. 3-5 апрел. – Тошкент, 2008. 400 бет. 89-90 бетлар.
14. Эркин Малик. Тест болаларга. – Т.: “Шарқ”, 2005.
15. Мактабгача таълим. Журнал. – 2006-2012 й.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	3
1-машғулот. 10 гача бўлган сонларни тўғри ва тескари санаш малакаларини мустаҳкамлаш .....	15
2-машғулот. Нарсаларни бўлиш усули билан 2 та тенг қисмга бўлишни ўргатиш .....	17
3-машғулот. Кўпбурчак билан таништириш .....	20
4-машғулот. Қоғоз варағида турли нарсаларнинг вазиятини аниқлаш бўйича машқлар .....	22
5-машғулот. 10 гача бўлган сонлар ичида олдин ва кейин келадиган сонни топиш .....	24
6-машғулот. Нарсаларнинг қалин-юпқалигини қиёслаш .....	27
7-машғулот. Кўпбурчакнинг томонлари ва қирралари ўзаро боғлиқлигини тушунтириш .....	29
8-машғулот. Сутка қисмлари: Эрталаб, кундузи, кечқурун, тун ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш .....	31
9-машғулот. Ёнма-ён турган сонлар орасидаги муносабатларни тушунишга ўргатиш .....	34
10-машғулот. Бутунни 4 та тенг қисмга бўлиш, бутун ва қисмни таққослашни ўргатиш .....	37
11-машғулот. Сўз билан у ёки бу нарсаларнинг бошқа нарсага нисбатан жойлашган ўрнини аниқлашга ўргатиш .....	40
12-машғулот. Кун ва туннинг кетма-кетлиги, кундалик фаолиятларнинг тақсимланиши ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш .....	41
13-машғулот. Иккита кичик сонлардан катта сонни ҳосил қилишни ўргатиш .....	43
14-машғулот. Нарсаларни 2, 4, 8 та тенг бўлакка бўлиш ва натijasини ярим, чорак (тўртдан бир), нимчорак (саккиздан бир) каби аталишини билишга ўргатиш .....	46
15-машғулот. Квадрат ва тўғри тўртбурчак, тўртбурчакларнинг турли кўринишлари бор эканлиги ҳақида тасаввурларни шакллантириш .....	49
16-машғулот. Ҳафта кунларининг кетма-кетлиги ҳақидаги тасаввурларни мустаҳкамлаш .....	52
17-машғулот. Мисолларни рақамлар ёзилган қоғозлар ёрдамида ифодалаб ечишга ўргатиш .....	54

18-машғулот. Шакллардан шакллар тузишни ўргатиш .....	56
19-машғулот. “Қизиқарли учбурчак” .....	58
20-машғулот. Фазода йўналишни аниқлай олиш кўникмаларини шакллантириш, юриш, югуриш вақтида ҳаракат йўналишини ўзгартириш .....	61
21-машғулот. 1 дан 10 гача бўлган сонларни ёзувда фарқлашни ўргатиш .....	63
22-машғулот. Бутун нарсаларни 10 та тенг қисмга бўлиш .....	65
23-машғулот. Жойида йўл топа билиш, теварак-атрофда ўз ўрнини аниқлаш .....	68
24-машғулот. 15 гача тартиб билан санашга ўргатиш .....	70
25-машғулот. Ўтаётган ой, сана, ҳафта кунини номлари билан таништириш .....	73
26-машғулот. Таёқчалар ёрдамида турли шаклларни ясаш .....	75
27-машғулот. Етишмаган шаклни топишга доир мантиқий масалалар ечишга ўргатиш .....	78
28-машғулот. Кеча, бугун, эрғага қандай кун (сана) эканлиги билан таништириш .....	81
29-машғулот. Арифметик масала тузилиши билан таништириш .....	83
30-машғулот. Нарсаларнинг бўйи ва энини шартли ўлчов бирлигида ўлчаш ва таққослаш .....	86
31-машғулот. Етишмаган шаклни топишга доир мантиқий масалалар ечишга ўргатишни давом эттириш .....	88
32-машғулот. Йил фасллари .....	91
33-машғулот. 15 гача санашни ўргатиш .....	96
34-машғулот. Таёқчаларнинг ўрнини алмаштириш натижасида берилган шаклларни ўзгартиришга мўлжалланган масалалар ечиш .....	97
35-машғулот. Шартли ўлчов ёрдамида ўлчаш .....	100
36-машғулот. Йил тақвими билан таништириш .....	102
37-машғулот. 20 гача бўлган сонлар билан таништириш ва тартиб билан санашга ўргатиш .....	103
38-машғулот. Шартли ўлчов ёрдамида нарсаларнинг бўйи ва энини ўлчашни ўргатишни давом эттириш .....	106
39-машғулот. Катак қоғозда кўпбурчаклар чизиш .....	108
40-машғулот. Йил тақвими ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш .....	110
41-машғулот. Арифметик масала тузилиши билан таништиришни давом эттириш .....	113
42-машғулот. Ромб шакли билан таништириш .....	115
43-машғулот. Ўзига нисбатан нарсаларнинг жойлашувини аниқлаш .....	117



44-машғулот. Соат ва унинг турлари билан таништириш .....	119
45-машғулот. 20 гача бўлган ҳар бир сонни биттага орттириш ва камайтиришга ўргатиш .....	121
46-машғулот. Аниқ кўргазмали мисоллар асосида бутуннинг қисмдан катталигини, қисмнинг бутундан кичиклигини фарқлаш .....	124
47-машғулот. Таёқчалардан ҳосил бўлган геометрик шакллардан бир нечта таёқчани олиш усули билан кўринишини ўзгартириш .....	127
48-машғулот. Соат ва унинг ишлатилиши билан таништиришни давом эттириш .....	129
49-машғулот. 20 гача бўлган сонларни ёзувда фарқлаш ва санаш малакаларини мустаҳкамлаш .....	132
50-машғулот. Болаларнинг кўз билан чамадаш қобилиятларини ривожлантириш .....	135
51-машғулот. Геометрик шаклларни турли белгилари: Кўриниши, ўлчами, рангига кўра гуруҳларга ажратиш .....	137
52-машғулот. Соат ва ундан ярим соат аниқликда фойдаланишга ўргатиш .....	140
53-машғулот. Қўшиш ва айирингга доир содда арифметик масалалар тузиш ва ечишни ўргатишни давом эттириш .....	142
54-машғулот. Қоғоз сатҳини аниқлаш (график диктант) .....	144
55-машғулот. Ойлар номи билан таништиришни давом эттириш .....	146
56-машғулот. 20 гача бўлган сонларни ёзувда фарқлаш ва санаш малакаларини мустаҳкамлаш .....	150
57-машғулот. Шартли ўлчов билан ўлчаш, ўлчов натижасини сонлар билан аниқлаш .....	153
58-машғулот. Турли геометрик шакллар йиғмасидан ҳар хил ўйинлар ўйнаш .....	156
59-машғулот. Нарсаларнинг бир-бирига нисбатан жойлашишини аниқлаш .....	159
60-машғулот. Йил фаслларининг кетма-кетлиги ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш .....	162
61-машғулот. Турли хил ўлчамдаги нарсалар орасидан бир хил ўлчамдаги нарсаларни ажратиш ва фарқлаш .....	165
62-машғулот. Катак қоғозга ҳар хил ўлчамдаги квадратлар чизиш .....	168
63-машғулот. Вақтнинг энг кичик бирликлари – сония ва дақиқа ҳақида тушунча бериш .....	170
64-машғулот. Теварак-атрофдаги нарсаларнинг вазиятини аниқлашга доир машқлар .....	173
65-машғулот. Ўзбек милдий сўмлари: 50 сўм, 100 сўм, 200 сўм, 500	

сўм ва пластик карточка билан таништириш .....	176
66-машғулот. Ўз чамасини ўлчов бирлиги билан ўлчаб кўриб, текширишни ўргатиш .....	178
67-машғулот. Махсус шакллар тўпламидан фойдаланиб, намунадаги нарсаларни ҳосил қилиш .....	181
68-машғулот. Катак қоғозда квадрат ва учбурчак шакллари ни штрихлар орқали тасвирлаш .....	183
69-машғулот. Дафтар сатҳини аниқлаш ва шаклларни штрихлар орқали чизиш .....	186
70-машғулот. Суюқ ва тўкилувчи жисмларнинг ҳажмини шартли ўлчов бирлиги билан ўлчаш .....	188
71-машғулот. Етишмаган шаклни, жисм (шар, куб, цилиндр) ни топишга доир мантиқий масалалар ечиш .....	191
72-машғулот. Қоғоз варағининг ўнг-чап, юқори-паст қисми ва ўртасини аниқлаш .....	194
Фойдаланилган адабиётлар .....	198



Lined writing area with horizontal lines.





*Илмий-методик нашр*

ЗУЛХУМОР АБДУЛЛАЕВНА РАҲМОНҚУЛОВА  
УЛУҒБЕК РАҲМОНҚУЛОВ,  
НАСИБА ҚУРБОНОВА

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ  
БОЛАЛАРДА МАТЕМАТИК ТАСАВВУРЛАРНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ**  
*(ТАЙЁРЛОВ ГУРУҲИ УЧУН МАШҒУЛОТЛАР  
ИШЛАНМАСИ)*

Муҳаррир  
Д.Эшонхўжаева

Мусаҳҳиҳ  
Ч.Алимова

Бадий муҳаррир  
Б.Бозоров

Компьютерда саҳифаловчи  
Н.Жумабоев

Нашриёт лицензияси: АИ № 119 - 12.11.08  
Босишга 14.12.2012 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108 А32.  
Босма тобоғи 6,375. Шартли босма тобоғи 10,71.  
Гарнитура «LexTimes Cyp+Uzb». Офсет қоғоз.  
Адади 1280 нусха. Буюртма № 889.

“Vskinmashoq-Plus” нашриёти  
Тошкент шаҳар, Чилонзор-8,  
Қатортол кўчаси, 60-уй.  
«Ideas Developing Business» МЧЖда чоп этилди.  
Тошкент, Нақддошлик кўчаси, 16А уй.